И.А. ҚЎЗИЕВ А.Х. ҚЎЧҚОРОВ

# ҚУЁН ВА НУТРИЯ: ҒЎШТ ВА МЎЙНА



ТЎКИН ЯШАШ СИРЛАРИ

15

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН МАСЛАҲАТЛАР

И.А.ҚЎЗИЕВ, А.Х.ҚЎЧҚОРОВ

# ҚУЁН ВА НУТРИЯ:
## гўшт ва мўйна

*(Тадбиркорлар учун оммабоп қўлланма)*



ТОШКЕНТ – 2013

636.92
К-88

УЎК 636.9(072)
КБК 46.71
Қ88

Қуён ва нутрия: гўшт ва мўйна. Тузувчилар: Н.Гуясв, А.Кўчқоров (тадбиркорлар учун оммабоп қўлланма). – Т.: DIZAYN-PRESS, 2013. 172 бет.

УЎК 636.9(072)
КБК 46.71

*Тадбиркорликнинг қирралари кўп. Айниқса, қуёнчилик ва нутрия парваришлаш кони фойда. Чунки қуён кўп насл бериб, бир оиланинг гўшт эхтиёжини қоплабгина қолмай, кўп миқдорда сифатли мўйна ҳам беради. Нутрия ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.*

*Ушбу рисолада тадбиркорлар учун қуён ва нутрия етиштириш усуллари, зотлари ҳақида батафсил маълумотлар берилади.*

**Набижон ҲОШИМОВнинг «Тўкин яшаш сирлари» лойиҳаси**

***Тақризчи:*** **Б.ХОЛМАТОВ – ЎзРФА Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, биология фанлари номзоди**

ISBN 978–9943–20–200–9

© «DIZAYN-PRESS» нашриёти, 2013

SDVU Axborot-resurs markazi
Inv № бр 33458.



## ҚУЁНЧИЛИК

Қуён – уй шароитида парваришланадиган, энг тез етиладиган ва кўп насл берувчи жониворлардан ҳисобланади. Шунинг учун қуйчиликка кўпдан буён катта эътибор қаратиб келинади. Ҳозирги пайтда қуён парваришланадиган катакларни нафақат қишлоқ жойларида, балки шаҳарда ва шаҳар атрофларида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Дарҳақиқат, кўпгина ҳаваскорлар айнан шу жониворни кўпайтиришга жазм этадилар. Бу бежиз эмас. Чунки бу жониворнинг наслдорлиги яқин афсонага айланган. Бир вақтлар Британия қуёнларининг кўпайишига шубҳа билан қараган Австралияликлар бунинг қаттиқ азосини тортганлар. Яшил минтақага тушиб қолган қуёнлар ўзларининг табиий кушандалари йўқлиги натижасида шундай кўпайиб кетишадики, пировардида қитъада мавжуд ўсимликларнинг йўқ бўлиб кетиши хавфи туғилади, оқибатда, ерлик аҳоли қуёнларга қарши ҳақиқий уруш очишга мажбур бўладилар.

Қуён ҳақиқатдан ҳам уй шароитида хонаки уй ҳайвонлари орасида энг тез етилиб, кўп насл берувчи жонивор саналади. Бир мавсумда учта мода ва бир эркак қуёндан иборат кичик оила 25 марта кўпаяр экан! Кузда бундай пода юзлаб бошга кўпаяди, агар сал жиддийроқ шуғулланилса, улар сони 200 тагача етиши ҳам мумкин.

Қуёнларни жуда мазали, шу билан бир қаторда парҳезбоп гўшти ва албатта телпак, пўстин ва бошқа мўйнали буюмлар тайёрлашга кетадиган чиройли мўйнаси учун бо-

қиб кўпайтирадилар. Қуён гўштида бошқа уй ҳайвонлари ва паррандаларникига нисбатан [illegible] холестерин сақланишини унутмаслик керак.

Парваришланаётган битта мода қуёндан йил давомида 25–35 та тери ва 40 кг га яқин гўшт олиш мумкин экан. 90 кун давомида яхши зотли қуён 1,8–3 кг гача семиради ва уни сўйиш мумкин. Табиийки, мўъжаз уй ҳайвонларини кўпайтиришга қарор қилган киши хаёлига биринчи навбатда қуён келади. Уларни парваришлаш, жуда осон. Бунинг устига қуёнчилик ҳар доим, ҳатто имкониятнинг ярмидан фойдаланилган тақдирда ҳам фойда келтиради.

Тажрибалар кўрсатадики, учта мода ва битта эркак қуёндан иборат тўда 4 кишидан иборат оилани йил давомида гўшт билан таъминлаши мумкин экан. Қуёнларнинг парваришлашга кўп вақт кетмайди, уларга бир суткада икки марта – эрталаб ва кечқурун озиқа, сув бериш етарли. Шу ҳолда қуён гўшти арзонга ҳам тушади, чунки қуённи парваришлашга кўп маблағ сарфлаш талаб этилмайди.

Ҳозирги даврда хонадонингизда қуёнчилик фермаси ташкил қилиш фойдадан холи бўлмаганидек, бу ишни амалга ошириш қийин кечмайди, қилган ишингиздан афсусланмайсиз ҳам.

## ҚУЁН ЗОТЛАРИ

Қуён аждодлари битта зотга тегишли бўлган. Қуённинг келиб чиқиши ҳозирги вақтда Украинанинг жанубий ва Ўртаер денгизи мамлакатларида учраб турадиган ёввойи қуёнларга бориб тақалади. Ёввойи шароитда қуёнлар қумоқ тупроқлардан кавланган уяларда яшайдилар. Қуён уяси бир неча чалғитувчи чиқиш йўлларига ва битта асосий бошпанага эга анча мураккаб тузилмадан иборат.

Ёввойи қуёнларнинг вужудга келиши яқин қариндошчилик шароитига асосланган, шунинг учун улардан кўпинча заиф жинслар дунёга келиб, тезда нобуд бўлишади. Бироқ яшовчанлик асосий омил бўлиб, насли йирик, фаол, яшаб кетадиган қуёнлардан ўтади.



Ёввойи мода қуён болалаганда бир йилда 5-6 марта 8 тадан 12 та гача, бола туғилади. Мақбул шароитда, қуёнлар жуда тез кўпаяди.

Аслида ёввойи қуёнлар Осиёдан тарқалган. Европа ва Африкага учинчи даврда борган, муз даврида эса Пиреней ярим оролининг жанубида яшаган. Археологик қазишлар шоҳидлик беришича, қуёнлар тахминан эрамиздан 2,3 минг йил илгари хонакилаштирилган. Бу жониворни, одамлар тош даври (4500–2500 й.й) даёқ тутиб, парваришлаганлар. Европада қуён анча кечроқ – атиги XII-XIII асрларда тарқала бошлаган.

Австралияга қуёнлар яқиндагина – салкам эллик йилча аввал тарқала бошлади. Виктория штатига 16 тагина жонивор келтириб, Жилонга туманига қўйиб юборилади. Бу тажрибани ташкил қилувчилар қуёнлар сонини тартибга солиб турувчи ваҳший ҳайвонлар йўқлигини ҳисобга олмай, қилаётган ишлари қандай оқибатга олиб келишини ўйлаб кўрмагандилар. Австралиянинг ажойиб иқлимли шароитида она қуёнлар 40 тагача бола туғади, яъни йил бўйи кўпаяди.

Қуёнлар қитъа ҳудудини йилига 70 миль тезликда эгаллай бошладилар. Австралия олимлари қуёнлар билан уларнинг биологик душманлари ёрдамида кураш олиб боришга уринади, бу ҳайвонлар орасида қуёнларга ўлим келтирувчи миксоматоз билан зарарлантирилган бурга тарқатадилар. Бироқ ҳамма қуёнларни йўқ қилишнинг иложи бўлмайди, бир неча қуён миксоматозга қарши иммунитет ишлаб чиқариб, тирик қолишади. Тез орада қуёнлар яна аввалги миқдорида тарқалади.

Европада қуёнларнинг сони йиртқич қушлар ва ҳайвонлар томонидан тартибга солиб турилади. Ёввойи қуёнларнинг ҳаёт кечириши давомийлиги бор-йўғи уч йил, уй шароитида эса улар уч баробар кўпроқ яшайдилар.

Қўлга ўргатилган қуёнлар билан насл олиш ишлари бошлангач, ёввойи табиатда учрамайдиган зотлар пайдо бўлди. Уй шароитида парваришланган қуёнларда уларнинг ёввойи аждодларидан ажратиб турувчи устун жиҳатлари кўзга ташла-

на бошлади. Уй қуёнлари ёввойиларидан анча йирик, туси ҳам ҳар хил. Баъзи зотларининг жунининг тузилиши жиҳатидан ёввойи аждодларининг терисиникидан мутлақо аъло. Уй қуёнларининг зотлари борки, қулоғи осилиб туради, ваҳоланки уларнинг ёввойи қариндошларининг қулоғи доим тик туради ва жуда ҳаракатчан.

XX асрда қуёнчилик аввалги даврларда қуёнларни хонакилаштириш билан таққосланганда [illegible] жадал ривожланади. Агар XX аср бошларида бор-йўғи 6 та қуён зоти мавжуд бўлса, орадан 100 йил ўтиб улар миқдори 10 баробар ошди ва ҳозир 60 тадан кўпроқни ташкил этади.

## ЗОТ ТАНЛАШ

Қуён зотларини танлашда энг аввало ўзингиз яшаётган туманда қуёнбоқарлар айнан қайси зотини парваришни афзал кўришларини билишингиз муҳим. Шунда дадиллик билан улардан ибрат олиб, ўша зотли қуёнлар парваришлашга киришсангиз бўлади. Гап шундаки, зот танлаш фақат бир қарашда эркин ва ҳатто тасодифий бўлиши мумкин. Аслида сизнинг жойингизда у ёки бу зотдаги қуёнларни парваришлашнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини айтиб турибди.

Бироқ фақат ўзингизнинг танишингиз ёки қўшнингизга қараб иш тутишингиз ўринли эмас, хатога йўл қўйишингиз мумкин. Чунки бу одам ўз жойига ёт бўлган зотли қуённи, эҳтимол ўз зарарига бўлса-да, парваришлаётган тажрибали қуёнбоқар бўлиши мумкин. Ундан ибрат олиб, бошланоқ хайрли ишингиз барбод бўлиши эҳтимоли мавжуд.

Қуён зотларини гуруҳларга бирлаштиришнинг бир неча принципи бор. Қуёнлар жун қоплами узунлигига кўра одатдагидек жунли, узун жунли ва қисқа жунлиларга бўлинади. Тирик вазнига кўра йирик, ўртача ва майда зотларга ажратилади. Бундан ташқари, айниқса, хорижда авж олган манзарали қуёнчилик тармоғи ҳам мавжуд. Уларга инглиз қўйи деган зотли қуёнлар мансуб. Бироқ бу зотдаги қуёнларнинг йирик вазни уларни гўштли зотлар қаторига киритишга асос бўлади.



Ҳаваскор қуёнчилик учун қуён зотларини гўшт, гўшт – тери (қуроқ йўналишли), тери ва тивит берувчи зотларга ажратиш яхшироқ ҳисобланади.

## ҚУРОҚ (ГЎШТ-ТЕРИ) ЙЎНАЛИШДАГИ ЗОТЛАР

Бундай йўналишдаги зотлар камида 4,9–5,3 кг тирик вазнга эга бўлади. Бу зотлар юқори сифатли ва кўпроқ гўшт, чиройли мўйна, серсут ҳамда юксак оналик сифатига эга қуёнларга эришиш мақсадида чиқарилган.

**Рус шиншилласи.** Ушбу зотдаги қуёнларни чиқаришда фойдаланилган она зотлар оддий шиншилла ва оқ великан бўлади. Натижада, ўлчамига кўра бу қуёнлар она зотларига нисбатан йирик бўлади.



*Рус шиншилласи*

Рус шиншилласи зотига хос аломат ва сифатлар:
– қулоғи – тўғри ва тикка туради;
– боши – унча катта эмас;
– кўкраги – кенг ва чуқур бўлиб, кичикроқ тўшли;
– танаси – йиғинчоқ, тиғиз;
– орқаси – бир оз арксимон;
– танаси узунлиги – 60–65 см;
– айримларининг тирик вазни сезиларли даражада салмоқли бўлиб 4,2 кг дан 7 кгача етади, ушбу зотдагиларнинг аксарияти 5 кг вазнга эга;

– 2 ойликда ўртача вазни – 1,7 кг, 3–3,5 ойликда 2,0 кг га етади;
– кўкрак айланаси – 37–41 см;
– она қуён серсутли – юқори, оналик сифатлари – яхши;
– бир болалагандаги қуёнчалар ўртача сони 7–8 та;
– етилиши – жуда юқори;
– озиқага талаби – жуда юқори;
– сўйилганда гўшт чиқиши – 56–58 фоиз;
– Туси – орқаси ва ёнбошида қора бурама хошияли оқ – ҳаворанг;
– Зонал тусини пуфлаганда пайқаш мумкин: ости оч кулранг – зангори, юқориси тўқ бўзранг;
– Юнг билан қопланиши – юмшоқ ва қалин, фақат қора – кўнгир зотли қуёнлардан пастроқ келади;
– Тусидаги алоҳида белгилар – қулоғида қора хошия, кўзи атрофида оқ хошия, гарданида кулранг – бўз тусда қийиқ мавжуд. Зотга оид юқори сифатларидан ташқари ушбу зотдаги қуёнлар об-ҳаво ва озуқа ўзгаришларига жуда яхши мослашади. Улар уй шароитида парваришланишнинг ҳар қандай ҳолатларида яшовчан. Рус шиншиллалари ўзига хос сифат белгиларидан ташқари баъзи камчиликлардан холи эмас.

Улардан асосийлари:
– қулоғининг катталиги;
– қулоқ тўшга эгалиги;
– терисининг ортиқча қат-қатлиги;
– қоматининг хомсемизлиги;
– сағрисининг калталиги. Орқасидаги сариқ – кулранг ёки зангранг малла кўринишдаги хошия рус шиншилласининг тоза зотли эмаслигидан далолат беради.

Ўша белгилар мавжудлиги, шунингдек, зонал тусларнинг ноаниқ акс этиши рус шиншиллаларини яроқсизга чиқариш учун сабаб ҳисобланади.

Зотга хос белгилар селекция ишлари чоғида жуда осон ўзгаради, бу эҳтимол, бир томондан камчиликдек баҳоланса, иккинчи томондан ютуқдек, айниқса, жадал селекция ишлари зарурлигида.



**Оқ великан.** Оқ великанлар ўз номини жуда йирик ўлчамлари ва катта тирик вазнга эгалиги учун олганлар. Россияга оқ великанлар 1927 йилда келтирилган, улар хорижда фландр зотидан тарқалган энг йирик албиносдан етиштирилган. Россияда ушбу зот баъзи қийинчиликлар билан яшаган, насл ўзининг зотли сифатларини тезда йўқотган, шунинг учун дастлабки кезларда зотларининг ўзига хос сифатларини мустаҳкамлаш учун фландр, кулранг великан ва шиншилла зотлари билан чатиштириш амалга оширилади.



*Оқ великан*

Оқ великан зотига хос белги ва сифатлар:
– қулоқлари – энли, узун;
– кўзлари – қип-қизил;
– боши – йирик;
– кўкраги – чуқур, энсиз, катта тўшли;
– танаси – ингичка, чўзиқ;
– орқаси – тўғри;
– тирик вазни – 4,3 дан 8,3 кгтача, ўртача – 5,3 кг;
– танасининг узунлиги – 59–65 см;
– кўкрагининг айланаси – 37–39 см;
– она қуённинг серсутлиги – юқори;
– бир болалагандаги қуёнчалар ўртача сони – 8 та;
– етилиши паст, великанлар кеч етиладиган зотларга мансуб;
– озуқага талаби – жуда юқори;

– икки ойликда ўртача вазни – 1,8 кг, сўйилганда гўшт чиқиши – 50 фоиз (3,5–4 ойликда);
– туси – оқ;
– пуфлаганда зонал туси – бир текисда оқ;
– юнгли қоплами – юмшоқ, эгилувчан, товланувчан, қалинликда шиншиллалардан қолишмайди;
– тусидаги алоҳида белгилари – йўқ.

Оқ великан зотига хос камчиликлари:
– хомсемиз қоматли;
– сағрисининг калталиги;
– нозиклиги;
– кўкрак суягидан ушлаб олиш лозимлиги;
– панжасининг кам ўсиқлиги;
– мастит ва пододерматит (оёқ касаллиги);
– бир қориндан туғилган қуёнчалар орасида "пухляк"лар яъни тук билан қопланган қуёнчаларга ўхшаш юнгли жинс туғилиши;
– бир-икки туққан она-қуёнларни яроқсиз бўлиб қолиши даражасининг юқорилиги;
– озуқа билан таъминланиш режими ва сифатига талабнинг юқорилиги;

Касал ва кам насл берадиган она-қуёнлардан ташқари "пухляк", зот белгилари йўқолиб кетган қуёнларни брак қилиш лозим бўлади. Бунда "пухляк"ларнинг бирга туғилган қариндошлари билан бир қаторда ота-оналари ҳам брак қилинади.

Оқ великаннинг ички зотлар тур хили орасида жуда юқори маҳсулдорликка эгалари ҳам мавжудки, улар мақсадга қаратилган селекция ишлари оқибатида олинган.

**Кулранг великан.** Ушбу зот 1952 йилда бельгия фландрларини Полтава вилоятида етиштирилган зот билан чатиштириш йўли билан олинган. Кулранг великан илиқ иқлимли жойларда яхши ўсади, бироқ Россиянинг ўрта минтақаларида ўзларини буткул қониқарли ҳис этадилар. Ота-она кулранг великанлар жуссаси катталигига яраша сарф-харажатлар ҳам кам эмас.





*Кулранг великан*

Зотнинг ўзига хос белги ва сифатлари:
– қулоқлари – катта, энли, узук, йўғонлашиб кетган, ҳар доим тўғри, рим рақами шаклида, уч томон бир оз юмалоқ;
– боши – йирик, бир оз дағалроқ;
– кўкраги – чуқур ва кенг, баъзан кичикроқ тўшли;
– танаси – вазнли;
– орқаси – узун, тўғри ва энли, сағриси энли ва юмалоқ;
– оёқлари – мустаҳкам, тўғри, йўғон;
– тирик вазни – 4 кг дан 7,3 кг гача, ўртача 4,9 кг;
– танасининг – узунлиги – 66 см гача;
– кўкраги айланаси – 37 – 39 см;
– она-қуён серсутлилиги – юқори;
– бир туққандаги қуёнларнинг ўртача сони – 8 – 9 дона;
– тез етилиши – ўртача;
– озуқага талаби – ўртача;
– икки ойликда ўртача вазни – 1,5 кг, 3–3,5 ойликдаги ўртача вазни – 2–2,6 кг;
– сўйилганда гўшт чиқиши – 55–57 фоиз;
– туси – кулранг қуёнларники каби, аҳён-аҳёнда темир кулранг тўқ кулранг;
– пуфлаганда кўзга ташланадиган зонал туси – бир хил

эмас, остки юнги ҳаворанг кулранг, сўнгра қорамтир-сариқ ва оч сариқ, юнгининг юқори учи қўнғир-кулранг тусда; учта зонадаги мамоқ юнги – ҳаворанг-кулранг, қўнғир-сариқ, юнг учи тўқ сариқ;

– юнг билан қопланиш қалинлиги – 1 см² да 16 мингта юнг;

– тусидаги алоҳида белгилар – думининг пасти ва қорни оч рангда, онда-сонда кўкимтир– кулранг.

ушбу зотга хос камчиликлар;

– қомати – заифроқ;

– юнги билан қопланиши – сийракроқ;

– оёқлари – қийшайган ва ингичкалашган;

– кўкраги тор.

Кулранг великанларнинг тоза зотларини урчитишда шуни ҳисобга олиш керак-ки, кўпинча насл олишда тоза қора ёки тоза оқ тусдаги қуёнлар вужудга келади.

**Кумушсимон қуёнлар.** Бу зотдаги қуёнлар кўпинча мўйна қуёнчилигига тегишли бўлади. Чунки улардан юқори сифатли мўйна олинади. Бироқ уларнинг гўшт маҳсулдорлиги ушбу қуёнларнинг гўшт йўналишидаги зотлар билан рақобатлашишига имкон беради. Бу ҳолат ушбу зотдаги қуёнларни уй шароитида кенг тарқалишига сабаб бўлди.



*Кумушсимон қуёнлар*

...от 1952 йилда шампан зотидаги қуёнларни урчи-...ули билан олинганди. Шампан зотидаги қуён вазн



...жиҳатидан оқ қуёнлан кичиклиги билан фарқланади.

Ушбу зотнинг ўзига хос белгилари ва сифати:

– қулоқлари – калта, тик туради;

– боши – ўртача катталикда, бурун томонга торайиб кетган;

– кўкраги – кенг ва чуқур, бир оз тўшли;

– танаси – йиғинчоқ, тиғиз;

– орқаси – тўғри, мускуллари яхши шаклланган;

– оёқлари – мустаҳкам, тўғри туради, мутаносиб ривожланган;

– тирик вазни – ўртача 4,5 кг, баъзилари 5,8–6 кг гача боради;

– танасининг узунлиги – 57 см гача;

– кўкрак айланаси – 36 см;

– она қуённинг сутдорлиги – юқори;

– оналик сифатлари – аъло;

– бир кўпайишдаги қуёнчаларнинг ўртача миқдори – 8–9 дона;

– тез етилиши – юқори;

– озуқага талаби – юқори;

– 2 ойликдаги ўртача вазни – 2 кг, 3–3,5 ойликда – 3–3,5 кг;

– 4 ойликдаги вазни – 4 кг;

– сўйганда гўшт чиқиши – 57–61 фоиз;

– ранги – оч тусдан тўқ тусдаги кумуш ранггача;

– пуфлаганда кўзга ташланадиган туси – тивитли юнги зангори рангда, ости бирмунча очроқ;

– юнг қоплами – ингичка, ипакдек майин, лекин унчалик қалин ва эгилувчан эмас, сибир олмахонларининг юнг билан қопланишига ўхшайди;

– рангидаги алоҳида белгилари – қулоғи, думининг юқори қисми тумшуғининг учи танасига нисбатан бирмунча қорароқ;

Зотнинг хос камчиликлари:

– гавда суяклари – нозик;

– кўкраги – тор,

– икки ойлигида ўртача вазни – 1,8 кг, сўйилганда гўшт чиқиши – 50 фоиз (3,5–4 ойлигида);
– туси – оқ;
– пуфлаганда зонал туси – бир текисда оқ;
– юнгли қоплами – юмшоқ, [illegible], товланувчан, қалинликда [illegible] [illegible];
– тусидаги алоҳида белгилари – йўқ.

Оқ великан зотига хос камчиликлари:
– хомсемиз қоматли;
– сагрисининг калталиги;
– нозиклиги;
– кўкрак суягидан ушлаб олиш лозимлиги;
– панжасининг кам ўсиқлиги;
– мастит ва пододерматит (оёқ касаллиги);
– бир қориндан туғилган қуёнчалар орасида "пухляк"лар яъни тук билан қопланган қуёнчаларга ўхшаш юнгли жинс туғилиши;
– бир-икки туққан она-қуёнларни яроқсиз бўлиб қолиши даражасининг юқорилиги;
– озуқа билан таъминланиш режими ва сифатига талабнинг юқорилиги;

Касал ва кам насл берадиган она-қуёнлардан ташқари "пухляк", зот белгилари йўқолиб кетган қуёнларни брак қилиш лозим бўлади. Бунда "пухляк"ларнинг бирга туғилган қориндошлари билан бир қаторда ота-оналари ҳам брак қилинади.

Оқ великаннинг ички зотлар тур хили орасида жуда юқори маҳсулдорликка эгалари ҳам мавжудки, улар мақсадга қаратилган селекция ишлари оқибатида олинган.

**Кулранг великан.** Ушбу зот 1952 йилда бельгия фландрларини Полтава вилоятида етиштирилган зот билан чатиштириш йўли билан олинган. Кулранг великан илиқ иқлимли жойларда яхши ўсади, бироқ Россиянинг ўрта минтақаларида ўзларини буткул қониқарли ҳис этадилар. Ота-она кулранг великанлар жуссаси катталигига яраша сарф-харажатлар ҳам кам эмас.





*Кулранг великан*

Зотнинг ўзига хос белги ва сифатлари:
– қулоқлари – катта, энли, узук, йўғонлашиб кетган, ҳар доим тўғри, рим рақами шаклида, уч томон бир оз юмалоқ;
– боши – йирик, бир оз дағалроқ;
– кўкраги – чуқур ва кенг, баъзан кичикроқ тўшли;
– танаси – вазнли;
– орқаси – узун, тўғри ва энли, сагриси энли ва юмалоқ;
– оёқлари – мустаҳкам, тўғри, йўғон;
– тирик вазни – 4 кг дан 7,3 кг гача, ўртача 4,9 кг;
– танасининг – узунлиги – 66 см гача;
– кўкраги айланаси – 37 – 39 см;
– она-қуён серсутлилиги – юқори;
– бир туққандаги қуёнларининг ўртача сони – 8 – 9 дона;
– тез етилиши – ўртача;
– озуқага талаби – ўртача;
– икки ойликда ўртача вазни – 1,5 кг, 3–3,5 ойликдаги ўртача вазни – 2–2,6 кг;
– сўйилганда гўшт чиқиши – 55–57 фоиз;
– туси – кулранг қуёнларники каби, аҳён-аҳёнда темир кулранг тўқ кулранг;
– пуфлаганда кўзга ташланадиган зонал туси – бир хил

эмас, остки юнги ҳаворанг кулранг, сўнгра қорамтир-сариқ ва оч сариқ, юнгининг юқори учи қўнғир-кулранг тусда; учта зонадаги мамиқ юнги – ҳаворанг-кулранг, қўнғир-сариқ, юнг учи тўқ сариқ;

– юнг билан қопланиш қалинлиги – 1 см² да 16 мингта юнг;

– тусидаги алоҳида белгилар – думининг пасти ва қорни оч рангда, онда-сонда кўкимтир– кулранг.

ушбу зотга хос камчиликлар;

– қомати – заифроқ;

– юнги билан қопланиши – сийракроқ;

– оёқлари – қийшайган ва ингичкалашган;

– кўкраги тор.

Кулранг великанларнинг тоза зотларини урчитишда шуни ҳисобга олиш керак-ки, кўпинча насл олишда тоза қора ёки тоза оқ тусдаги қуёнлар вужудга келади.

**Кумушсимон қуёнлар.** Бу зотдаги қуёнлар кўпинча мўйна қуёнчилигига тегишли бўлади. Чунки улардан юқори сифатли мўйна олинади. Бироқ уларнинг гўшт маҳсулдорлиги ушбу қуёнларнинг гўшт йўналишидаги зотлар билан рақобатлашишига имкон беради. Бу ҳолат ушбу зотдаги қуёнларни уй шароитида кенг тарқалишига сабаб бўлди.



*Кумушсимон қуёнлар*

Ушбу зот 1952 йилда шампан зотидаги қуёнларни урчитиш усули билан олинганди. Шампан зотидаги қуён вазн



жиҳатидан оқ қуёнлан кичиклиги билан фарқланади.

Ушбу зотнинг ўзига хос белгилари ва сифати:

– қулоқлари – калта, тик туради;

– боши – ўртача катталикда, бурун томонга торайиб кетган;

– кўкраги – кенг ва чуқур, бир оз тўшли;

– танаси – йиғинчоқ, тиғиз,

– орқаси – тўғри, мускуллари яхши шаклланган;

– оёқлари – мустаҳкам, тўғри туради, мутаносиб ривожланган;

– тирик вазни – ўртача 4,5 кг, баъзилари 5,8–6 кг гача боради;

– танасининг узунлиги – 57 см гача;

– кўкрак айланаси – 36 см;

– она қуённинг сутдорлиги – юқори;

– оналик сифатлари – аъло;

– бир кўпайишдаги қуёнчаларнинг ўртача миқдори – 8–9 дона;

– тез етилиши – юқори;

– озуқага талаби – юқори;

– 2 ойликдаги ўртача вазни – 2 кг, 3–3,5 ойликда – 3–3,5 кг;

– 4 ойликдаги вазни – 4 кг;

– сўйганда гўшт чиқиши – 57–61 фоиз;

– ранги – оч тусдан тўқ тусдаги кумуш ранггача;

– пуфлаганда кўзга ташланадиган туси – тивитли юнги зангори рангда, ости бирмунча очроқ;

– юнг қоплами – ингичка, ипакдек майин, лекин унчалик қалин ва эгилувчан эмас, сибир олмахонларининг юнг билан қопланишига ўхшайди;

– рангидаги алоҳида белгилари – қулоғи, думининг юқори қисми тумшуғининг учи танасига нисбатан бирмунча қорароқ;

Зотнинг хос камчиликлари:

– гавда суяклари – нозик;

– кўкраги – тор;

– қомати – нифроқ;
– ранги – очроқ.

Кумушсимон қуёнларнинг тоза зотларини урчитишда бир хил рангдаги ота ва она қуёнларни олиш тавсия этилмайди, бундай ҳолатда насл янада очроқ бўлади.

**Вена зангори қуёнлари.** Зот анча илгари – 1895 йилда Австрияда фландрни тоза зангори тусдаги моравия қуёнларини ўзаро чатиштириш йўли билан олинган. Ушбу қуён зотлари жойнинг иқлим ва озуқа шароитига яхши мослашади. Юқори ҳашовчанлик хусусиятига эга. Ушбу зотни саноат миқёсида урчитишда ҳам фойдаланилгани сабаб бу қуёнларни урчитишда баъзи қийинчиликлар туғилиши мумкин. Чунки кам фойдаланилиши натижасида ген материалларидан фойдаланиш бўйича имкониятлар чегараланади.



*Вена зангори қуёни*

Зотта хос белги ва сифатлар:
– кулоқлари – ўртача катталикда – 13–16 см, тўғри туради;
– кўзи – тўқ зангори;
– кўкраги – чуқур ва кенг, она қуёнда баъзан тўши анча яхши намоён бўлиб туради;
– танаси – тигиз, узунчоқ, бироқ фландрга нисбатан бирмунча йиғинчоқроқ;
– орқаси – узун ва энли, бел-думғаза қисми кенг, сағриси дум– думалоқ;



– тирик вазни – 4,6–5 кг, баъзан 7 кг ва ундан ошади;
– танасининг узунлиги – 57 см гача;
– кўкрагининг айланаси – 37 см;
– она қуён сутдорлиги – яхши;
– оналик сифатлари – аъло;
– бир туғишдаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 8–9 та;
– тез етилиши – ўртача;
– озуқага талаби – ўртача;
– 2 ойликда ўртача вазни – 1,7 кг, 3–3,5 ойликда – 2,6 кг;
– сўйганда гўшт чиқиши – 56–59 фоиз;
– ранги – кўк– ҳаворанг, оч– тўқ туслар билан фарқланади;
– пуфлаганда кўзга ташланадиган зонал туси – юнг ости сезиларсиз оч;
– Жун қоплами – ўта ялтировчи силлиқ, қалин, юмшоқ, хурпайган. Вена зангори қуёнларининг терисидан котик (денгиз мушуги) терисига ўхшатиб маҳсулот яратишда фойдаланилади.
– рангидаги алоҳида белгилар – оқарган жойлар ва қора тукларнинг йўқлиги;
Зотнинг ўзига хос камчиликлари;
– қомати – заиф;
– ранги – бир текисда эмас. Қора доғлар билан мураккаблашган;
– гавда суяклари – заиф.

**Қора-қўнғир.** Ушбу зот 1948 йилда қора-қўнғир тулки мўйнасига ўхшатиш учун махсус етиштирилган ва шу ном билан аталган. Чатиштиришда оқ великан, фландр ва вена зангориси зотларидан фойдаланилган. Жуда қалин мўйнаси билан ажралиб туради, бошқа зотлардаги қуёнларга таққослаганда энг қалин мўйнали ҳисобланади.

Зотта хос белги ва сифатлари:
– кулоқлари – энли ва узун, 18 см гача;
– боши – йирик, бесўнақайроқ;
– орқаси – тўғри, узун, энли, думғаза қисми яхши ифодаланган;
– кўзлари – жигарранг;

– кўкраги – чуқур ва кенг;
– гавдаси – бақувват, чўзиқ;
– оёғи – тўғри, узун, йўғон;
– тирик вазни – ўртача 5 кг, баъзиларини 3,6 кг дан 6,5 кг чани ташкил этади, чемпионлари – 7 кг ча етади;
– танасининг узунлиги – 61 см;
– кўкрак айланаси – 37 см;
– она қуённинг сутдорлиги – юқори;
– оналик сифати – жуда яхши;
– бир болалагандаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 7– 8 та;
– тез етилиши – яхши;
– озуқага талаби – яхши;
– 2 ойликларининг ўртача вазни – 1,6–2 кг, 3–3,5 ойлигида – 2,7–3,3 кг;
– сўйганда гўшт чиқиши – 55–58 фоиз;
– ранги – тўқ қўнғир;
– Пуфлаганда кўзга ташланадиган зонал туслари – ўсувчи юнглари бир оз остидан оқарган, ёнбошидаги остки юнглар зонар тусга эга – ости – кўкимтир-кулранг, сўнгра сарғиш-қўнғир, учи – қора;
– юнг билан қопланиши жуда қалин, майин;
– рангидаги алоҳида белгилар – боши ва орқасида қора, ёнбошида қора-қўнғир.



*Қора-қўнғир зотли қуён*

Зотга хос камчиликлари:
– гавда суяклари – заиф;
– ранги – темирсимон-кулранг, чунки у фландр ва кулранг великанга хос наслий рангининг таркибий қисмини берган.



Кўпдан маълумки, қора-қўнғир қуёнлар кенг миқёсда, кўпайтиришга мослаштирилган зотлар билан жуда яхши чатишади ва бу борада ажойиб насл беради. Масалан, қора-қўнғирни калифорния ёки янги зеландия оқ зотлари билан чатиштириш дурагай қуёнчалар тирик вазни 12– 15 фоиз, чидовчанлиги 9 –11 фоиз ошади. Насл олишларида қуёнлар галасининг сифатини ошириш мақсадида бу зотдан фойдаланиш ушбу зотни янада жозибадор қилади.

**Капалак.** Бу зот яқинда, 1987 йилда, Англияда урчитиб, унинг манзарали кўриниши туфайли тез орада бутун Европага ва бошқа қитъаларга тарқалди. Ҳозирги вақтда у асосида энг янги зотлар: француз ва немис капалаклари, рейн ва Чехословак чипорлари, француз оқ хохотлари вужудга келди. Лекин бу зот ўз номини ўзига хос чипор ранги учун эмас, балки тумшуғидаги доғнинг капалакка ўхшашлиги туфайли олган. Россияда "капалак"лар ҳозирча кам, шунинг учун уни уй фермаларида кўпайтириш қийин бўлиб турибди.



*Капалак зотли қуён*

Зотга хос белги ва сифатлари:
– қулоқлари – ўртача, тўғри;
– боши – ўртача, думалоқ шаклда, эркакларида – йирикроқ, она қуёнларники бирмунча чўзиқроқ;
– кўкраги – чуқур ва кенг, баъзиларида кичикроқ тўш бўлади;
– танаси – барча жойлари бир хилда йўғон ва бақувват, бир оз чўзиқ;

– орқаси – чўзиқ, кенг, бир оз арксимон, сағриси кенг, юмалоқ;
– тирик вазни – 4,5–4,8 кг;
– танасининг узунлиги – 54–56 см;
– кўкрак айланаси – 37 см,
– она қуённинг сутдорлиги – яхши;
– оналик сифати – аъло;
– бир туғишдаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 8 дона;
– озуқага талаби:
– 2 ойликда ўртача вазни – 1,8 кг, 3 – 3,5 ойлик бўлганда – 2,7 кг;
– сўйганда гўшт чиқиши – 53– 55 фоиз,
– ранги – асосий фони– оқ, унинг ҳар жойида ҳар хил рангдаги пигментли юнг участкалари
– юнгли қоплами – бир текисда, анча қалин, эгилувчан, товланувчан, қисқа, сийпалаганда қуюқлиги сезилади;
– рангидаги алоҳида белгилари – ҳар бир кўзининг атрофида бўйни, бурни, қулоқларидаги расмларга туташмаган гир айлана қора ҳошия; лунжида симметрик пигментли участкалар; қоқ елка томонида, думининг учидан қулоғининг тагигача – эни 3 см ли узлуксиз қора йўл, думининг ости – оқиш туслар қоплаган.
Зотга хос камчиликлар:
– танаси – бирмунча қисқа;
– кўкраги – катта тўшли;
– тирноқлари – қора;
– тусида – ёнбошидаги қора йўлнинг доғ билан аралашиб кетганлиги; кўзи атрофидаги ҳошияларнинг узилиб қолиши.
"Капалак" зотли қуёнлар ташқи кўриниши сифатида баҳолаш Европа мамлакатларида қабул қилинган махсус шкала бўйича балл асосида амалга оширилади.
– умумий кўриниши ва ривожланиши – 20 балл;
– тирик вазни ва ўсиш – 10 балл;
– мўйнасининг сони – 20 балл,
– ранги – 15 балл;
– бошдаги, кўзи, қулоғидаги доғли расмлар – 15 балл;



– танасидаги доғли расмлар – 15 балл;
– кондицияси – 5 балл;
Жами – 100 балл;
"Капалак" зотли қуёнларни кўпайтириш борасида улкан ишлар қилинмоқда.
Ҳозирда амалга оширилаётган синовлар, айрим генетик камчиликлардан холи бўлмаса-да қуёнбоқар-ҳаваскорлар ўртасида қизиқишлар ортиб бормоқда.
**Рус мардери.** Зот 1940 йилда зангори шиншилла ва рус оқсувсари ҳамда маҳаллий кўк рангдаги зотсиз қуёнлар чатиштирокида олинган. Асосий йўналиши мўйна беришга ихтисослашган бўлса-да, бироқ гўшт бериши борасидаги сифати ҳам қуёнбоқар ҳаваскорларда мардерга қизиқиш уйғотмоқди. Мардер сўзи таржимада, "Сувсар" деган маънони билдиради. Дарҳақиқат, ушбу зотдаги қуёнлар териси сувсар мўйнасига жуда ўхшаб кетади.



*Рус мардери*

Зотга хос бўлган белгилар ва сифатлар;
– қулоқлари – унчалик узун эмас;
– боши – кичикроқ, юмалоқ;
– кўкраги – кенг, тўшсиз;
– танаси – тиғиз, калта;
– тузилиши – бақувват;

– орқаси – қисқа, тўғри ёки бир оз арксимон;
– танаси узунлиги – 50 см гача;
– тирик вазни – ўртача – 3,8 кг, айрим пайтларда 6,4 кг гача боради;
– ўртача вазни: икки ойликда – 1,6 кг, 3–3,5 ойликда – 2,1–2,5 кг;
– кўкрак айланаси – 34 см;
– она қуённинг сутдорлиги – яхши;
– бир туғишдаги қуёнчалар ўртасида сони – 7 –8 дона;
– тез етилиши – ўртача;
– озуқага талаби – ўртача;
– сўйганда чиқарадиган гўшти – 55–60 фоиз;
– ранги – тўқ-жигарранг ва оч-жигарранг;
– жун билан қопланиши – жуда қалин, қайишқоқ, эластик, товланувчан;
– жун билан қопланиш зичлиги – 1 см² да 22–24 минг юнг;
– жунидаги айрим белгилар – қулоғи, думи, панжаси, тумшуғи, бирмунча тўқроқ;
Зотнинг ўзига хос камчиликлари;
– тана – майда;
– кўкраги – чуқур эмас тор;
– жун билан қопланиши – бир мунча очроқ ёки бирмунча қорароқ юнг тутамлари бўлиши;
– ранги – бир хилда эмаслиги;
Зот камчиликлари ҳозирча яхши ўрганилмаган, бу қуёнлар майда гуруҳлар бўлиб кўп қисмларда кўпайтиришган бўлиб, саноат ишлаб чиқаришида фойдаланилади.

**Рус оқсувсари.** Бу зотдаги қуёнлар кичик жуссаликлари билан фарқланади. У анча қадимий қуён зотларидан ҳисобланади. Зот Россияга Хитойдан олиб келинган. Зотнинг ватани Ҳимолай (қуённинг иккинчи номи – Ҳимолайлик). Россиядан қуёнлар Польшага, Германияга, Англияга ва бутун Европага тарқалди. Рус оқ сувсар – кумушранг зотдаги қуёнларнинг қариндоши альбинос тур хилидандир.





*Рус оқсувсари*

Зотнинг типик белги ва сифатлари:
– қулоқлари – тўғри турувчи, калта;
– боши – унча катта эмас, юмалоқ шаклда;
– кўзлари – қизил;
– кўкраги – чуқур ва кенг, тўшсиз;
– танаси – тиғиз, энли, йиғинчоқ;
– орқаси – энли, калта, арксимон;
– тирик вазни – 3,5–3,8 кг;
– танасининг узунлиги – 51 см;
– кўкраги айланаси – 34 см;
– она қуённинг сутдорлиги – юқори даражада;
– бир туғишдаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 8–9 дона;
– тез етилиши – яхши;
– озуқага талаби – ўртача;
– сўйганда гўшти чиқиши – 54 фоиз;
– ўртача вазни: икки ойликда – 1,5 кг, 3–3,5 ойликда – 2,5 кг;
– ранги – тоза оқ, кучли товланади;
– пуфлаганда кўзга ташланадиган зонал ранги – йўқ;
– юнг билан қопланиши – қалин, зич, товланувчи ва эластик;

– рангининг алоҳида белгилари – қулоғи, тумшуғи, панжаси ва думининг учи жигарранг-қўнғир ёки қора.

Зотга хос камчиликлари:

– ранги – пигмент доғлари мавжудлиги;

– тузилиши – хомсемиз;

– танаси – ортиқча кучли, бунинг натижасида кўпинча оқ великанлар билан чатишиш чоғида зотга хос белгилар йўқолиб кетади.

**Рекс.** Бу зотдаги қуёнлар 1910 йилда Францияда урчитилган, Россияга Германиядан кириб келган. Калта юнги билан фарқланади, у катталиги жиҳатидан деярли момиққа тенглашиб қолади, шу туфайли қуёнлар бахмал кўриниш касб этади. Ушбу қуёнлар мўйнасидан кўпинча денгиз мушугининг сохта териси сифатида фойдаланилади. Бу зот ҳаваскор қуёнбоқарлар орасида кенг оммалашган.



*Рекс зотли қуён*

Зотнинг ўзига хос белги ва сифатлари:

– тузилиши – майин;

– гавда суяклари – нозик ва енгил;

– қулоғи – ўртача;



– боши – катта эмас, бир оз чўзинчоқ шаклда;

– кўкраги – чуқур, энсиз, кураклари билан кесишган ва ичкироқ тўшли;

– танаси – чўзинчоқ қисмга томон торайган;

– оёқлари – ингичка;

– орқаси – узун, кетма-кет эгиклари мавжуд, сағриси – тор;

– тирик вазни – 3,8–4,5 кг,

– танасининг узунлиги – 40–54 см;

– кўкрак айланаси – 30 см;

– она қуён сутдорлиги – яхши;

– бир туғишдаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 5– 6 дона;

– тез етилиши – ўртача;

– озуқага талаби – ўртача;

– ўртача вазни: 2 ойликда – 1,7 кг, 3–3,5 ойликда – 2,2–2,3 кг;

– сўйилганда гўшт чиқиши – 58–60 фоиз;

– ранги – рекс урчитилган зотга қараб, рексларнинг бир неча типи мавжуд, 20 дан кўпроқ рангдагилари бор – рекс – зангори, рекс – шиншилла, рекс – очсариқ, рекс – малла, уч рангли, қора ва ҳоказо; кўпинча оқ, қора, кўк, жигарранги рекслар учрайди;

– юнг қопламининг алоҳида белгилари – мўйнасида қатламнинг йўқлиги, калти ва тивитли юнгнинг узунлиги бир хиллиги – бу гўё мўйнаси қайчилангандек таассурот қолдиради;

Зотнинг ўзига хос камчиликлари:

– юнг билан қопланиши – қорнидаги, жағидаги, гарданидаги ва думидаги териларнинг ҳар хиллиги,

– юнг қоплами узунлиги ва қалинлигининг бир хил эканлиги.

**Голланд зоти.** Ушбу зот Россияда ўттиз йиллар муқаддам пайдо бўлади. У 150 йиллар аввал Голландияда урчитилган. Ушбу зотли қуёнлар унча катта бўлмаган ўлчамлари, кўп

– рангининг алоҳида белгилари – қулоғи, тумшуғи, панжаси ва думининг учи жигарранг-қўнғир ёки қора.

Зотга хос камчиликлари:

– ранги – пигмент доғлари мавжудлиги;

– тузилиши – хомсемиз;

– танаси – ортиқча кучли, бунинг натижасида кўпинча оқ великанлар билан чатишиш чоғида зотга хос белгилар йўқолиб кетади.

**Рекс.** Бу зотдаги қуёнлар 1910 йилда Францияда урчитилган, Россияга Германиядан кириб келган. Калта юнги билан фарқланади, у катталиги жиҳатидан деярли момиққа тенглашиб қолади, шу туфайли қуёнлар бахмал кўриниш касб этади. Ушбу қуёнлар мўйнасидан кўпинча денгиз мушугининг сохта териси сифатида фойдаланилади. Бу зот ҳаваскор қуёнбоқарлар орасида кенг оммалашган.



*Рекс зотли қуён*

Зотнинг ўзига хос белги ва сифатлари:

– тузилиши – майин;

– гавда суяклари – нозик ва енгил;

– қулоғи – ўртача;



– боши – катта эмас, бир оз чўзинчоқ шаклда;

– кўкраги – чуқур, энсиз, кураклари билан кесишган ва кичикроқ тўшли;

– танаси – чўзинчоқ қисмга томон торайган;

– оёқлари – ингичка;

– орқаси – узун, кетма-кет эгиклари мавжуд, сағриси – тор;

– тирик вазни – 3,8–4,5 кг,

– танасининг узунлиги – 40–54 см;

– кўкрак айланаси – 30 см;

– она қуён сутдорлиги – яхши;

– бир туғишдаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 5– 6 дона;

– тез етилиши – ўртача;

– озуқага талаби – ўртача;

– ўртача вазни 2 ойликда – 1,7 кг, 3–3,5 ойликда – 2,2–2,3 кг;

– сўйилганда гўшт чиқиши – 58–60 фоиз;

– ранги – рекс урчитилган зотга қараб, рексларнинг бир неча типи мавжуд, 20 дан кўпроқ рангдагилари бор – рекс – зангори, рекс – шиншилла, рекс – очсариқ, рекс – малла, уч рангли, қора ва ҳоказо; кўпинча оқ, қора, кўк, жигарранги рекслар учрайди;

– юнг қопламининг алоҳида белгилари – мўйнасида қатламнинг йўқлиги, калги ва тивитли юнгнинг узунлиги бир хиллиги – бу гўё мўйнаси қайчилангандек таассурот қолдиради;

Зотнинг ўзига хос камчиликлари:

– юнг билан қопланиши – қорнидаги, жағидаги, гарданидаги ва думидаги териларнинг ҳар хиллиги;

– юнг қоплами узунлиги ва қалинлигининг бир хил эканлиги.

**Голланд зоти.** Ушбу зот Россияда ўттиз йиллар муқаддам пайдо бўлади. У 150 йиллар аввал Голландияда урчитилган. Ушбу зотли қуёнлар унча катта бўлмаган ўлчамлари, кўп

озуқа талаб этмаслиги, наслчилик ишларига жуда кулайлиги билан ажралиб туради.

Зотга хос бўлган белги ва сифатлар:
- қулоқлари – қисқа, тик турувчи;
- боши – катта;
- кўкраги – чуқур;
- танаси – кенг ва калта;
- орқаси – калта;
- ўртача вазни: 2 ойликда 1,1 кг 3–3,5 ойликда 1,6 кг;
- тирик вазни – 2,5–3,5 кг;
- танасининг узунлиги – 50 см гача;
- кўкрак айланаси – 34 см;
- она қуённинг сутдорлиги – яхши;
- бир кўпайишдаги қуёнларнинг ўртача сони – 7–8 дона;
- тез етилиши – ўртача;
- озуқага талаби – юқори;
- сўйганда гўшт чиқиши – 52 фоиз;
- ранги – ола-чипор, ҳар хил варианларга йўл қўйилади;
- юнг қоплами – қалин, эластик, яхши товланади;



*Голанд зоти*



- рангидаги алоҳида белгилар – рангнинг қимматли вариантлари: боши, танасининг олд қисми, олд оёқлари ва орқа панжаси то сакраш бўғинига қадар – оқ; танасининг орқа қисми, қулоқлари, икки чакаси – қора.

Зотга хос бўлган камчиликлар:
- тузилиши – хомсемиз;
- оёқлари – ингичкалашган, қийшайган.

**Қора-алангали.** Ўртача катталикдаги зот. Мўйна берувчи зот сифатида 1880 йилда Англияда урчитилган. Саноат миқёсида кўпайтиришда фойдаланилмайди, фақат ҳаваскор-қуёнбоқарлар фермасида учрайди. Ушбу зотдаги қуён гўшти парҳезбоплиги билан ажралиб туради. Териси мўйна буюмлар тикишда кенг фойдаланилади.



*Қора алангали зоти*

Зотга хос белги ва сифатлари:
- қулоқлари – калта;
- боши – катта;
- кўкраги – чуқур;
- танаси – кенг ва қисқа;
- орқаси – калта;
- тирик вазни – 2,5 – 3,5 кг;
- танасининг узунлиги – 50 см гача;

– кўкрак айланаси – 30 см;
– она қуённинг сутдорлиги – юқори;
– бир туғишдаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 7 – 8 дона
– тез етилиши – яхши;
– озиқага талаби – юқори;
– ўртача вазни: 2 ойликда – 1,3 кг, 3– 3,5 ойда – 1,8 кг
– сўйганда гўшт чиқиши – 50 фоиз;
– ранги – қора-алангали: боши ва қулоғи ҳамда орқаси сарғиси – қора; бошининг пастки қисми, кўкраги, қорни оёғининг ички томони – сарғиш;
– юнг қоплами – эластик, қалин, майин, жуда товланувчан;
– рангининг алоҳида белгилари – кўз атрофи сарғиш ҳошияли, думининг ости ҳам сарғиш рангда, думининг тепа қисми – қора.
Зотга хос камчиликлари:
– тузулиши – заиф;
– оёқлари – заиф, қийшиқ;
– ранги – унга хос бўлмаган жойларда бетартиб қора ва сарғиш доғлар;



*Олмахон зотли қуён*

**Олмахон.** Бу зот 90 йилча муқаддам Германияда гаванна ва вена зангари зотларини чатиштириш оқибатида олинган. Фақат ҳаваскорлар фермаларида тарқалган, саноат тарзида



...ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, чунки генетик материал ...тқилмовчилиги туфайли наслчилик ишлари имкониятларини торайтиради.
Зотнинг хос белги ва сифатлари:
– қулоқлари – ўртача, тўғри;
– боши – катта эмас, овалсимон, бурни томонга бир оз ...;
– кўкраги – чуқур кенг;
– танаси – тиғиз, йиғинчоқ;
– орқаси – калталашган, бир оз арксимон;
– тирик вазни – 4 – 4,5 кг;
– ўртача вазни: 2 ойликда 1,5 кг, 3 – 3,5 ойликда – 2,1 кг;
– танасининг узунлиги – 52 см гача;
– кўкрак айланаси – 34 см;
– она қуённинг сутдорлиги – яхши;
– бир туғишдаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 6– 7 дона;
– тез етилиши – яхши;
– сўйганда гўшт чиқиши – 55 фоиз;
– ранги – оч бинафшаранг тус уйғунлашган оч зангори;
– юнг қоплами – ўртача қалинликда;
– рангининг айрим белгилари – остки юнглар зонал рангга ва; қорни – оқиш рангда.
**Шиншилла.** Ушбу зот бир вақтнинг ўзида икки давлатда Германия ва Францияда урчитилган. Бу зотнинг териси дунёда энг қимматли, чиройли ва қадрли ҳисобланган Чили шиншилла кемирувчисининг мўйнасига ўхшаб кетади.
Зотга хос белги ва сифатлари:
– қулоқлари – унча катта эмас;
– боши – ўртача;
– кўзи – жигарранг ёки зангори:
– кўкраги – кенг, тўши заиф ривожланган;
– танаси – ўртача узунликда, тиғиз, хушбичим;
– орқаси – тўғри, баъзан бирмунча арксимон;
– тирик вазни – 3 – 4 кг,
– тана узунлиги – 43– 50 см;
– она қуён сутдорлиги – яхши;

– ўртача вазни: 2 ойликда – 1,2 кг, 3 – 3,5 кг;
– бир туғишдаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 7 – 8 дона;
– тез етилиши – юқори;
– озуқага талаби – юқори;
– сўйганда гўшт чиқиши – 54 фоиз;
– ранги – кумушранг – кулранг – зангори;
– юнг қоплами – қалин, тиғиз, эгилувчан;
– рангидаги алоҳида белгилар – орқа ва ёнбошида – тулкисимон қора йўл – йўли, думи – оқ оралаган қора;



*Шиншила зотли қуён*

**Москва шиншилласи.** Москва шиншилласини олишда оқ великан ва шиншилла зотларидан фойдаланилган. Урчитишда кучайтирилган озиқлантиришнинг алоҳида режимидан фойдаланилган.

Зотга хос белги ва сифатлар:
– қулоқлари – ўртача;
– боши – унча катта эмас, йиғчоқ;
– кўкраги – кенг, яхши ифодаланган;
– танаси – чўзиқ;



– орқаси – тўғри;
– тирик вазни – 4,5 – 6 кг;
– тана узунлиги – 53 – 62 см;
– кўкрак айланаси – 33 – 40 см;
– она қуённинг сутдорлиги – яхши;
– бир туғишдаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 8 – 9 дона;
– тез етилиши – юқори;
– озуқага талаби – юқори;
– ўртача вазни: икки ойликда – 2 кг, 3–3,5 ойликда – 4,2 кг;
– сўйганда гўшт чиқиши – 55 фоиз;
– ранги – бир оз кулранг-кумушранг-зангори;
– юнг қоплами – қалин, тиғиз, эластик.



*Москва шиншилласи*

**Шиншилла великан.** Вуал кумушрангликларни чатиштириш йўли билан чиқарилган зот бўлиб, уларнинг тиниқроқ тусда бўлади. Ўзининг бу тиниқ рангини наслига барқарорлиги билан ўтказади.

Зотга хос белги ва сифатлари;
– қулоғи – катта, энли, узунлиги 18 см гача боради;

– боши – ўртача катталикда;
– кўкраги – кенг, тўшли;
– танаси – бақувват чўзиқ;
– орқаси – текис, дум томонга яхши юмалоқланиб кетган
– тирик вазни – 5–8 кг,
– танаси узунлиги – 67 см;
– кўкрак айланаси – 36 см;
– она қуённинг сутдорлиги – яхши;
– бир туққанда қуёнчаларнинг ўртача сони – 8 – 9 дона
– ўртача вазни: 2 ойликда – 1,9 кг, 3 – 3,5 ойликда – 2,
– 3,2 кг.
– тез етилиши – юқори;
– сўйганда гўшт чиқиши – 56 фоиз;
– ранги – очиқ, юнг учи қора;
– юнг билан қопланиши – қалин, тиғиз;
– рангидаги айрим белгилар – тоза қора товланувчи вуа-ли яхши ривожланган.



*Шиншилла великан*

**Вуал кумушсимон зот.** Ўта чиройли мўйнаси билан ажралиб туради. У турли ёруғлик таъсирида рангининг умумий фонини ўзгартириш хусусиятига эга. Юнги гоҳ қора, гоҳ кумушранг тусда жилоланади.





*Вуал кумушсимон зоти*

Зотга хос белги ва сифатлари:
– қулоқлари – энли, 18 см гача узун;
– боши – юмалоқ, унчалик катта эмас;
– кўзлари – қулоқлари – зангори ёки жигарранг;
– кўкраги – чуқур, яхши ривожланган;
– танаси – тиғиз, чизиқ;
– орқаси – тўғри, кенг;
– тирик вазни – 5 – 8 кг;
– танасининг узунлиги – 58 – 67 см;
– кўкрак айланаси 32 – 38 см;
– она қуён серсутлиги – юқори;
– бир туққандаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 7 – 8 дона;
– тез етилиши – яхши;
– озуқага талаби – ўртача;
– ўртача вазни: 2 ойликда – 2 кг, 3 – 3,5 ойликда – 2,8 кг;
– сўйганда гўшт чиқиши – 52 фоиз;
– ранги – кумушранг фонда, юнгининг остки ва устки қисмлари қора;
– юнг қопламн – қалин, эластик;



SDVU Axborot-resurs markazi
Inv № бр 33458.

– рангининг алоҳида белгилари – бутун танаси бўйлаб ўзига хос тўр (вуаль) тарқалган;
Зотнинг ўзига хос камчиликлари:
– қорни – осилган;
– гавда суяклари – заиф, яхши ривожланмаган;
– орқаси – букчайган;
– кўкраги – заиф ривожланган, айланаси 26 см дан кам;
– сағриси – кесилгандек, осилган;
– оёқлари – ингичка ёки қийшайган;
– тирик вазни – 4,5 кг дан кам (вояга етганлариники) ва 4 кг дан кам (8 ойликдагилари);
– ранги – заиф тўрли; мўйнасини бутунлай қора кўрсатувчи, ҳаддан ташқари ифодаланган тўрли, кумушранглик-нинг сарғиш туси; қорни, панжаси ёки бошида оқ нишоналари бор; орқасида оқ юнг тутамлар учрайди.



*Рус калта юнгли зоти*

**Рус калта юнглиси**. Ушбу зотнинг аждодлари – олатлагидек юнгли зот ва рекс зотли қуёнлар.
Зотнинг ўзига хос белгилари ва сифатлари:
– қулоқлари – 16 см гача узунликда;
– боши – катта эмас;
– кўкраги – чуқур, яхши ривожланган;



– танаси – чўзилган;
– орқаси – текис, юмалоқлашган;
– тирик вазни – 4 – 6 кг;
– танасининг узунлиги – 60 см;
– кўкрагининг айланаси – 36 см;
– она қуённинг сутдорлиги – юқори;
– бир кўпайишда қуёнчаларнинг ўртача сони – 8–9 дона;
– тез етилиши – ўртача;
– озуқага талаби – юқори;
– ўртача вазни; 2 ойликда – 1,6 кг, 3–3,5 ойликда – 2,2 кг;
– сўйганда гўшт чиқиши – 53 фоиз;
– юнг қоплами – юмшоқ ва зич;
– ранги – ҳар хил: тўрли-кумушсимон, қора – қўнғир, кумушсимон, олмахонсимон, жигарранг;
– зонал ранги пуфланганда кўзга ташланади, остки юнглари бошқа зотларникига нисбатан анча калта.

**Мармарсимон.** Ушбу зотли қуёнлар энг аввало ўзининг ранги билан ажойиб. Қуёнлар чиройли кўкимтир – бўз кумушсимон мўйнали бўлиб, қора оқ ёки ўртача тусга эга. Рангига хос белгиси – ёнбоши ва орқа суяги бўйлаб қора рангдаги тўлқинсимон йўл-йўли мавжуд бўлиб, у терига мармар кўринишини беради.



*Денгиз мушуксимон зоти*

**Денгиз мушугсимон.** Бу зотдаги қуёнлар қисқа юнглилар-

га тааллуқли бўлиб, улар оқ тивитлиларни қисқа юнгли жинсдагилар билан чатиштириш натижасида етиштирилган. Денгиз мушугисимон қуёнларнинг мўйнаси силлиқ ва ипакдек майин, шунинг учун уларнинг остки юнглари ҳам деярли шундай ингичка, майин ва тивитли.

Мўйнасининг сифати – мутлақо юқори, мўйнани қўшимча ишлов бериш талаб этилмайди ёки денгиз мушугиникига сохта ўхшатиш шарт эмас.

Ушбу зотли қуёнларнинг бир неча хил тури мавжуд бўлиб, мўйнасининг ранги ўзига хослиги билан фарқланади: қора, оқ, зангори, сибир арчаси рангидаги; турли кумушсимон, қора-қўнғир ва тўқ жигарранг хиллари мавжуд.

Денгиз мушугисимон қуёнларнинг тирик вазни 4 – 5 кг ни ташкил этади.

*"Аляска"*. Бу зотли қуёнларнинг фарқланувчи белгиси – бутунлай қора рангдаги. 1916 йилда Германияда етиштирилган. Тирик вазни – 3 кг атрофида.

**"Гавана"**. Бу зотли қуёнлар "тамаки" деб ҳам аталади. Уларнинг ранги сувсар рангига жуда ўхшаш, чиройли тўқ жигарранг тусда.

Қимматли мўйнасидан ташқари "гавана" қуёнларидан яхши сифатли гўшт олинади. Она-қуён бир туққанда 6 тадан 10 тагача болалайди. Етук қуён вазни 2 – 3 кг ни ташкил этади.

**"Япон"**. Ушбу зот Венгрияда ёввойи зотдаги қуённи уй қуёнлари билан чатиштириш натижасида етиштирилган. Қуён уч хил – кулранг, қора ва сариқ рангдаги мўйнага эга.



*Япон зоти*



## ГЎШТБОП ЗОТЛАР

**"Фландр"**. Фландрлар ёки Бельгия великанлари 400 йил муқаддам шу номдаги вилоятда етиштирилган. Бу жуда қадимий зотлардан ҳисобланади. Кўпинча бу жониворлар мўйнасидан денгиз мушуги, қундуз, кенгуру ва бошқа ҳайвонларнинг терисига ўхшатиб маҳсулотлар тайёрлашда фойдаланилади.



*Фландр зоти*

Зотга хос бўлган белги ва сифатлар:
- қулоқлари – тўғри, узун ва тиғиз;
- боши – катта;
- кўкраги – чуқур ва кенг;
- танаси – узун;
- орқаси – тўғри, баъзан арксимон;
- тирик вазни – 6,7 кг, баъзан 9 кг га етади;
- танасининг узунлиги – 67 см;
- она қуённинг сутдорлиги – юқори;
- ўртача вазни: 2 ойликда – 2 кг, 3 – 3,5 ойликда – 3 – 3,5 кг;
- бир туғишаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 12 тагача;
- тез – етилиши паст;
- озуқага талаби – юқори;
- сўйганда гўшт чиқиши – 54 фоиз;
- ранги – ҳар хил: қуёнга (агути) хос, сариқ – кулранг, кенгуруга хос – тўқ кулранг, темир– кулранг.

– пуфлаганда кўзга ташланадиган зонал ранги – турлич тўқ кўкимтир – кулранг момиқ;
– юнг қоплами – узун, зич, қалин;
– рангининг алоҳида белгилари – тирноқларининг ранг юнг рангига монанд бўлиши керак.

**"Янги Зеландия олмахони".** Бу зотни етиштириш учун Ян гизеландия қизил зотлари билан фландр зотли қуёнлар ча тиштирилган. Бу зотнинг гўшт сифатлари ёрқин намоё бўлиб турганлиги боис уни "қуён шароли" деб аташади Шарол деб номланувчи қорамол зотга нисбат бериб шун дай аталган. 1910 йилда АҚШда етиштирилган.



*Янги Зеландия олмахони*

Зотга хос бўлган белги ва сифатлар:
– қулоқлари – ости йўғон, калта, тик туради;
– бўйни – жуда калта бўлиб, бутун танаси бўйлаб тўғри чизиқ ҳосил қилади; урғочи қуёнлар учун кичикроқ бақбақа хос.
– боши – юмшоқ, катта эмас;
– кўкраги – чуқур ва йиғноқ;
– танаси – калта, тўғри ва энли;
– тирик вазни – ўртача 4,5 кг, урғочилариники – 5,4 кг гача;
– танасининг узунлиги – 47–50 см;



кўкрак айланаси – 35 см;
она– қуённинг сутдорлиги – жуда юқори;
бир туғишдаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 8 – 10 дона;
тез етилиши – юқори;
озуқага талаби – юқори;
ўртача вазни : 2 ойликда – 2, 7 кг, 3 – 3,5 ойликда – 3 кг;
сўйганда гўшт чиқиши – 52 – 58 фоиз;
ранги – соф оқ;
юнг қоплами – қалин ва тиғиз.
Зотга хос камчиликлар:
тузилиши – хомсемиз;
териси – буришган;
танаси – ҳаддан зиёд калта, елкасида ортиқча ёғ бўлади.

**"Калифорния".** Ушбу зот АҚШда Янги Зеландиянинг оқ, рус оқ сувсар ва шиншилла зотдаги қуёнларини чатиштириш йўли билан етиштирилган. Россияга 1971 йилда Англия ва Венгриядан келтирилган. Ҳаваскор қуёнчилик хўжаликларида жуда кенг тарқалган.



*Калифорния зоти*

Зотга хос белги ва сифатлар:
қулоқлари – жула калта, ингичка, тўппа– тўғри;
боши – енгил;
кўкраги – кенг ва чуқур;
танаси – мутаносиб ривожланган, йиғинчоқ, мускуллари яхши намоён бўлиб туради;

– орқаси – калта ва кенг бел – думғаза қисми кенгайиб кетган, сарғиси – юмалоқ;
– тирик вазни – 4,5 кг;
– танасининг узунлиги - 54 см;
– кўкрак айланаси – 36 см;
– она қуённинг сутдорлиги – юқори;
– бир туққандаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 8 – 9 дона;
– тез етилиши – юқори;
– озуқага талаби – юқори;
– ўртача вазни: 2 ойликда – 1,9–2,3 кг, 3 – 3,5 ойликда – 2,7–3,4 кг;
– сўйганда гўшт чиқиши – 56 – 60 фоиз;
– ранги – оқ;
– юнг қоплами – қалин, зич, товланувчан;
– рангидаги алоҳида бетилар – қулоғи, думининг учи, панжалар ва бурни жигарранг тусда.

Зотга хос камчиликлари:
– гавда суяклари – нозик;
– тузилиши – хомсеми.

**"Норманд".** Норманд зотли қуёнлар фландрларни бошқа зотлар билан чатиштириш натижасида олинган. Улар тўқ-кулранг ёки кулранг рангга эга. Жуда тез етилиши билан ажралиб туради, 6–7 ойлигидаёқ аъло даражали гўшт бера бошлайди. Етилганлари 5 – 6 кг гача вазнга эга бўлади.

**"Инглиз қўйи".** Ушбу зотдаги қуёнлар Англиядан келиб чиққан деб ҳисоблансада, уларнинг ватани Хитой, деган тахминлар ҳам мавжуд. Зотнинг асосий ажралиб турувчи белгиси – осилиб қолган катта қулоқлари.

Зотга хос белгиларга энг аввало эни 17 смга, узунлиги 71 см гача борадиган қулоқлар киради, ости ҳам кенгайиб бориб ингичкалашиб кетган. Қулоқларнинг ўрта қисми жуда кенг бўлиб, учи юмалоқ.

Қулоқларнинг узунлиги қуёнлар сақланадиган жой ҳароратига боғлиқ, дея қайд қилади.

"Инглиз қўй"лари салмоқли вазнига – 9 кг гача, ҳатто 12 кг гача боради.





*Инглиз қўйи*

## ТИВИТБОП ЗОТЛАР

Бундай зотдаги қуёнларни фақат тивити учун кўпайтирилади деб ўйлаш нотўғри, улар, шунингдек, хуш таъмли гўшт ва қимматли тери ҳам берадилар. Бироқ тивит чиқиши бўйича айнан тивитбоп зотлар бошқалар орасида биринчи ўринда туради, шу боис ҳам ўз номларига эга бўлишган.

Уларнинг юнг қопламлари асосан тивитли юнглардан ташкил топган бўлиб, 92–96 фоизни ташкил этади. Бунда остки юнглар узунлиги 29 см ва ундан кўпроқ бўлади.

Россия энг кўп миқдорда асосан оқ ва оқ тулки зотларидан фойдаланиб, жаҳонда етакчи ўринда туради.

"Ангор". Ангор зоти – Россия учун ноёб бўлиб, у илгари ҳам кенг тарқалмаган эди. Европа мамлакатлари орасида Франция ангор қуёнларини парваришлаш борасида биринчи ўринда туради, Чехияда бу қуёнлар камроқ. Ундан кейин Польша, Венгрия туради. Ангор тивитини энг кўп ишлаб чиқарувчи Хитой бўлиб, йилга жаҳон бозорига 7 – 8 минг тонна тивит етказиб беради.

Ангор қуёнларининг ватани Туркия бўлиб, у ердан 1723

йилда Англия денгизчилари Европага келтирадилар. Россияда ангор қуёнларини парваришлашга ва уларнинг маҳаллий зотларини етиштиришга уриниш етарли натижа бермади



*Ангорка зоти*

Зотга хос белги ва сифатлар;
– қулоқлари – калта, тўғри туради;
– боши – ўртача катталикда, юмалоқ шаклда;
– кўкраги – унчалик чуқур эмас, тўш деярли йўқ;
– танаси – йиғинчоқ;
– орқаси – кенг, бир оз арксимон;
– тирик вазни – 2,5 – 4 кг, ўртача – 3 кг;
– танасининг узунлиги – 43 – 50 см;
– кўкрак айланаси – 35 – 37 см.
– она қуён сутдорлиги – унча юқори эмас;
– бир туғишдаги қуёнчаларнинг ўртача сони – 9–10 дона;
– тез етилиши – ўртача;
– озуқага талаби – ўртача;
– сўйганда гўшт чиқиши – 50 фоиз;
– ўртача вазни: 2 ойликда – 1,1 кг, 3 – 3,5 ойликда – 1,4 кг;
– ранги – турли тусда: зангори, қора, кулранг, оқ ва ҳоказо;



Юнг қоплами – ингичка, юмшоқ, майин, қалин; тивити юнгининг узунлиги – 15 – 22 см; ингичка қисми – 13 – 14 см; тивити ўсиб кетган қуён қорли гувалага ўхшайди, у юмалоқ шарсимон шаклга эга.

***Очиқ усули.*** Бичишнинг очиқ усули мазмуни уруғдонни кесиб ташлаш ва уруғ келадиган найчани боғлаб қўйишдан иборат. Операция бажариладиган қайчи, скальпель шунингдек ип аввалроқ қайнатилиб, қўл яхшилаб ювилади ва тирноқлар олинади. Бармоқ учларига йод настойкаси суркаш тавсия этилади.

Ветеринар – врач ёрдамчиси қуённи орқасига ёки ёнбошига ётқизади ва унинг орқа – олди оёқларини типирчилатишига йўл қўймай ушлаб туради. Врач эса кесишдан олдин ўша жойни 5 фоизли йод настойкани суртади.

Агар қуён уруғдонини қорин бўшлиғига тортиб олган бўлса, уни олд оёқларидан ушлаб кўтарилади, шунда уруғдон мояк халтасига чиқади. Мояк халтачани чап қўлнинг иккита бармоғи билан ушлаб, бир оз пастга ва ўзи томонга тортади. Мояк халтачани скальпелда орқалаги юқори чекkасини қин қобиғи билан қўшиб кесиш керак. Кесилган жойдан уруғдон ташқарига чиқариб олинади. Энг аввал уруғдон йўли №10 ғалтак ипда (ипак ёки капрон ип ҳам бўлади) бичиш сиртмоқчаси билан боғланади. Шундан кейин уруғдонни қайчи ёки скальпель билан эҳтиёткорона кесиш мумкин. Бичиш сиртмоқчаси қўйилган жойдан 2–3 мм юқоридан олиб ташлаш ўтказилади.

Иккинчи уруғдан олиб ташланиши билан жароҳатлар дезинфекцияланади, бунинг учун йод суркаш ёки оқ стрептоцид майдалаб сепиш керак бўлади.

***Уруғдонларни узиб олиш.*** Бу усул операцияни бажариш техникасига кўра асосан аввалгига ўхшаш. Фарқи шундаки, уруғдон йўли ип билан боғланмайди, балки буралади. Шундан кейин қўл кескин ҳаракатлантирилиб мояк билан бирга узиб олинади.

***Ёпиқ усул.*** Бу усулда қин қобиғини қолдириб, мояк халтача тўқимаси кесилади. Ипак ип умумий қин қобиғи устида уруғдан найига қўйилади.

***Уруғдонни мояк халтасига қўшиб суғуриб ташлаш.*** Бу операция скальпелсиз ва қайчисиз амалга оширилади, шу са-

бабни мояк халтачасида кескин қилишга зарурат йўқ. Мояк халтачасини уруғдонга қўшиб аста пастга тортилади ва би- чиш сиртмоқчаси билан сиқиб боғланади. Одатдаги тугун- дан фойдаланиш тавсия этилмайди, чунки ип бўшаб кети- ши мумкин, бу ҳол операциянинг муваффақиятсиз натижа билан тугашига ва қуённинг касалланишига олиб келади. Ипак ипни операцияга олдиндан тайёрлаш лозим – уни сувда қайнатиб шиша дастакка ўраб қўйилади. Дағал ипдан фойдаланиш ва ундан қўшалоқ сиртмоқча қилиб қўллаш кўнгиллагидек бўлади, шунда мояк халтачаси узилиб кета- диган ипда қилинмайди. Операция қилинадиган қуён аниқ- ланиб, операция ўтказиладиган жойлари йод билан ишлов берилади.

Агар сиртмоқча яхши тортилмаган бўлса, қуён жароҳат- ланиши мумкин, бунда унинг мояк халтачаси яллиғланиб, шишиб кетади. Операция қанчалик яхши – ёмон ўтганли- гини қуённинг ўзини тутишидан билиш мумкин – агар бичиш муваффақиятсиз ўтган бўлса, у ҳеч нарса емай қўяди ва касалланади. Бундай ҳолатларда зудлик билан чора белги- лаб, қуёнга ёрдам кўрсатиш керак, яъни ип ечилиб, бошқат- дан янги бичиш сиртмоқчаси қўйилади.

Одатда ахталаш сиртмоқчаси қўйиш борасидаги биринчи уринишлар муваффақиятсиз кечиши мумкин, ахталаш опе- рацияси маҳорат талаб қилади ва ветеринария врачи ишти- рокида амалга оширилади. Ижобий натижага эришиш учун асосий талаб-сиртмоқчани шундай тарзда тортиш керакки, токи мояк халтачасининг терисини зарарламасин ва шу би- лан бир вақтда уруғдон найчасини ишонарли тортиб боғ- лаш лозим.

Агар бичиш операцияси сифатли ўтган бўлса, мояк хал- тачасида қон айланиши тўхтайди ва 4 – 6 кун ўтгач мояк халтачаси билан бирга қуриб, тушиб кетади.



## ҚУЁН БОЛАЛАРИ

Қуён болалари туғилгандан кейиноқ ўзларини қуршаб турган муҳитга жуда боғлиқ бўладилар, чунки уларнинг туғилгунча бўлган физиологик ривожланиш шароитлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу улар ривожланишининг жуда эрта босқичида туғилиши билан боғлиқ. Янги туғил- ган қуёнчанинг вазни 50–70 г атрофида бўлиб, жиш ва кўзи юмуқ ҳолатда туғиладилар.

Агар уяда бўлмаса ҳатто хона ҳароратида ҳам қуёнча тез- да ўлиши мумкин. Шунинг учун болалаш чоғида она қуён- ларга катта эътибор қаратилиши, қуёнхона турган бинони иссиқ тутиш, бу ерда ҳароратнинг пасайиб кетишига йўл қўймаслик керак.

***Биринчи ҳафтада***. Қуёнчалар тез ўсадилар. Ҳафта ўтмаси- дан уларнинг вазни икки баробар ошади. Бир ярим ҳафта (10–12 кун)дан кейин улар кўзини очадилар.

Қуёнчалар ўз ривожланишларининг биринчи ҳафтасида жадал вазн орттирадилар. Агар рисоладагидек ривожланиб борса бир ойдан кейин 500–700 г. вазнга эга бўлишади.

Янги туғилган қуёнчаларда 18 та сут тишлар бўлиб, ду- нёга келганининг 18-кунидан улар доимийга алмашина бошлайди, улар қуённинг кейинги ҳаётида муҳим роль ўйнайдилар.

Қуёнларнинг жағ аппарати ривожланиши тўғри боряпти- ми-йўқми, биринчи ойнинг охирида текшириб кўриш мум- кин. Бу пайтда қуёнчада етук тишлар йиғмаси шаклланиб бўлади – пастки жағида 12 та, юқори жағида 18 та тиш бўлиши керак. Қуёнларга хос бўлган курак тишлари бирин- чи навбатда яхши ривожланиши лозим: улар бутун ҳаёти давомида ўсади, илдизи бўлмайди, ўтмаслашмайди ҳам, чунки ўзи ўткирланиш хусусиятига эга. Қуённинг юқори жағида 4 та, пастида эса 2 та курак тиш бўлади.

Агар дағал озуқа бўлмаса курак тишларнинг нотўғри ри- вожланиши хавфи вужудга келади, ҳатто тушиб кетиши

мумкин. Тўғри, бунақаси кам бўлади, чунки қуён доимо бирор нарсани ғажиб туради-агар озуқа бўлмаса, у уясининг эшигини ғажишни бошлайди.

Қуён тиш аппаратларини кўздан кечираётган қуёнбоқарга жароҳат етказиши мумкин, чунки у анча кучли жағга эса. Кўрик чоғида бармоқларни асраш учун, ёлда тутиш керакки, қуёнларнинг курак ва озиқ тишлари ўртасида 3 – 3,5 см оралиқ мавжуд – бу, ўша жойларга бармоқни тиқиб, қуённи оғзини очишга мажбур этиш учун етарлидир.

Қуёнларда жун қоплами тишларидан фарқли ўлароқ секин шаклланади. Биринчи ой охирига борибгина бирламчи жунлар юзага келишни бошлаб, унинг узунлиги 2–2,5 см ни ташкил этади. Бу жун қоплами вужудга келиши биланоқ дарҳол биринчи балоғат туллаши бошланади ва узоқ давом этиб, 130–140 кунлик бўлгандагина ниҳоясига етади.

Иккинчи туллаш ҳам кам давом этмайди – у тахминан 7 ойликкача ёшгача чўзилади. Биринчи ва иккинчи туллаш ёшга тегишли деб аталади. Қолган барча туллашлар ҳар йили рўй беради. Улар мавсумий деб аталади.

Бир ҳафталик қуёнчаларнинг ҳаёти бутунлай она қуёнга боғлиқ, шунинг учун унинг соғлом бўлиши жуда муҳим. Одатда она қуён ўз туққан болаларига жуда ғамхўр ва қуёнбоқарларнинг аралашуви шарт эмас. Кўпгина қуёнбоқарлар қуёнчалар туғилгандан 45 кунгача уларнинг ривожланиш жараёнига аралашмасликни афзал кўрадилар. Бироқ бутунлай она-қуённинг ўзига ташлаб қўйиш керакмас, баъзида доимий тишлари, жун қоплами одатдагидек шаклланиши учун, қуёнчалар туғилганнинг биринчи ҳафтасида уларнинг организмида кечадиган мураккаб ва шиддатли физиологик жараёнларни таъминлаш учун кучи етишмаслиги мумкин. Шу муносабат билан қуёнчаларни эрта ёшданоқ қўшимча озиқлантириш, она-қуённинг серсутлигини ошириш борасида ғамхўрлик кўрсатиш жуда фойдали.

Қуёнчаларни жадал ривожлантириш она қуённинг сут



маҳсулдорлигини жула тез камайтириб юборади. Қуёнчалар 19–21 кунлик бўлгандаёқ шунчалик етилишадики, она қуён эмизишлар оралиғида ишлаб чиқаришга улгурган сут запасини тўлалигича эмиб оладилар. Агар дастлабки кунлари битта қуёнча тахминан 8 г. сутни бир марта эмишда сўриб олган бўлса, бир ой ўтиб, бу миқдор 30 г. га етади. 19–21 кунларга бориб она қуённинг сут маҳсулдорлиги одатда пасаяди. Дастлабки 6 ҳафта давомида она қуён 7 кг атрофида сут бериши мумкин, бу ўртача кўрсаткич, баъзида она-қуёнлар бундан ҳам кўпроқ сут беради.

Қуён сути жуда тўйимли ва сифатли жиҳатидан сигир сути сифатидан анча устун туради.

Озиқ моддалар миқдори бўйича қуён сути сигирникидан 3 баробар кўп, унинг ёғлилиги 11,2 фоизни ташкил этади, ваҳоланки сигир сутининг ёғлилиги 3,7–4 фоиз бўлади.

Агар она қуён сути етарли бўлса, қуёнчалар дастлабки 10 –12 кун давомида ўзларини хотиржам тутадилар ва уядан чиқиб кетмайдилар. Агар она қуённинг сут маҳсулдорлиги қандайдир сабабларга кўра кам бўлса, қуёнчалар чийиллашни бошлайдилар, атрофга ўрмалаб кетадилар. Бу она қуённи текшириб кўриш учун сигнал бўлиб хизмат қилади ва қуёнбоқар аралашувини талаб этади.

Бундай ҳолатларда қуёнчалар кўпинча уядан чиқиб кетадилар. Бунга уларни очлик ҳисси мажбур этади.

Бироқ кўпинча она қуённинг ўзи эмиб ёпишиб олган қуёнчани уядан чиқариб ташлайди, чунки унинг сути сўрилиб олинган бўлади. Бунинг оқибатида қуёнча кўпинча ўлади. Бироқ қолган қуёнчаларни ҳам ҳаёти хавф остида туради – 18 кунлик бўлганда улар ҳали ўз ҳаракатларини етарли тўғрилаб ололмайдилар ва уяларига қайтишни билмайдилар. Шунинг учун кўзи очилмаган қуёнчани уя ташқарисида кўрган қуёнбоқарга уяни кўздан кечириш, қуёнчаларга тезкор ёрдам кераклигига сигнал бўлиб хизмат қилиши керак.

Бундай ҳолатларда энг самарали ёрдам она қуённи эмадиган қуёнчалар сонини камайтириб, сут бериш нагрузкасини енгиллаштириш керак бўлади.

Бироқ қуёнчалар сони 5 тадан ошмаса, уларнинг сонини камайтириш керакмас, чунки қуёнчалар бир-бирини иситиб совуқдан сақланадилар, учта ёки тўртта бўлишса, бунчалик бир-бирини иситолмайдилар. Агар қуёнчалар 5 та бўлса нима қилиш керак? Бундай ҳолатларда уларни иккита бошқа сути мўл бўлган она-қуёнлар ўртасида бўлиб ташлаб, онасини эса қочиришга қўйиб, яна бир бор оналик сифатларини текшириб кўриш керак.

Вақт ўтиши билан қуёнчалар уядан чиқишни бошлайдилар ва энди унга қийинчиликсиз қайтишлари мумкин. Ёзда ҳаво исиб кетганда қуёнчалар муддатидан олдин уяларини тарк этишлари мумкин. Бу ҳолатни ҳисобга олиб, юзага келган вазиятни бартараф этиш юзасидан яъни қуёнхонадаги ҳароратни пасайтириш борасида тегишли чоралар кўрилади. Эҳтимол, унинг устини чодир билан беркитиш ёки бошқа усуллар билан уни соя қилиш мумкин. Қуёнхонани шамоллатишга эҳтиёткорона ёндашиш керак бўлади, чунки она қуён ҳам, қуёнчалар ҳам елвизакда жуда тез шамоллаб қоладилар, бу қуёнчаларнинг нобуд бўлишига, она қуённинг касалланишига олиб келади.

***Она қуёндан ажратиш.*** Қуёнчалар 18 кунлигидан бошлаб ўсимлик озуқалари билан боқилади, 45 кунлик бўлганда она сути уларнинг озуқа моддаларига бўлган талабининг 5 фоизинигина ташкил этади.

Шунинг учун қуёнчаларни она қуёндан 45 кунлигида ажратилади. Бу анча мақбул ҳисобланади, чунки она-қуённи яна қочиришга имкон туғилади ва шу тарзда 4 – 5 марта насл олиш мумкин.

Ажратиш тадбирига қуёнбоқар муносиб тарзда тайёргарлик кўриши лозим. Қуёнчаларни ажратиш учун мўлжаллаган бинони тайёрлаб, у ерда камида 15° С ҳарорат бўлишини таъминлаш керак бўлади.



Таркибида антикокдиант ва қуруқ сут бўлган маҳсулот комбикорма ғамлаш зарур.

Қуёнчаларни янги озуқага аввалдан ўргатиш ва бунинг учун онасидан ажратишдан бир неча кун бурунроқ бериш бошланади. Бу шунинг учун керакки, қуёнчаларнинг онасидан ажралиши ва уясининг алмашинуви туфайли стресс ҳолатга тушиб қолиши туфайли юзага келадиган асоратларни камайтиради.

Қуёнчаларга ҳаддан ташқари кўп ем бериш керакмас, шунингдек, улар оч ҳам қолмасин. Озуқа миқдорини шундай ҳисоблаб бериш керакки, токи у 15 – 20 дақиқада еб бўлинсин. Бироқ дағал озуқа, сув мўл бўлиши керакки, қуёнчалар тўйгунларича есинлар. Ажратилганларни тез-тез, кун давомида 4 – 5 маҳал озиқлантириш мақсадга мувофиқ.

Агар ажратиш ёзда амалга оширилса, қуёнчаларнинг қуёшда қизиб кетмаслиги ва офтоб урмаслиги ташвишини қилиш лозим. Бунинг учун ажратилганлар қамалган катак устини соя қилиш кифоя.

Қуёнчаларни бошқа катакларга бўлиб ташламай, уянинг ўзини чиқариб олиш мақсадга мувофиқ, шунда улар камроқ безовталанадилар ва мустақил ҳаётга тез кўникадилар. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам нимжон ва етарли ўсмаган қуёнчаларни алоҳида катакка жойлаштириш керак бўлади. Иш моҳиятига кўра шу пайтдан бошлаб қуёнларни гала учун саралаб олиш бошланади. Зотдорлиги яққол кўриниб турган ва жуда яхши ривожланганлар белгилаб қўйилади ёки ота-онасидаги сифатлар ҳисобга олиниб, бўлакланади.

Қуёнларни жинсий белгиларига ҳам қараб ажратилади, фақат ўша қуёнчадан узоқ фойдаланиш мумкинлиги мўлжалланаётган бўлса. Агар қуёнча сотиш учун бўлса, уни жинсига қараб бўлиб ўтирилмайди.

Куёнчаларни тарбиб топиб бўлган гуруҳ катагига жойлаштиришни тавсия этилмайди. Чунки шу ондаёқ эскидан яшаётганлар билан янгилар ўртасида кураш бошланади ва бу уришиш билан якун топади. Бу борада куёнчаларнинг ёши қанчалик катта бўлса, уришиш эҳтимоли шунча юқори бўлади. Бироқ уришқоқлик катакда янги куёнча пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлмаслиги, балки куёнга хос феъл-атвордан бўлиши мумкин. Ўта фаол уришқоқларни келгусида брак қилиш учун алоҳида катакка жойлаштирилади, чунки бундай зўровон куён галанинг бошқа аъзолари учун хавфли бўлади ва ғалага талафот етказади.

Ажратилганлар катагини шакллантиришда ёши бир хил ҳам жинс куёнчалар бўлишига алоҳида эътибор бериш керак.

Катакка 7 – 8 тадан кўп куёнча жойлаштирилмайди, акс ҳолда улар тиқилиб қолишади.

Қуёнбоқарлар баъзан аста-секин ажратиш усулини қўллайдилар.

Бу усулнинг моҳияти шундаки, ўсишдан қолаётган куёнчаларга қулай шароит яратиб берилади. Бундай ҳолларда она куёндан фақат куёнчаларнинг ярми ажратиб олинади. Ажратиб олинганлари энг яхши ўсганлари бўлади. Она куён учун вазифа анча камаяди ва қолган куёнчалар сут мўл-кўллигида яшайдилар. Улар анча жадал тарзда вазн орттириб борадилар, шуниси аҳамиятлики, ривожланишдан қолган куёнчалар асосан гўштга кетади. Биринчи олинганларнинг яхши ривожланган ва фаоллари наслчиликка олиб қолинади.

***Жинсини аниқлаш.*** Ажратиш чоғида куёнчаларнинг жинсини албатта аниқлаш зарур. Бу осон эмас, чунки жинсларнинг ташқи белгилари гарчи яққол кўриниб турса-да аниқ ифодаланмаган. Малакали куёнбоқар куёнча жинсини 20 кунлик бўлгандан кейин, гоҳида ундан аввалроқ ажратиши мумкин.





**Куёнлар жинсини аниқлаш:**
*а) она куён б) эркак.*

Бу ёшда жинсини аниқлаш учун куённинг қорнини тепага қилиб ётқизилади, думини думғазасига қисиб, бармогини оҳиста жинсий аъзолари атрофининг терисига босади.

Ёш урғочи куёнларнинг жинсий аъзолари кичик эркак куёнларникига нисбатан орқа тешигига яқинроқ жойлашган, тирқишсимон шаклга эга, эркак куёнчаларнинг жинсий аъзоси эса юмалоқ тешикли кичик бўртма кўринишида бўлади.

Куёнчалар 45 кунлик бўлганда жинсий белгилари яққолроқ ривожланади, бироқ айрим пайтларда жинсини эрта аниқлашнинг амалий аҳамияти бор.

Момиқ олиш куёнчилигида эркак жинсдагилари кўпинча жуда эрта ёшида йўқ қилиниб, кўпроқ миқдорда момиқ берадиган урғочи жинсдагиларда фаолроқ фойдаланадилар.

## Куёнларни сўйиш ва терисини шилиш

Қимматли мўйнали тери олиш учун куёнлар кузги туллаши якунига етгандан кейин сўйилади. Сўйишни тугатиш даражасини куённинг орқаси ва думғаза устидаги териси-

мушак бўғимларининг қолдиқлари ва улардан фойдаланиш усуллари; совуқ ва иссиқ сув билан таъминланиш, махсус коржомалар (халат, резина аралаштирилган • этак, енглик).



*Òàðèè èøëàø ó÷óí èëãàê*

Терининг сифати қуённинг зотига, уларни озиқлантириш ва асраш шароитига, сўйиш пайти (мавсуми ва ёши)га, терини тўғри шилишга, уларга ишлов беришга боғлиқ.

Терини катта-кичиклиги асосан жониворнинг наслий сифатига, уни озиқлантиришнинг ўзига хос томонларига ва сўядиган ёшига боғлиқ.

Сўйишдан бир кун аввал қуёнлар овқат ҳазмлаш йўлларини тозалаш учун озиқлантирилмайди ва сув берилмайди. Сўйишда юмалоқ ёғоч калтакдан фойдаланилади. Сўйиш қуйидаги тартибда амалга оширилади: қуённи орқа оёғидан ушлаб пастга осилтирилади. У пастга чўзилиб тушганда таёқ билан гарданига кескин зарб берилади ва шу заҳотиёқ қонини оқизиш учун ўткир пичоқ билан бурун пардаси тешилади. Тана терисини шилиб олиш учун мих чўпга орқа оёғидан осилади. Дастлаб 5–7 дақиқа давомида қони оқизиб юборилади, сўнгра оҳиста кафт билан қорнининг юқорисидан пастга сидириб, сийдиги чиқариб ташланади.

Тери думғаза бўйлаб сакраш бўғимларидан то сонининг ташқи юзасигача ва панжалари дум остигача (расм) кесилгач, қувур шаклида шилиб олинади. Терини қаватли қилиб шилиш ҳам мумкин.

Терини шилиш орқа оёқнинг сакраш бўғими атрофининг терисини айлантириб кесиш, битта орқа оёғининг сакраш бўғимидан иккинчисигача болдири ва сонининг ички томони бўйлаб орқа тешик орқали дум учигача кесиш йўли



билан амалга оширилади. Терини кесишлар мускулларга зарар етказмаслиги учун эҳтиёткорона амалга оширилади. Кесишлардан сўнг тери орқа оёқ ва думдан шилиб олинади ҳамда думидан бош томонга қарата қўл билан тортилади. Бунда иложи борича унга зарар етказмасликка ҳаракат қилиш лозим. Тери олд оёққача шилиб олингач, уларнинг билак бўғимларидан кесиб олинади. Сўнгра бошининг қулоқ кемирчакларигача бўлган терисини шилиш давом эттирилади. Бунда кўз, бурун ва лаб атрофлари қирқиб олинади. Терида қолган қулоқ кемирчаклари олиб ташланади. Шилиб олинган тери совутиш учун кўз тешикларидан осиб қўйилади.

## Терига дастлабки ишлов бериш

Тери қолиб кетган ёғ ва гўшт, сут безларидан тозаланиб, гўштпардасини ташқари томонга қилган ҳолда тўғрилагичга белгиланган шаклда тўғрилаб қўйилади ва чучук-қуруқ усулда консерваланади.

Тери шилиб олингандан сўнг совутиш вақти ўтгач ёғсизлантирилиб, сўнг тўғриланади ва қуритилади. Ёғсизлантириш (понасимон тўғрилагич ёки махсус ёғоч қолип қўлламади) гўштпардадаги гўшт, ёғ қолдиқлари, сут безлари олиб ташланади. Улар ўтмас пичоқ билан дум томонидан бош томон йўналиши бўйича эҳтиёт бўлиб олинади. Агар бунга қарама-қарши томонга ҳаракатланиладиган бўлса пичоқ билан юнг илдизини очиб, хом ашёни бузиб қўйиш мумкин. Чунки теридан маҳсулот ишлаб чиқарилаётганда илдизи очилган юнг тўкилиб кетади. Агар терини шилиш чоғида ёриқлар пайдо бўлса, уларни тикиш керак.

Шилиб олинган терилар бузилмаслиги, тўғри қуриши, ғижимлар, бурмалар бўлмаслиги ва тўғри стандарт шаклга эга бўлиши учун улар махсус тўғрилагичларда гўштпардаси ташқарига қилиб тўғриланади, думғаза томонидан бир нечта мих қоқиб маҳкамланади. Терини тўғрилашда уни қаттиқ тортиш мумкинмас.

Тўғрилагичлар понасимон, айрили ва икки ёққа суриладиган бўлади.

Алоҳида йирик хом ашё учун тўғрилагич узунлиги 100 см, остининг эни 30, ўртасиники – 20 см, қалинлиги – 10–15 смли тахтадан қилинади.

Айрили ва икки ёққа суриладиган тўғрилагич иккита тахтачадан қилинади. Айрисимони тепа томонидан тахтача билан қўзғалмайдиган қилиб маҳкамланади. Икки ёққа суриладигани эса ҳаракатланадиган металл пластинка ёки чарм тасма билан маҳкамланади. Паст томонига қулайлик учун бир жойдан қўзғалмайдиган тахтача қоқилади, икки ёққа суриладиган тишли тиргак қўйилиб, тахтани ёнига металл михга илиб маҳкамланади. Тишли тиргак тўғрилагич керакли энликка қўйилгач, металл михга илиб қўйилади.




*Тери тўғирлагич*

Тўғрилагичга тўғри қўйилган терининг ўрта қисми эни терининг узунлигидан уч марта кам бўлади. Уни бемалол, чўзмасдан тўғрилагичга қопланади, тўрга панжаси эса терининг бир томонига симметрик қилиб жойланади.

Янги шилинган тери 70 фоизга яқин нам бўлади. Гўштпарданинг ёрилишларига йўл қўймаслик учун тўғрилагичдан



олинган тери шамол яхши тегадиган, 20–30° С даражадаги хонага осиб қуритилади. Ундан юқори ҳароратларда гўштпарда синувчан бўлиб қолади ва қайта ишлашга ярамайди. Агар терида юмшоқ ва нам жойлар қолмаган бўлса, у яхши қуритилган ҳисобланади. Қуриган тери тўғрилагичдан олиниб, қолиб кетган ёғларни йўқотиш учун қоп тикиладиган дағал матога ишқаланади.

Терини сақлаш учун зич ёпиладиган яшикка куя ва терихўр ҳашаротлардан асраш учун нафталин солинган қопга ўраб, тахлаб қўйилади.

## Терининг товар сифати

Терининг товар сифати юнг қопланиши даражаси, ранги, ўлчами ва гўштпарда (тери тўқима)сининг пишиқлигига қараб аниқланади. Шунинг учун жонивор қанчалик йирик бўларкан, унинг қиммати ҳам шунчалик юқори бўлади, чунки ундан гўшт маҳсулоти кўп ва териси катта чиқади.

Мўйнали ҳайвонлар терисининг юнгли қоплами, унинг узунлиги, қалинлиги, юнглар миқдори нисбатан турлича тоифада, бир ўлчамда эмас. Ушбу соҳада "терининг топографик участкалари" деган тушунча мавжуд: унга кўра тери кўзлар ўртаси, бош, гардан, бўйин, елка, орқа, думғаза, ёнбош, қорин, кўкс, сон, панжа, думдан иборат бўлади.

Терининг товар хусусиятини баҳолашда энг аввал тери қопламига, унинг рангига, товланишига, баландлигига, бир текислигига, юмшоқлигига, ҳашамдорлигига, пишиқлигига тавсиф берилади.

**Юнг қоплами қалинлиги** нафақат юнг миқдорига, балки унинг йўғонлигига, агар юнг йўғон бўлса унинг қалин кўринишига боғлиқ. Тирик ҳайвонда мўйна билан қопланиш қалинлиги сийпалаб ёки асбоб энига қараб аниқланади. Тери тортилганда мўй билан қопланиш қалинлиги камаяди, тўғрилагичга қуритиш учун тортиш чоғида эътиборга олиш керак бўлади. Агар тўғрилагич ҳаддан ташқари катта бўлса, тери қаттиқ тортилади, унинг товар кўрини-

ши ёмонлашади ва юнг сийрак кўриниши туфайли нуқсонлиги ҳақидаги таассуротга калта жунлар, айниқса, катта таъсир кўрсатади. Остки туклар ҳам кам аҳамиятли эмас. Остки туклар етарли қалин бўлса калта жун деярли тик жойлашади. Унинг кенг қисми остки тукни ёпиб туради ва қалин қопланиш кўринишини беради. Агар остки тук паст, калта юнг кўпроқ оғиб турган бўлса, ҳашамдор кўриниш ҳақидаги таассурот камаяди. Агар остки тук заиф ривожланганда калта юнг деярли горизонтал кўринишда бўлса "ясси мўйна" вужудга келган бўлади.

**Жун рангини** унинг пўстлоқ қатламидаги пигмент (ранг берувчи модда) ажратиб беради.

**Мўйнасининг ҳашамдорлиги** юнгнинг қалинлигига, узунлигига ва тери юзасига ётиқлик даражасига боғлиқ.

**Юнг қопламининг юмшоқлиги** энг аввало, алоҳида юнглар тузилишига боғлиқ. Юнг қанчалик узун ва ингичка бўлса, шунчалик юмшоқ бўлади. Бу белгининг холис кўрсаткичи – юмшоқлик коэффициенти. У микрометрдаги юнг йўғонлигини унинг миллиметрдаги узунлигига нисбатини ифодалайди. Коэффициент қанчалик кам бўлса, юнг шунчалик юмшоқ бўлади. Ортиқча юмшоқликда юнг ўзининг қайишқоқлигини йўқотиб, тўла, ёқимсиз бўлиб қолади.

Юнг қоплами юмшоқлик даражасига кўра юмшоқ, ярим юмшоқ, дағал, дағалроқларга ажратилади. Ҳаддан зиёд юмшоқ бўлиши кераксиз юнг тўкилишини келтириб чиқаради. Юнг юмшоқлиги юнгнинг мавсумий шаклланиш жараёнида ўзгаради. Юнгларнинг камроқ тўкилишини терини тараш йўли билан бартараф этиш мумкин.

**Юнг қопламининг товланиши** жун илдизининг қини, унинг ҳолати ва мўйларнинг мойланишига боғлиқ. Одатдагилек ривожланган ёғ безлари доимо мўйларни мойлаб туради. Баҳорда эса безларнинг фаолияти қисқариб, бунинг натижасида юнг қоплами хиралашади. Шунга ўхшаш ҳолат касаллик ёки ҳайвонни нотўғри овқатлантирилиши натижасида без фаолияти бузилганда кузатилиши мумкин. Юнг қопламининг товланиши ипакка ўхшаш ёки ойнасимон бўлади. Ифлос ва чанг терида товланиш бўлмайди.



**Терининг пишиқлиги** айрим мўйларининг пишиқлиги, терига боғланганлик даражаси, шунингдек, мўйларнинг остки туклар билан қуршалганлик даражасига қараб аниқланади. Пўстлоқ қоплами қанчалик қалин бўлса, юнглар шунчалик пишиқ бўлади ва фойдаланилганда, шунчалик кам емирилади. Туллаш бошланаётган, бошланиб бўлган ҳайвон терисидаги мўйнинг терига боғланиши жун чиқиши энди тугалланаётган ҳайвон терисининг мўйига нисбатан пишиқлиги камроқ бўлади. Терига ишлов бериш пайтида мўй илдизининг зарарланиши натижасида юнг қопламининг пишиқлиги бир оз пасаяди.

**Гўштпарда ранги** юнг қопламининг пишиб етилишига боғлиқ. Мўй пигменти унинг илдизида ҳосил бўлади. Бунинг натижасида илдиз ранги гўштпардада ҳаворанг бўлиб қолади. Юнг ўсиши ниҳоясига етгач пигмент ҳосил бўлиши тўхтайди, илдизнинг ранги кетиб, гўштпарда оқара бошлайди. Терида ранг интенсивлиги тери навини аниқлашда асосий кўрсатгичлардан ҳисобланади. Лекин оқарган гўштпардада юнг қопланиши яхши, етарли ривожланмаган бўлса тери анча паст навга тегишли бўлади.

Тери ранги ушбу жониворнинг зотига мутаносиб бўлиши лозим. Нав юнг қопламининг сифати ва тузилишига боғлиқ. Теридаги камчилик нуқсон бор ёки йўқлиги билан аниқланади.

**Терида кўп учрайдиган нуқсонларга** тешиклар, механик зарарланиш туфайли ишқаланган жойлар, юнг қопламининг ёрилиши, бошқа рангдаги доғ, юнг илдизининг очилиб қолиши натижасида терининг тешилиши, тери тўқимаси ва юнг қопламининг тишланиши оқибатида зарарланиши, юнг қопламининг таранга келмайдиган даражада чигаллашиб кетиши, микроорганизмлар таъсирида тери тўқимасидаги маълум бир жойдан юнг тўкилиб, кейин гўштпарданинг қуримай қолиши, гўштпардани ортиқча қуритиб юбориш натижасида дағал, синувчан бўлиб қолиши, куя ва терихўрлар еб етказган зарарлар тааллуқлидир.

## ҚУЁН КАСАЛЛИКЛАРИ

Қуёнлар кўп касалликларга дучор бўладилар ва улардан кўпчилиги ўлимга олиб келиши билан хавфлидир. Уй қуёнлари орасида вирусли касалликлар турлари талайгина, шунингдек, кўз ва қулоқ оғриқлари кенг тарқалган. Булардан ташқари қуёнларни нотўғри сақлаш қуёнлар панжаси, тиши, буйраги ва бошқа ички аъзолари касалликларининг авж олишига сабаб бўлади. Сиз қуён парваришлаш бўйича ўз хўжалигингизни ташкил этган ёки ривожлантираётган бўлсангиз, баъзи касалликларнинг белгиларини ва хусусиятларини билиб олсангиз – зиён қилмайсиз. Бу билан қарамоғингизда бу жониворлар ҳаётини хавфсизлигини ва соғломлигини сақлаб, инфекциялар ривожланишининг олдини олишингиз мумкин бўлади.

### Қуёнларнинг эпизоотик ичак касалликлари

Эпизоотик ичак касалликлари деб янги ном олган қуёнлар энтеропатияси қуёнчиликда 1996 йилда пайдо бўлган.

Касаллик тўсатдан овқат ҳазм қилишнинг бузилиб, зўрайиши билан намоён бўлиб, юқори даражадаги ўлимга (30–80 фоиз) олиб келади. Одатда, бу касаллик 6– 14 ҳафталик қуёнларда намоён бўлади, лекин баъзан бу ҳолатнинг катта ёшдаги жониворларда ҳам кузатилиши мумкин. Бугунги кунда бу касаллик кўпгина Европа мамлакатларида ўзини намоён этди.

Кўпсонли тадқиқотларга қарамай ҳозирги кунга қадар қуёнлар эпизоотик ичак касаллигини қўзғатувчиси номаълумлигича қолмоқда. Жониворларни даволаш учун тўғри ташхис қўйиш асосий муаммодир.

Агар қуён эпизоотик энтеропатияси аниқланса, уни даволаш учун нима қилиш керак?



Биз касалликнинг белгилари, сабабларига қараб [illegible] ки кураш чораларини тақдим этишга ҳаракат қиламиз.

| Симптомлари | Тахминий сабаблари | Кураш чоралари |
|---|---|---|
| Ошқозон [illegible], кўнгил, ич кетиши, терлашлик, апатия, қорин кенгайиши, тезкор ўлим | Заҳарли ўсимликлардан заҳарланиш. Ўсимликни ҳимоя қилиш воситалари. Замбуруғ касалликларидан зарарланган, пўпанакла[illegible], чириган ферментли озуқалардан заҳарланиш | Ошқозонни бутунлай [illegible], секин-аста сут [illegible] [illegible] ва [illegible] билан аралашмасини бера бошлаш. |
| Ғириқ вазнининг паст бўлиши, юнг қопламининг хурпайган, хира кўриниши, оёқларини тўғри қўя олмаслик, кўзни [illegible] бошқа орқа мускуллар фалажи | Витаминлар, минерал моддалар ва микроэлементлар етишмаслиги | Рацион таркибида витаминлар ва минерал моддалар мавжудлигини текшириб кўриш. Озуқага витаминлар ва минерал моддалар қўшиш |
| Ёшлик даврида (1–3 ҳафталик) тирик вазнининг камлиги | Эмизувчи она қуён озуқасида баъзи озиқ моддаларнинг етишмаслиги ва шу туфайли сутининг камлиги. Сут етказиб берувчи безлар танқислиги. Сут етишмаслиги | Эмизувчи она қуённинг озуқаси ранг-баранглигини кўпайтириш ва уни тўйгунча бериш. Сут [illegible] петрушка ва укропнинг бир неча новдаларидан бериш. Кўп сув бериш |
| Бепуштлик, очиш истагининг йўқлиги | Кўп овқат бериш ва семиришга бўлган [illegible] | Озиқлантиришни чегаралаш. Керакли даражага келтиргунча оқсил ва озиқ моддаларни кам миқдорда сақловчи бошқа (новдалар ёки новдали ем) билан озиқлантириш. |
| Қуёнчаларда ич кетиши | Рационда хом клетчатка етишмаслиги (қуйилар текширишга юборилади, чунки у кокцидиоз касаллиги бўлиши мумкин) | Рационга хом клетчатка бой ем аралаш пичан, сомон, новдали ем ва новдалар қўшиш |
| Ич кетиши, ич қотиши, апатия, руҳий тушкунлиги | Сув етишмаслиги | Сув беришни жиҳозлаш. Бунинг учун аввал унинг тозалиги ва [illegible] текширилади. |
| Ич кетиши, шалпайганлик, ажратилган 10–15 кун ўтганда ориқлаб кетиш | Рациондаги ўзгариш туфайли стресс ҳолати натижасида [illegible] ва бошқа [illegible] ўтказилади. | Фақат пичан ва бошқа дағал озуқалар берилади. Ажратилгандан 10–15 кун ўтиб ичимлик сувга ҳар литрга 50 мг дан В витамини қўшиб берилади. Мойчечак ва [illegible] чойидан сув ичирилади |

### Қуёнларнинг вирусли геморрагик касалликлари

Ушбу касалликнинг қўзғатувчиси бўлган вирус ташувчиси касал ва касалланиб ўтган қуёнлардир.

Тажриба тариқасида ушбу касаллик билан зарарланган жониворлар 3– кун, улар ёнида бўлган соғлом қуёнлар 5–6 суткада ўлганлиги аниқланган. Шунингдек, қўзғатувчи-

лари ўтказувчи омил озуқа, таглик, тупроқ, сув, инфекцияланган касал қуёнлар, уларнинг тивит ва терилари, шу касаллик тарқалган жойлардан келган мўйналар, хом ашё буюмлари бўлиши мумкин. Маълум бўлишича, териларда вируслар уч ойгача сақланиб қолар экан.

Касалликнинг яширин даври қуёнларда 48–72 соат, баъзан 120 соатгача давом этади. Тажриба сифатида зарарлантирилганда (мускул орасига, тери остига) бу вақт 18–24 соатни ташкил этиши мумкин. Клиник касаллик деярли намоён бўлмайди.

Одатда ташқи кўриниши соғлом қуёнлар оёқларини бир неча бор талвасали силкитиб, ўладилар. Фақат айримларидагина енгил эзилганлик, иштаҳасизлик кузатилади ва ўлишидан 1–2 соат олдин бурнидан сариқ ёки қонли ажратма оқади.

Ўлишидан 32 соат олдин қуённинг тана ҳарорати 40,8°С даражага кўтарилади. Одатда ташқи кўринишидан касал қуённи ҳатто бир неча дақиқа аввал соғлом қуёндан ажратиб бўлмайди. Касалликнинг белгисиз кечиши табиий инфекцияланган қуёнларда ҳам кўп бўлади. Эзилган кўриниш бўғоз қуёнларда кўпроқ кузатилади.

Шунингдек, касалликда қуйидаги белгиларни кузатиш мумкин: ҳароратнинг кўтарилиши, нафас олишнинг қийинлашуви, летаргия (узоқ вақт ухлаб қолиш), иштаҳанинг йўқолиши, спазмлар, лаб ва шиллиқ пардаларнинг кўкариши, бурундан ва оғиздан ҳамда орқа тешикдан қон кетиши).

-Шунингдек, қовоқ шамоллаши, тахикардия, бурундан шиллиқ келиши, диарея ва бошқа симптомлар кузатилади. Баъзи қуёнлар қичқириб ўладилар.

Барча касалланган қуёнларда бир хил симптомлар намоён бўлавермайди. Баъзи қуёнларда зарарлангандан кейин 18 соат ўтгачгина ҳаракат сусайиб, осойишталик, заифлик кузатилади ва у касаллигини бир оз намойиш этиб, 30–40 соатдан кейин ўлади. Шунингдек, 50 фоиз 5–6 ойлик қуёнлар ва 99 фоиз катта ёшдаги қуёнлар 24 соат давомида нобуд бўладилар. Қуёнларнинг зарарланиш даражаси 30–80 фоизни, зарарланган қуёнларнинг ўлими 80–90 фоизни ташкил этади.



Касаллик кечишининг бошқа кўриниши ҳам борки, бу ниҳоятда сийрак учрайди, бунда қуён касалланиб, кейин соғайиб кетади. Бундай қуёнлар уни бу касалликка қарши иммунитет ҳосил қилади. Бироқ, афсуски, бундай қуёнлар вирус ташувчилари бўлиб қоладилар. Улар вирусни ахлатга қўшиб чиқарадилар, ундан эса соғлом қуёнлар касалланадилар.

Касалланган жониворларнинг жигари, нафас олиш аъзолари, буйраги, талоғи, юраги, бош мияси ва бошқа аъзолари зарарланади.

## Қуёнларда сут безининг яллиғланиши (Мастит)

Қуёнларда энг кўп тарқалган касалликлардан бири сут безининг яллиғланиши инфекциясидир.

-Маститни қўзғатувчиси – кенг тарқалган стафилококк микроби. Қуёнларда сут безининг инфекцион касаллигини стафилококк болалашдан кейин, дастлабки кунларда келтириб чиқаради.

Касаллик билан зарарланиш асосан сут безининг сўрғичлари канали орқали кечади. Кучли яллиғланиш жараён билан бошланиб, бутун безларга тарқалади. Агар вақтида чора кўрилмаса, жонивор кам ҳаракатли бўлиб қолади ва 3–6 кундан кейин ушбу юқумли касаллик оқибатида ўлади.

Сут безининг қаттиқлашгани маълум бўлганда она– қуёнга қандай ёрдам кўрсатилади?

Аввало, уни камфора мойи билан артишни бошлаш керак. Ҳўппоз (гнойник) пайдо бўлгудек бўлса, уларни кесиб, марганцовка эритмаси ёки риванол билан ювилади. Лекин бу ишларни ветеринария врачи қилгани маъқулроқ. Сизнинг вазифангиз эса иложи борича инфекцион маститнинг олдини олишдир. Бунинг учун қуён болалашидан бир неча кун олдин унинг сут безлари атрофидаги терилар 3 фоизли лизол ёки карбол кислотасининг эритмаси билан артилади ва катакда мих, сим, қиррали бурчаклар бор–йўқлиги кўздан кечирилади.

Куёнларда юқумли касалликларнинг кучайишига йўл қўймаслик учун касалланган қуёнлар алоҳидаланади, уларнинг катаги эса оҳак билан зарарсизлантирилади.

## Миксоматоз

Миксоматоз хонаки ва ёввойи қуёнларнинг ўткир юқумли касаллигидир. Ташқи томондан қуён танасида шишли ўсма (миксом) кўринишида намоён бўлади ва юқори даражада ўлим келтиради.

Касаллик қўзғатувчиси миксом вируслари ва санарелли вирусларидир. Санареллилар чечак вируслари оиласига мансуб бўлиб, ёввойи ва хонаки қуёнларнинг буйрак тўқималарида кўпаядилар. Максома вируслари кимёвий моддаларга ғоят чидамли. Масалан, касалликни даволашда қўлланилган 2 фоизли фенола эритмаси 6 соатдан кейингина ўлдиради. У 50°Сда эса бир неча дақиқадан кейингина ўлиши мумкин. Қуён мурдасида вирус бир ҳафта, қиш мавсумида тупроқда 2 ойдан кўпроқ яшайди.

Миксоматоз касаллигининг тез ва кенг тарқалишига қон сўрар ҳашаротлар (искабтопарлар, чивин, бит, бургалар) ёрдам берадилар. Соғлом қуёнлар миксоматоз билан касалланган жониворлар билан алоқада бўлганда, шунингдек, хизмат кўрсатувчиларнинг вирус билан инфекцияланган коржомаларига, инвентарларга, озуқаларга текканларида зарарланадилар.

Қуёнларнинг миксоматоз касаллиги ёз, ёз-куз мавсумларида кўпгина ҳашаротлар жадал учадиган даврида кучайиши кузатилади.

Касалликни даволаш учун унинг яширин даври қанча давом этишини билиб олиш муҳим. Ветеринария маълумотларига қараганда, бу жараён 2–3 кундан 11 кунча давом этиб, бу кўпроқ организмнинг бардошлилигига, зарарланиш усулига, вируснинг патогенлик даражасига боғлиқ. Касаллик жуда тез ривожланганда 5–6 кунга чўзилади. У



икки шаклда – шишли ҳамда тугунчали бўлади. Шишли шаклида касал қуёнларда икки томонлама қовоқ шиллиқ пардасининг яллиғланиши (блефароконъюнктивит) пайдо бўлиб, кейинчалик ринит кучаяди. Ёнбошида, бошида, орқасида 3–4 смли шиллиқли суюқлик бўлган ўсмалар вужудга келади. Касал қуёнлар кўриниши эзилган, шиллиқ пардалари кўкарган, хириллаб нафас олади, қовоқлари йирингли-фибриоз зардобдан ёпишган, қулоқлари шалпайиб тушган бўлади.

Касалликнинг шишли шакли анча хавфли: одатда касалланган ҳайвон ўлади. Тугунчали шакли бошқача аломатлар билан кечади. Қулоғида, қовоғида, боши ҳамда танасининг бошқа жойларида тугунчалар пайдо бўлади. Миксоматознинг 10–14– кунларига бориб, тугунчалар ўрнида чирик жойлар (некроз) ўчоқлари вужудга келади. Соғайганда тугунчалар сўрилиб кетади, чирик жойлар ўчоғи эса 2–3 ҳафтада батамом битади.

Тугунчали шаклдаги миксоматоз касаллиги 30–40 кун давом этади.

Касалликни даволаш усуллари ҳали ишлаб чиқилмаган. Миксоматоз шубҳаси пайдо бўлганда жонивор дарҳол бошқа хонага алоҳидаланади. У ерга ҳашаротлар ва кемирувчилар киришига йўл қўйилмаслиги шарт.

Касаллик бўлса, ветеринария пунктига хабар қилинади. Ветеринария хизмати касал ҳайвонлар турган хўжалик ёки аҳоли пунктига карантин жорий қилади. Карантин вақтида қуёнларни олиб келиш ва олиб кетиш таъқиқланади. Касалланган ва касал бўлиб ўтган қуёнлар ўлдирилиб, териси билан ёқиб юборилади.

Касалланган қуёнлар билан алоқада бўлган қуёнлар ҳам ўлдирилади. Уларнинг териси ва ички аъзолари ёқилади, гўшти эса 1,5 соатлик қайнатишдан сўнг озиқ-овқат учун фойдаланилади. Катак, асбоб-ускуналар, инвентарлар, хонанинг ўзи ҳамда қуённи сўйиш жойлари 5 фоизли лизол,

3 фоизли формалин, 2 фоизли фаол хлорли оҳак каби эритмаларнинг бири билан зарарсизлантирилади. Учувчи ҳашаротларни йўқ қилиш чоралари кўрилади.

Соғлом қуёнлар миксоматозга қарши эмланадилар. Карантин бу ердан сўнгги касал жониворни сўйиш амалга оширилгандан сўнг 15 кун ўтиб ва ветеринария-санитария ишловлари ўтказиб бўлингач, олинади.

## Қуёнларда кокцидиоз касаллиги

Қуёнларда кокцидиоз касаллигини келтириб чиқарувчи 3та асосий патоген тур мавжуд. Кокциди бир ҳужайрали паразитлардан бўлиб, олатда 30–60 кунлик қуёнларни зарарлайди. Солда ҳайвонлар синфига кирадиган бу паразитлар ташқи муҳитда ҳам ҳаёт кечиради.

Ташқи муҳитда ривожланувчи паразитлар босқичи ооциста деб аталади. Қуёнларнинг ўт (зарда) йўлларида яшовчи E. Stiedae тури дарвоза (портал) венаси орқали жигаргача етади, сўнгра ўт йўлининг эпителийларига жойлашади ва кучли холингит келтириб чиқаради. E. flavescens ва E. intestinalis ооцисталари эса ичакда яшайдилар ва қуёнларнинг кўричагида крипталарни емирадилар. Бунинг оқибатида ҳамроҳ касалликлар, шунингдек, ич кетиши ва озиб кетишларни келтириб чиқаради.

Кокцидиозга дучор бўлган қуёнларга даволаш учун сульфадимидин ёки сульфакиноксалин ичимлик сувга қўшиб берилади. Кокцидиозни назорат қилиш учун ҳар куни катакларни тозалаб туриш, тоза охурлардан фойдаланиш талаб этилади.

## Пастереллез

Пастереллез – бактериал инфекция бўлиб, тўрт хил кечади. Ўта ўткир, ўткир, ўткирга яқин ва сурункали пастереллез билан 40 кунликдан катта ёшдаги қуёнлар йилнинг ҳар қандай даврида касалланиши мумкин.



Пастереллезнинг клиник аломатларини қуёнларни даволаш учун билиш керак бўлади. Нафас олишнинг қийинлиги, кечроқ ич кетиши, сурункали кечганда ринит, коньюнктивитлар қўшилиши пастереллезга хосдир.

Касалланган жонивор жигарида чирикли ўчоқлар вужудга келади. Шунингдек, бу касалликда йирингли – фибриоз характердаги пневмония учрайди.

Даволаш антибиотиклар (окситетрациклин, биомицин, левомицин, неомицин) билан олиб борилади. Касалликнинг олдини олиш учун қуёнлар пастереллезига қарши вакцина қўлланади. Сўйилган жонивор гўштини озиқ-овқатда фойдаланиш мумкин, лекин маъқул эмас.

Қуёнлар пастереллезини даволаш учун сульфаниламидли препаратлардан норсульфазол, сульфадимезин ҳар бошга 0,2–0,3 г ҳисобида 3–4 кун давомида фойдаланилади.

Пастереллезни даволашда антибиотик дозаси қуён вазнининг 1 кг га 20–25 минг ЕД. Антибиотиклар 3–4 кун давомида кунига 2 маҳал юборилади. Сурункали пастереллезда қуёнларни даволаш қуйидаги тартибда олиб борилади: 3 кун сульфаниламидли препаратлар, сўнгра 3 кун мускул орасига антибиотик юборилади, сўнг яна сульфаниламидли препаратларга ўтилади.

Қуёнчаларни даволаш учун сульфаниломидли препаратлар дозаси 0,1–0,2 г бўлиши керак. Мушак ичига қўлланган тетроциклин ва биомицин яхши даво таъсирини кўрсатади. Пастереллезни даволашда антибиотиклар ва сульфаниломидли препаратларни қўшиб ишлатиш яхши таъсир кўрсатади.

Касалликнинг олдини олиш мақсадида қуёнчилик фермасида пастереллез вужудга келганда касалланган жониворлар зудлик билан бошқа катакларга алоҳидаланиб қўйилади, инфекция манбаи аниқланиб, бартараф этилади, катаклар, сайр жойлари ва инвентарлар зарарсизлантирилади, ўлган жониворларнинг мурдалари ёқиб юборилади.

Зарарсизлантирувчи моддалардан 1 фоизли формалин эритмаси, 3 фоизли карбол кислотаси, 2 фоизли ўювчи натрий ва 3 фоизли лизол эритмаларини хоналарга қўллаш энг яхши восита ҳисобланади.

Бу касаллик қуёнлар орасида анча кенг тарқалган. Касалликнинг энг асосий кўринишлари – тумов, ўпка яллиғланишининг кучайиши, бўйин қийшайиши ва ҳўппоз учрайди.

Қуёнлар пастереллез билан асосан инфекцияланган озуқа ва сувни истеъмол қилганларида зарарланадилар. Шунингдек, соғлом қуёнлар касалланган жониворлар билан алоқада бўлганларида ҳам ҳаво-томчи йўли орқали пастереллезни юқтириб олишлари мумкин. Касаллик кенг тарқалишига жониворлар тўдасини бир жойда асраш, сифатсиз емиш билан озиқлантириш, парваришлашнинг антисанитар ҳолатда олиб борилиши, шунингдек, кескин об-ҳаво ўзгариши сабаб бўлади.

Касаллик бошланишида қуённинг ҳарорати 39,5–40° С даражагача кўтарилади, шалвайиб қолади, иштаҳаси йўқолади. Бурнидан ёки кўзидан оқ тусдаги совуқ ёпишқоқ суюқлик оқади. Ички қулоғида яллиғланиш зўрайиши, бунинг оқибатида бўйни қийшайиб қолиши мумкин. Агар даволаш чораси ўз вақтида кўрилмаса инфекция респиратор тизимига кириб бориб ўпка яллиғланишини қўзғайди. Агар касаллик ўчоғи тиш илдизи атрофида жойлашган бўлса, юз қисмида ҳўппоз келиб чиқиши мумкин.

Касалланган қуённи даволаш учун антибиотиклар курси татбиқ этилади, баъзан бу тадбир жуда узоқ давом эттирилади. Бу борада байтрил, марбоцил ва тетрасептин яхши самара беради. Шунингдек, давом эттирувчи восита сифатида мойчечак, дасторбош каби ўсимликлардан қайнатмалар тайёрлаб бериш тавсия этилади. Модомики, ҳатто соғайиб кетган қуёнларда касаллик қайталаниши эҳтимоли мавжуд экан, қанчадир вақтдан кейин антибиотиклар билан даволаш курсини такрорлашни унутмаслик зарур. Даволаш вақтида ва ундан кейин ҳам тўғри парҳезга риоя қилиб қуёнларга кўпроқ янги кўкат ва ўтлар, айниқса, момақаймоқ ва зубтурум бериб туриш лозим. Агар шундан кейин ҳўппозлар пайдо бўлса, у ҳолда уларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш ва улар бутунлай йўқолиб кетгунга қадар ювиб туриш керак бўлади.



Ёдингизда бўлсин, кўпгина антибиотиклар қуёнлар соғлиги учун хавфли бўлиши мумкин ва уларни, масалан пенициллинни жониворлар ичишига бериб бўлмайди.

## Қуёнчаларда ошқозон-ичак касалликлари

Бу касалликни келиб чиқишига қуйидаги сабабларни кўрсатиш мумкин. Агар 20–30 кунлик қуёнчаларга она сути камлик қилиб қолса, улар озгина-озгинадан онасига бериладиган озуқалардан дағал озуқалар (дағал пичан, қуруқ ем) ейишни бошлайдилар. Бунинг натижасида овқат ҳазм-лаш аъзоларининг шиллиқ пардаларида ярачалар пайдо бўлади, ошқозон ва ичак яллиғланиши бошланади. Бу касаллик катта қуёнларда ҳам, агар улар қуруқ емлар ва дағал хашакни ифлос ҳолатда еcалар вужудга келиши мумкин. Қуёнчаларда ошқозон-ичак касалликлари юзага келишининг асосий аломатлари тез-тез суюқ ёки юмшоқ, шиллиқ қопланган ахлатлар чиқариш, ичак ёки ошқозоннинг кепчиши билан намоён бўлади. Кўпинча қабзият ич кетиши билан алмашинади. Жониворнинг умумий ҳолати эзилган кўринишда иштаҳаси аввал пасайиб, кейин бутунлай йўқолади. Кепчиш ҳолатларида қуён одатда 2–3 кундан кейин ўлади.

Бу касалликни даволаш қуйидаги тарзда олиб борилади: тезда тетрациклин антибиотиги, дасторбош ва мойчечакли чой берилиб, фақат она-қуён сути, юмшоқ пичан ва янги кўкат билан озиқлантирилади.

Шунингдек, гигиена қоидаларига риоя қилиб, ҳар куни катакдаги ейилмай қолган озуқаларни йиғиштириб олинг,

новларни тозалаб, сувдон ва охурни ювиб қўйинг. Кун ора тагликни ўзгартиринг. Агар қуён фақат новнинг ўзида юришга ўрганган бўлса, уйчадаги тагликни ҳафтасига икки марта алмаштиришингиз мумкин.

## Конъюнктивит

Бу касалликда қуён кўзларининг бириктирувчи пардалари яллиғланади. Иккала ёки битта кўзнинг мўгуз пардаси қизариб кетади. Бироз шишиши, ёш оқиши ёки шилликли-йирингли ажратма ажралиши мумкин. Касаллик, одатда узоқ давом этади. Конъюнктивит кўпинча чангли пичан, қуруқ ем, қипиқ, ҳаводаги кимёвий аралашмалар, ҳатто сигарет тутунидан таъсирланишларнинг аллергик жавоби бўлиши мумкин. Шунингдек, қуён озуқасида оқсилнинг юқори миқдорда бўлиши сийдигидан аммиак кўп ажралишига сабаб бўлади. Бундай ўткир ҳид қуённинг кўзларини таъсирлантиради. Бундан ташқари, иммунитет заифлашганда, кўзга инфекция, замбуруғ ёки вируслар тушиши реакцияси оқибати бўлиши мумкин. Шунингдек, конъюнктивит кўзёш йўллари жароҳатини, буруннинг сурункали зарарланишини келиб чиқиши сабабчиси бўлади.

Уни даволаш комплекс характерга эга. Кўзни таъсирлантирувчи манба дарҳол чиқариб ташланиши зарур. Кўзни зарарсизлантирувчи эритмалар – мойчечак қайнатмаси, дамланган чой, кучсиз марганцовка билан мунтазам ювиб туриш лозим. Ювгандан кейин кунига уч маҳал 30 фоизли альбуцид ёки 0,25 фоизли левомицитин томизилади. Шунингдек, мувофиқ келадиган кўз суртма дорилари – ауреомицин ва тетрациклин, агар касаллик микроблар томонидан келиб чиққан бўлса, вирусдан бўлса, оксолин, флоренал ь суртилади. Шу билан бир вақтда уларни иммунитетни оширувчи ва яллиғланишга қарши воситалар – мойчечак, сариқ чой, календула қайнатмалари ичирилади. Бундан ташқари,



конъюнктивитни вирус ёки микроблар келтириб чиқарган бўлса совуқ, аллергиядан бўлса очанка (Euphrasia) қайнатмаси билан иссиқ компрес қилинади.

## Қийшиқ бўйинлик

Бу касалликда қуённинг боши у томондан бу томонга бориб келади, шунингдек, унинг кўз соққалари турли томонларга тез ҳаракатланаётганини кўриш мумкинки, бу қуённинг боши айланаётганидан далолат беради. Баъзи ҳолатларда қуён йўлини йўқотиб, ортиқ юролмай қолади, мувозанатни ушлаш учун, турли томонга айланаверади.

Қийшиқ бўйинликни даволаш, гарчи узоқ вақт талаб этса ҳам, иложи бор. Кўпгина қуёнлар қийшиқ бўйинликнинг енгил шаклида соғлом шериклари каби бемалол сакраб ўйнаб юраверади. Бу ерда гап қийшиқ бўйинлик синдроми сабабини бартараф этиш кераклигида.

Қийшиқ бўйинликнинг ўзи касаллик эмас, балки марказий асаб тизимида (бош, орқа мияда) қандайдир бузилиш белгисидир. Шунингдек, бу қуённинг ички қулоқдаги вестибуляр аппаратида кўриш муаммолари, панжаси билан боғлиқ сабаблар ҳам қийшиқ бўйинликка олиб келувчи синдром бўлиши мумкин. Қуйидагилар эса қийшиқ бўйинлик синдромини келтириб чиқарувчи аниқроқ сабаблардир:

- ўрта ёки ички қулоқ инфекцияси;
- марказий асаб тизимидаги паразит инфекция;
- baylisascaris procyoni паразит инфекцияси;
- фалажлик;
- миядаги ҳўппоз ёки ўсма;
- мускул спазми;
- заҳарли моддалардан заҳарланиш;
- бош ва орқадаги жароҳатлар.

Агар касаллик қулоқнинг зарарланиши билан боғлиқ бўлса, одатда антибиотиклар курси тайинланади. Тўғри анти-

[illegible] учун мутахассис билан маслаҳатлашиш керак. Чунки қийшиқ бўйинликни келтириб чиқарувчи патогенларининг турли антибиотикларга нисбатан таъсирчанлиги ва чидамлилиги ҳар хил. Маълум бўлишича Бициллин бундай инфекцияга яхши таъсир кўрсатиб, қуёнларга хавфсиз экан. Шунинг учун бошқа антибиотиклар ёрдам бермаса Бициллиндан фойдаланинг. Антибиотиклар ўз вазифасини бажарар экан, ветеринар қуёнларингиздаги мувозанатни йўқотиш қусурини тиклаш бўйича бошқа дориларни ёзиб берсин.

Encephalitozoon cuniculi билан зарарланганда қуёнларда қийшиқ бўйинликлан ташқари асаб тизимида орқа оёқлар нимфалажи, умумий заифлик ва ҳатто тутқаноқ каби бошқа бузилишлар вужудга келиши мумкин. Шунингдек, кўпинча буйрак бузилишларига ҳам дучор бўлишади. Охирги пайтларда юқорида таъкидланган инфекцияни бартараф этишда бендазолга асосланган дорилар (альбендазол, фенбендазол, oxibendazole) билан яхши натижаларга эришилмоқда.

## Қабзият

Бу жуда хавфли касалликлардан ҳисобланади. Қуён овқат емай қўяди ва ич келиши тўхтаб қолади. Пайпаслаб кўрилганда – қорни қаттиқлашганини пайқаш мумкин.

Қуёнда ҳаракат сусаяди. Агар уни тез даволашга киришилмаса, қуён кўп вақт ўтмай ўлиши мумкин. Иложи борича зудликда вет врачга мурожаат қилиш лозим. Агар қабзият эндигина бошланган бўлса унга игнасиз шприцда дасторбош ва мойчечакнинг қайнатмасини сувга қўшиб ичирилади ҳамда микрофлорани тикловчи сувда эритилган Линексга ўхшаган бифидобактерия кукуни берилади. Шунингдек, янги поя ёки укроп қўлда едирилади. Қуённинг ўлишига йўл қўймаслик учун, яхшиси, аввал унга тегишли миқдорда тетрациклин антибиотиги берилади (буни, яхшиси, ветеринария врачи қилгани маъқул), кейин эса бир маротабалик нинасиз шприцда канакунжут мойи ёки вазелин оғзига қуйилади.

Қабзиятнинг олдини олиш жуда қийин эмас. Бунинг учун ҳар куни эрталаб ва кечқурун қуёнга янги кўк ўт берилиб, тайёр қуруқ ем тўхтатилади ёки камайтирилиб, ҳафтасига 2–3 марта озгинадан солинади ҳамда қуёнларда қаттиқ стресс ҳолатлари бўлишига йўл қўйилмайди.

Унутманг, ҳар куни эрталаб ва кечқурун қуёнларнинг иштаҳасини ва янги ахлати бор-йўқлигини текшириб туриш керак, агар улар бўлмаса, зудлик билан антибиотиклар беринг ёки ветеринарга мурожаат қилинг, акс ҳолда қуёнларингиз қабзиятдан ўлиши мумкин.

## Офтоб ва иссиқ уриши

Офтоб ва иссиқ уриши иссиқ кунларда қуёшнинг тўғри нурларидан ва дим, шамоллатилмайдиган, айниқса, намлик юқори бўлган хоналарда сақланилганда организмнинг ортиқча қизиб кетиши оқибатида вужудга келади.

Офтоб ва иссиқ уришининг белгилари шуки, унда қуён тез-тез нафас олади, оғзи, бурни, қовоғининг шиллиқ пардалари қизаради, у қорни ёки ёнбоши билан чўзилиб, харакатсиз ётади. Кўпинча бу жониворларнинг ўлими билан тугайди. Шунинг учун иссиқда албатта бир қатор чоралар кўриб қўйиш керак бўлади.

Офтоб ёки иссиқ урганда қуёнлар кам овқат ейди, кам ҳаракатланади, шунда қуёнлар албатта бирор нарса ейиши учун янада кўпроқ назорат қилиб туриш лозим, акс ҳолда қабзият юзага келиши мумкин. Кўпроқ янги қаттиқ кўкатлар (рангли карам япроқларига ўхшаш) ва сув (оғзидан нинасиз шприц билан қуйишга тўғри келса ҳам) бериш керак.

Қуёнлар катагини янада салқинроқ жойга қўйинг, иложингиз бўлса сув билан совутилалиган кондиционер қўйинг, аммо елвизакка йўл қўйманг. Катакка музли суви пластик бутилкаларга солиб қўйинг.

Ҳар 5–10 дақиқада қуённинг қулоқларини совуқ, нам латта билан артиб туринг, лекин қулоқ ичига сув кириб кетмасин. Қуёнларга пуркагич ва озгина-озгина сув сепиб қўйиш мумкин.

### Юқумли стоматит
### (оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг яллиғланиши)

Бу касалликка 3 ойгача бўлган қуёнчалар дучор бўладилар. Касаллик оғиз бўшлиғи ва тил шиллиқ пардаларининг яллиғланиши билан кечади ҳамда сўлак оқиши кузатилади. Касаллик йилнинг ҳамма даврида вужудга келиши мумкин. Дастлабки салбий белгилар пайдо бўлиши билан касалланган қуёнчаларни алоҳидалаш керак, чунки касаллик тез тарқалади.

Биринчи кунларда жониворларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида қизариш қайд этилади, тилнинг орқа ва олд қисмида, юқори лабнинг шиллиқ пардасида оқимтир пленкалар, майда доғлар ва чизиқлар пайдо бўлади. Улар тезда яхлит оқ тусдаги ғубор ҳосил қилади. 4–5– кунларга келиб оқ ғубор қорамтир тусга киради. Сўнгра аста-секин босиб боришда давом этиб, ортидан шилиниш ёки яралар қолдиради. Оғиз зарарлангандан кейин 2–3– кунга келиб сўлак оқиши пайдо бўлади. Дастлаб сўлак оғиз бурчакларидан оқиб, юнгларини ҳўллайди, тумшуғининг қуруқ мўйларида "мўйлов" кўринишида қора чизиқлар ҳосил қилади. Эртаси куни сўлак оқиши яна кучаяди. Тумшуғидаги юнгларга сўлак ёпишиб, жонивор безовталанади, тумшуғини панжаси билан артади. Қуёнлар шумшайиб, кам ҳаракатли бўлиб қолади, катакнинг бурчагига тиқилиб олади, ўзига хос товушлар чиқаради. Иштаҳаси пасаяди, лекин бутунлай йўқолмайди, қуёнлар охурга яқинлашадию, бироқ касаллиги ту-



файли кам ейди, кам ичади, натижада кўп ўтмай озиб ке-
тади. Баъзи жониворларда ич кетиши кузатилади. Ҳарорати
эса бутун касаллик даврида ўзгармайди. Касаллик 10–12 кун
давом этади. Касаллик оғир келса, жониворлар 4–5 кунда
нобуд бўладилар. Ўлим 30 фоиз ва ундан кўпроққа етади.
Қуёнларнинг сўлак ёпишган тумшуғидаги жун кўпинча
тўкилиб кетади. Пастки жағининг яланғочланиб қолган те-
рисида майда ҳўппозлар пайдо бўлади.

Бундай пайтларда даволашни иложи борича эрта бошлаш
керак. Қуёнларда сўлак оқиши оғиз шиллиқ пардасининг ял-
лиғланиши бошлангандан кейин 2– 3 кун ўтганда пайдо
бўлишини ҳисобга олиб фақаттина касалланган қуёнларни-
гина эмас, балки бир катакда бўлган бошқа қуёнларни ҳам
даволаш тавсия этилади. Оқ стрептоцид яхши даволаш сама-
расига эга. Унинг кукуни ҳар бошга 0,2 г дан 3 кун давомида
кунига 2 маҳалдан оғизга сепилади. Шунингдек, 2 фоизли
мис купоросининг эритмаси, 5 фоизли стрептоцид эмульси-
ясининг ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида ҳам маълумотлар
бор ва параллел равишда кенг доирада таъсир кўрсатувчи ан-
тибиотиклар, масалан, тетрациклин, байтрил ёки марбоцил
курси тайинланади. Қуёнларга дори-дармонлар билан бир
қаторда юмшоқ, енгил ўзлаштириладиган озуқа берилади.

### Қуённинг қулоқ каналари

Қуёнларнинг қулоқ касалликларидан бўлган қичимани
(шунингдек, педикулёз, гематопиноз) қулоқ каналари –
хос тури 1,2–1,5 мм келадиган қуён битлари келтириб чи-
қаради. Бу битлар оч пайтида сариқ тусда бўлади. Улар қуён
қулоқларининг ички юзасида, бош терисида паразитлик
қилиб, жониворнинг қони билан озиқланади. Қулоқ ка-

налларининг кўп миқдори пайдо бўлиб қон сўришни бошлаши оқибатида доимий қичишиш ва доимий қашиниши туфайли қуён терисининг яллиғланиши, юнги тўкилиши ва қорақўтир юзага келиши мумкин. Булар қуёнларнинг қулоқ касалликларини келтириб чиқаради. Қулоқ каналларининг ҳаёт кечириши натижасида юнга кўплаб овалсимон ёки носимон тухумлар (сиркалар)ни кўриш мумкин.

Касалликни даволаш учун канаси бор қуённинг юнгини 3–5 дақиқа давомида дори кукуни билан артиш зарур. Касалликни даволашда нафталиннинг ёки тамаки кукунининг олтингугурт билан тенг миқдордаги аралашмаси жуда яхши таъсир кўрсатади. Жониворнинг кана босган битта қулоғига 5–10 г аралашма сарфланади. ДДТ (дуст) кучли таъсир кучига эга, аммо уни эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим, чунки унинг кўп миқдордагиси сут эмизувчиларга зарарли таъсир кўрсатади. Катакни ҳам креолин ёки дизол эритмаси билан зарарсизлантириш керак бўлади.

Қуённинг қулоқ касалликларидан ҳисобланадиган қичима майда (0,5–0,8 *мм*) қулоқ каналари томонидан пайдо бўлади. У қулоқ чиғаноғида жойлашиб олади, лекин қулоқ ўртасига кириб бориши ҳам мумкин. Кана чақишларидан юзага келган қичишиш натижасида майда қизғиш ва сарғиш пуфакчалар пайдо бўлади. Пуфакчалар ёрилиб ва қуриб қорақўтирга айланади. Бу қорақўтир қулоқни тўлдириб қўйиши мумкин. Дастлаб қичишиш жониворни безовта қилиб, қулоқларни силкитишга мажбур этади. Агар олдини олмаса касаллик – қичима яллиғланишлари ёки мияда ҳўппос вужудга келиши оқибатида қуён нобуд бўлиши мумкин.

Қулоқдаги қорақўтир пўстлоқ пинцит билан олиб ташланади, кейин эса зарарланган жойларга 2 фоизли ўсимлик ёғидаги тоза креолин эритмаси суртилади.



Кананинг бошқа тури (Acams siro yar cunicuil) терининг эпидермис қисмида юрган йўлида қон сўриши кўтирли қичишишни келтириб чиқаради. Уни даволаш препаратлари сифатида олтингугурт, крезол ёки нафталин суртма дорилари тавсия этилади, шунингдек, гипосульфитотерапия усулини қўллаш мумкин.

## Қуёнларда тиш касалликлари

Катта қуёнлар 28 та тишга эга бўлади. Юқори жағда 2 тадан курак, 3 тадан сохта ва 3 тадан чин озиқ тишлар, пастки жағда ҳар икки томонида биттадан курак, 2 тадан сохта ва учтадан чин озиқ тишлар бўлади. Жами юқорида 16 та, пастки жағда 12 та тишга эга.

Қуёнларда қозиқ тишлар бўлмайди. Курак ва озиқ тишлар оралиғида 3–3,5 см дан бўш жой мавжуд бўлиб, бу қуён оғиз бўшлиғини кўздан кечириш чоғида энг хавфсиз жой ҳисобланади. Жониворнинг оғиз бўшлиғида овқат кам чайналади.

Уй қуёни кемирувчилар оиласига киради, у озиқани лаби ёрдамида курак тишлари билан кемиради.

Қуёнларда тиш касалликлари кенг тарқалган.

Курак тишлари анча олдга чиқиб туради. Бу уларга ингичка новдаларни кемиришларига ва ўтларни пастроғидан чимдиб олишларига имкон беради. Шуниси эътиборлики, қуёнларда кўпроқ тишнинг илдизи бўлмайди ва бутун ҳаёти давомида ўсаверади. Бу қуёнларнинг ўсиб турувчи тишларини едириб турадиган озуқаларни кемириши учун зарур емишлар билан таъминлаш кераклигини билдиради.

Қуёнбоқарлар кўпинча жониворлар катакнинг ёғоч қисмини кемираётганликлари гувоҳи бўладилар. Бунинг сабаби қаттиқ озуқаларнинг етарли миқдорда бўлмаслигидир.

Бу етишмовчилик касалликни келтириб чиқаради. Агар курак тишлар синса, пастдагиси юқорига ва ёнларига қараб тез ўса бошлайди, юқоридагиси синса пастга ва ёнларига ўсишни бошлайди. Агар бундай курак тишлар кесиб ташланса, улар тўғри ўсади.

Қуёнлардаги тиш касалликларида шундай ҳодисалар кузатиладики, қуёнчалар пастки жағи узун туғилади. Уларнинг курак тишлари бир-бирига тегмай ўсади ва едирилмайди. Ўсишда давом этган тишлар шундай ўлчамга етадики, жониворлар овқат еёлмай қолади. Бундай жониворлар заифлашиб, тиш касаллиги туфайли озиб, ўлади.

### Пододерматит

Катта қуёнларда яра ва оқма яра ҳосил бўлиши билан кечадиган пододерматит кенг тарқалган касалликлардан ҳисобланади. Пододерматитга оғир вазнли, оёқ панжалари юнг билан яхши қопланмаган, бу касалликка берилувчан катта ёшдаги қуёнлар дучор бўладилар. Пододерматит кучайишига симтўр остликка эга антисанитар ҳолатдаги қуёнхона, катак, шунингдек, намлик ва ҳавонинг юқори ҳароратда бўлиши имкон туғдиради.

Пододерматит пайдо бўлишининг дастлабки босқичида оёқ панжаларининг остида симтўр остликка ишқаланавериш оқибатида шиш, ёрилишлар, қон тўпланишлар пайдо бўлади. Кўпинча панжада қонли йиринг ёки кучсиз қон оқиш вужудга келади.

Жароҳатланган жойдан стафилококк инфекциялари кириб, йирингли яра, оқма яра ҳосил бўлади. Жонивор шумшайиб, иштаҳасини йўқотади, кам юради, оёқларини чўзиб кўп ётади, озиб кетиб, кўпинча ўлади.

Қуёнлардаги пододерматитни дастлабки босқичда даво-



лаш яхши самара беради. Пододерматит билан зарарланган жойга ҳар куни 10 фоизли қўрғошинли ёки рухли суртма дори суркалади. Агар яра бўлса унинг устидан пўстлоғи, ўлик тўқималари олиб ташланиб 1–2 фоизли йод настойкаси билан ишлов берилади. Қон оқиши тўхтагач ярага окситетрациклин, тетрациклин сепилади ёки Вишневский суртма дориси суркалади. Ишлов берилган жойга боғлаб қўйилиб, 2–3 кунда алмаштириб турилади.

Агар касаллик ўтказиб юборилса, ҳар куни ва узоқ даволаш керак бўлади. Шунинг учун касал қуён алоҳидалаб ўлдирилади, терисини шилиб олиб, гўшти кўмиб ташланади. Агар гўшти керак бўлса, зарарланган жойи олиб ташланиб озиқовқатда фойдаланиш мумкин.

Даволашда асосий профилактик ишлардан касал ва пододерматитга мойил (панжаси кам юнг билан қопланган) қуёнлар брак қилинади.

Ундан кейин катакда тозаликни ушлаб турган ҳолда симтўрли пол (тахтадан) қилинади. Пол янги сўндирилган оҳак билан ишлов берилади. Тахминан 2–3 кундан кейин пол бошқа томонга ағдарилиб, ифлосликлардан, ахлатдан тозаланади ва оҳак билан ишлов берилади.

# НУТРИЯ-ЧИЛИК



**Нутрия зотлари;**
**Нутрияни асраб боқиш**
**Нутрияни кўпайтириш**
**Нутрия касалликлари.**

Нутрияни фермер хўжаликларида боқиб кўпайтириш нафақат қизиқарли, балки иқтисодий жиҳатдан фойдали машғулот ҳамдир. Чунки бу жониворларни бошқа мўйнали ҳайвонлардан фарқли ўлароқ фақат ўсимлик озуқалари билан парваришлаш мумкин.

XX асрнинг биринчи ярмида нутрия мўйнасининг баҳоси шунчалик ошиб кетдики, табиий шароитда яшовчи бу ҳайвонлар популяцияси деярли қириб юборилди. Тўғри, бир неча ўн йиллан сўнг айрим жойларда улар бошқатдан тикланди.

1920 йиллардан бошлаб нутрия тутқинликда кўпайтирила бошланди. Катакларда парваришлаш мумкин бўлган жониворлар Европага Аргентинадан келтирилади ва 1930 йилларда ушбу минтақа мамлакатларида нутрия кўпайтирила бошланди. Шундай қилиб 1930 йилдан 1940 йилгача даврда Германияда 1000 га яқин нутриячилик фермалари мавжуд бўлиб, улардан йилига 100 минга яқин мўйна тайёрланади.



Россияга дастлабки нутриялар 1930 йилда келтирилган 1950 йил бошларигача бу мамлакатнинг жанубий минтақаларидагина нутриячилик хўжаликлари мавжуд эди. Чунки бу минтақаларда нутриялар учун ноқулай ҳисобланган совуқ мавсум узоқ давом этмасди. Бироқ кейинчалик нутрия сиқ бинолarda муваффақиятли ўстирила бошлангач Россиянинг марказий, ҳатто шимолий туманларида бу жонивор етиштириладиган фермалар барпо этиладиган бўлди.

Маълумки, нутриядан турли тусдаги қимматли мўйна олинади, ундан тайёрланган маҳсулотдан фойдаланиш муддати норка мўйнасининг маҳсулотлариникига яқинлашиб қолади. Нутрия мўйнасидан ёқалар, бош кийимлар, мантолар, пўстинлар, аёллар камзуллари тикилади.

Бундан ташқари, нутрия гўшти таъми, тўйимлилик ва парҳезлик хусусиятлари жиҳатидан қуён ва товуқ гўштларидан қолишмайди. Жанубий Америка мамлакатларида, шунингдек бир қатор Европа давлатлари (Германия, Италия, Польша ва ҳ.к)да нутрия гўшти тансиқ ҳисобланади ва чўчқа, мол гўштига нисбатан юқори нархда сотилади.

Нутрия гўшти ва ёғи енгил ҳазм бўлади ва одам организми томонидан яхши ўзлаштирилади.

Нутрия ёғида қуён ёғидаги сингари одам танаси учун фойдали бўлган кўплаб ёғ кислоталари сақланади.

## НУТРИЯ ЗОТЛАРИ

Нутрия тери қоплами тусига кўра стандарт ва ранглига бўлинади.

Ҳозирги вақтда нутриянинг 10 та мутацион (стандарт туснинг бузилгани) ва 7 та комбинациялаштирилган типдаги нутриялар етиштириб чиқарилади.

Стандарт нутриялар юқори серпуштлиги билан ажралиб туради, қорамтир тусдаги мўй қопламли бўлиб, у оч-қўнғир тўқ-қўнғирранг ва қизғиш тусларда ҳам учрайди.

Бироқ кўпгина стандарт нутрияларнинг мўй қоплами тўқ-қўнғир рангга эга бўлади.

Рангли нутриялар наслдан-наслга ўтган рангининг белгиларига кўра икки гуруҳга – доминант ва рецессивга бўлинади.

Биринчи гуруҳга Озарбайжон оқи, тилларанг ва қора нутриялар таааллуқли бўлса, иккинчи гуруҳга – оч сариқ, похол тусли, альбинослар, шимол оқлари, кулранг, шунингдек Италиядан келтирилган тўқсариқ, оппоқ, очқизил, Италия оқлари хосдир.

Стандарт нутрияларни рангли доминантлар билан чатиштирилганда биринчи авлоднинг бир қисм насли рангли нутрия учун хос бўлган ранг билан туғилади.

Стандарт нутрияни рангли рецессив билан чатиштирилганда биринчи авлод болалари стандарт нутрия юнгининг рангида бўлади (стандарт нутрия итальян рецессиви билан чатиштиришдан олинган насл кумушранг тусга эга бўлади).

**Оддий нутриялар.** Ташқи кўринишидан ёввойи нутрияни эслатувчи стандарт нутриялар энг кўп тарқалган зот ҳисобланади. Уларнинг ранги ҳар хил тусда бўлиши мумкин. Барча стандарт нутрияларнинг кўзи жигаррангда бўлади.



*Оддий нутрия*

Юнг қопламининг умумий туси кўпгина ҳолларда энг узун мўйининг рангига боғлиқ бўлади.

Қорин томонини қоплаган узун мўй орқа томондагига қараганда анча оч.



Стандарт нутриялар учун тивитли юнги заиф, нокулай шароитда парваришланганда ва нотўғри озиқлантирилганда мўйлари тўкилиши мумкин.

**Тилларанг нутриялар.** Бу нутриялар Россияга чет элдан келтирилган. Россиядан бизнинг мамлакатимизга тарқалган. Ўлчами ва вазни жиҳатидан стандарт нутриялардан қолишмайди. Жун қопламининг туси тиллараңгда, жуда ёрқин. Қорин томони бирмунча очроқ (баъзан пуштирангда), кўзи жигаррангда.

Ўз зотидаги нутрия билан чатиштирилганда серпуштлиги юқори эмас – 3 тадан кўп бола туғмайди. Стандарт нутриялари билан чатиштирилганда 4–5 та насл бериши мумкин (ярим тилларанг, ярим стандартларнинг тусида).

**Қора нутриялар.** Россияга Канададан 1966 йилда келтирилган. Ўлчами, вазни ва серпуштлиги жиҳатидан стандартлардан деярли фарқ қилмайди.



*Қора нутрия*

Калта юнглари – қора рангда, остки тивити тўқ-кулрангда. Шу билан бирга, қора нутриянинг мўй қопламининг мўйлари бутун узунлигича бир хил пигментли, алоҳида туслаги мўйли жойлар фақат қулоғининг орқасида учрайди.

Ўз зотидагилар билан чатиштирилганда биринчи авлод қора тусли насл бўлади. Кейинги авлодда тўқ жигарранг

мўйли стандарт тусдаги жонивор болалари юзага келади.

Қора нутрияни стандарт нутрия билан чатиштирилганда биринчи авлоддан қора ёки тўқ жигарранг тусли, лекин орқасида ёки ёнбошида алоҳида тусда мўйи бўлмаган ҳайвон болалари дунёга келади.

**Озарбайжон оқ нутриялари.** Бу нутриялар янги зотли гуруҳ сифатида эътироф этилган бўлиб, соф оқ калта ва тивитли мўйи билан қопланган. Тўғри, ушбу зотнинг айрим вакилларида кўзининг, қулоғининг атрофи, дум остида мўйи пигментацияси кузатилади. Бундай пигментацияланган майдон 10 фоиздан ошмаслиги керак.

Ўз зотидан бўлган нутрия билан чатиштирилганда 4 тагача бола туғиши мумкин (2/3 қисми оқ ва 1/3 қисми стандарт нутрия тусида). Стандарт нутрия билан чатиштирилганда эса бешта ва ундан кўп насл беради (50 фоизи оқ, 50 фоизи стандартга хос белгилар кўринади).



*Оқ итальян нутрияси*

**Итальян оқ нутрияси.** Бу зотдаги жониворлар 1958 йилда Италиядан Россияга келтирилган. Уларнинг Озарбайжон оқ



нутриясидан фарқи мўйининг очсариқ тусдалигидир. Итальян нутрияси танасининг мўйна қопланмаган қисми териси пушти, кўзи жигаррангда бўлади.

Ўз зоти вакили билан чатиштирилган итальян нутриясидан оқ тусдаги ҳайвон боласи туғилади, стандартлар билан чатиштирилганда эса кумушранг тусли насл дунёга келади.

**Кумушранг нутрия.** Ушбу зот стандарт нутриясини итальян оқи ва тўқсариқ нутриялар билан чатиштириш натижасида дунёга келган.

Ушбу зот учун тўқ кулранг тус хосдир.

**Қор нутрияси.** Бу нутриянинг камёб зоти кумушрангини оч тилларанг нутрия билан чатиштириш натижасида етиштирилган.

Қор нутриясининг кўзи жигарранг, бурни, думи ва панжаси оч-пуштиранг тусда. Бир болалашда 4–5 та насл дунёга келади.



*Қор нутрияси*

**Оппоқ нутриялар.** Тўқсариқ зотлиларини итальян оқ нутриялари билан чатиштириш натижасида олинган. Оппоқ нутрия зоти бир озгина очсариқ тусли кумушранг, кулранг

кўринишли жун қопламига эга. Калта мўйлари баъзи жойларида рангга эга, остки момиғи кўкимтир-очсариқ рангда. Мўйининг умумий туси оппоқ.

Шу зотдаги нутриялар ўзаро чатиштирилганда насл ҳар хил тусга эга бўлади.

**Пастел нутриялари.** Бу насл тилларанг нутрияни қора нутрия билан чатиштириш натижасида етиштирилган. Бу ҳайвон жуни пастел норкасининг тусини эслатади. Кўзи жигарранг тусда.

Тивитли мўйнаси бутун узунлигича жигарранг ёки очжигарранг тусда. Янги туғилган нутрия ҳар доим қора рангда бўлади, бироқ улғайган сайин оқариб боради.

**Лимон нутрияси.** Ушбу зотнинг тиллаinclude рангини итальян оқ нутрияси ёки тўқсариқ нутрия билан чатиштириб етиштирилган. Туси тилларангни эслатади, лекин бирмунча очроқ, жун ранги сарғиш тусда.

Шу зотдаги нутриялар ўзаро чатиштирилганда бир болалаганда, дунёга келган насли лимон тусида, шунингдек, оқ ва тилларангда бўлиши мумкин. Лимон нутриясини итальян оқ нутрияси билан чатиштириш эса лимон, кумушранг, қор, итальян оқ нутриялари дунёга келишига сабаб бўлади.

**Тўқсариқ нутриялар.** Бу нутриячиликда энг кенг тарқалган зот ҳисобланади. Мўй билан қопланиши жигарранг тусда бўлиб, ўзига хос кўкимтирликка эга.

Ҳар жойда остки калта мўйлар бор бўлиб, унинг ости тўқсариқ ёки жигарранг, юқориси эса оқ. Кўзи жигарранг.

Серпуштлик бўйича тўқсариқ нутриялар амалда стандарт нутриялардан қолишмайди: бир болалаганда 4– 5 та (аҳёнаҳёнда кўпроқ) насл беради.





*Тўқсариқ нутриялар*

**Очсариқ нутриялар**. Бу нутрияларнинг орқа томони жигарранг ёки тўқсариқ тусда ва қорин томони эса оч-тўқсариқ рангда. Калта мўйлари зонал рангга эга. Панжаси пушти-ҳаворанг, бурни жигарранг, кўзи жигарранг – қизил.

Жониворларнинг 4– 5 ойлик вакиллари жула чиройли жун қопламига эга бўлади. Ёши улғайиб боргач рангида сарғиш ёки қорамтир тус пайдо бўлади. Шу зотдаги нутриялар ўзаро чатиштирилганда туғилган насл ҳам очсариқ рангда бўлади, очсариқ нутриялар стандартлар билан чатиштирилганда эса стандарт насл туғилади.

**Кулранг нутрия.** Бу зот рангига кўра стандарт нутрияларга ўхшайди, бироқ уларнинг мўйи рангида қорамтир тус етишмайди. Бундан ташқари стандартлардан фарқли ўлароқ кулранг нутрияларнинг остки тивити соф кулранг тусда.

Шу зотдаги нутриялар ўзаро чатиштирилганда кулранг насл туғилади, стандарт нутрия билан чатиштирилганда эса стандарт насл дунёга келади.

**Қорамтир ғайриоддий нутрия.** Қорамтир ғайриоддий (экзотик) нутриялар тилларанг ва қора нутрияларни чатиштириш йўли билан етиштирилган. Шунинг учун ҳам уларнинг рангида тилларанг ва қора туслар уйғунлашиб кетган. Орқа томон мўйлари кўпроқ қорамтир, қорнини қоплаган мўйлар эса очиқроқ тусда.

Ўзаро чатиштирилган бу зот вакилларидан, шунингдек нутрия билан чатиштириш натижасида қора, тилларанг стандарт ва қорамтир экзотик нутрия наслари тугилади.

**Салафсимон нутриялар.** Бу зотдаги нутрия пастел нутрияларини қор ва лимонсимон нутриялар билан ўзаро чатиштириш натижасида етиштирилган. Ушбу зот вакилларининг умумий ранги оч тусда: қопловчи мўйлари – оч кулранг, деярли оқ, узунлиги бўйича бир хил рангланган; тивити орқасида жигарранг, қорнида очроқ.

Садафсимон нутрияни ўз зоти вакили билан чатиштириш ўринсиз, чунки бундай ҳолларда ушбу жониворнинг серпуштлиги 25– 30 фоизга пасаяди. Уларни пастел нутриялари билан жуфтлаштириш тавсия этилади. Шундай қилинганда серпуштлик камаймайди, болалаганда наслнинг 50 фоизи садафсимон тусда бўлади.

## НУТРИЯ АСРАШ

Нутрияни кўпайтириш билан шуғулланишдан олдин, шу иш билан шуғулланувчи мутахассис олдига бориб унинг маслаҳатларини олиш ёки махсус адабиётлар топиб, ундан жониворни асраш шарт-шароитларини, озиқлантириш ва кўпайтириш усуллари билан танишиш мақсадга мувофиқроқ бўлади. Гарчанд нутрия қаноатли, тутқунликда яхши кўпаядиган жонивор бўлса ҳам уларни парваришлаш борасида тушунча ва тажрибаси бўлмаган нутрия боқувчи қуйидаги тавсия этаётган маслаҳатларимизга риоя қилса, кўзлаган мақсадига, натижага эришади, яхшигина даромадга ҳам эришиши мумкин.

Нутрия асрашга қатъий қарор қилган бўлсангиз, аввал уларни асрашга ва кўпайтиришга бино, хона тайёрлаш, жиҳозлар керак. Етарли озуқалар ғамлаш зарур.



### Нутрия сотиб олиш, уларни ташиш ва карантин

Урғочи нутрияни, яхшиси 2–3 ойлигида сотиб олиш керак, чунки катта ёшлагиси яшашнинг янги шароитига ўрганиши қийин кечади ва улардан гала гуруҳи бутлаш қийин кечади. Агар 2–3 ойлик урғочи нутрия сотиб олишнинг иложи бўлмаса, у ҳолда яхшиси гуруҳ қилиб жамланган (5–7 та)-ни сотиб олиш керак бўлади.

Нутрияларни танлаётганда албатта уларнинг соғломлигига эътибор беринг. Соғлом жониворларнинг калта мўйлари товланиб туради ва ёрқин тусда бўлади. Агар ҳайвоннинг жуни хира, ҳурпайган бўлса, бу аввало нутрияларни асраш ва озиқлантириш шароити қониқарсиз бўлганлигидан далолат беради.

Таъкидлаб ўтилганидек, соғлом вояга етган нутрияларнинг курак тишлари ярқираган тўқсариқ (ёш ва қариларинику бирмунча очроқ) бўлади. Агар бу ҳайвонларнинг тиши қора доғли, оқарган бўлса, демак жониворнинг организми заифлашган.

Нутрияни сотиб олишга мувофиқ келадиган вақт йилнинг иссиқ вақтларидир. Бу пайтда мазкур ҳайвонларни иситилмаган қафасли ёки катакли транспорт воситасида, оддий қопда ёки ёпиқ саватда ташиш мумкин. Вояга етган нутрияларни, айниқса, эркак ва бўғоз урғочисини биттадан, узунлиги 50–60 см, эни ва баландлиги 30–40 см бўлган катакда олиб юриш мумкин.

Нутриялар янги жойга анча тез мослашади ва бир неча кундан кейиноқ соҳибига ўрганиб, уни овозидан, ҳидидан билади.

Симтўрли ёки ёғоч катакларда олиб юриш чоғида нутриялар баъзан ўзини безовта тутади; катакда безовталаниб югуради, ўзини симтўрга уради, кўпинча ўзини жароҳатлайди. Шунинг учун ташишга мўлжалланган қафасни қора мато билан беркитиб қўйиш лозим. Бўғоз урғочиларини эса, яхшиси, қопда ёки ёпиқ саватда ташиш керак.

Жониворни қафасдан ўзига мўлжалланган хонага ўтказаётганда эҳтиёт бўлиш зарур, чунки нутриянинг тишлаб олиши хавфи бор (ҳайвон бармоғингизни тишлаб олишга қодир). Кўрқиб кетган ҳайвон кутилмаганда ўзининг янги соҳибига ташланиб қолиши ва жиддий жароҳат етказиши мумкин. Ўргатилмаган нутриянинг беҳудага орқа томонига тегиш ўринсиз – ҳайвон бундан салбий таъсирланади. Лекин у қорнини сийпалашга осойишта муносабат билдиради.



***Нутрияни кўчириб ўтказишдаги қўлларнинг тўғри жойлашиши***

Ҳайвонни олиб келинган катақдан унинг учун тайёрланган хонага олишда уни бурчакка сиқиб, сўнгра бир қўл билан думининг ўртасидан, иккинчи қўлда кўкраги остидан ушланиб, бошини танасидан баландроқ кўтарган ҳолда олинади. Агар нутрия ўзини тажовузкорона тутадиган бўлса, у ҳолда унинг думидан ва орқа оёқларидан ушланиб, шу тарзда катакка келтирилиб қамалади. Уч ойликкача бўлганларнинг кўлтиғидан ушланади.

Агар сотиб олинган нутриянгиздан ташқари уйда бошқа нутриялар ҳам бўлса, янги келтирилган ҳайвон бошқа ка-



такка қамалиб, 2–3 ҳафта карантинда ушлаб турилади, чунки ташқи томондан соғлом бўлган жонзотлар турли юқумли касалликларнинг ташувчиси бўлиши мумкин.

## Хона ва асбоб-ускуна ҳамда анжомлар

Модомики нутрия сувга яқин яшовчи жонивор ҳисобланаркан ва табиий шароитда яшаганда кўп вақтини сувда ўтказаркан, у ҳолда асралаётган хонада кичик ҳовуз барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Гарчи ҳовуз бўлиши шарт эмас, нутриялар маконларида сув ҳавзасиз ўзларини яхши ҳис этсаларда бироқ чўмилишдан маҳрум бўлган жониворлар тоза ҳаво олишдан, сузиш ва шўнғиш чоғидаги жисмоний награузкадан бебаҳра қолишади, бу уларнинг мўйнаси сифатига салбий таъсир кўрсатади. Нутрияларда мўйларини тараш рефлекси тормозланиб, бу мўйларнинг чигаллашувига, яхши ривожланмаслигига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари катта ҳайвонлар учун чўмилишга сув бўлмаслиги моддалар алмашинувида сезиларли ўзгаришларга олиб келади. Уларда ёғ ажралиб чиқиши кўпайиб, серпуштлиги пасаяди.

Юқорида санаб ўтилган бассейнсиз нутрия асрашда содир бўлиши мумкин бўлган камчиликларга қарамай, нутрия боқувчиларнинг ҳаммасида ҳам боқиб ўстираётган жониворларининг чўмилиб туришига ҳашамдор ҳовуз ёки бундайроқ чўмилиш жойини барпо этиб, бекаму кўст шароит яратиш имконияти бўлавермайди. Бундай ҳолларда жониворларни симтўр билан ўралган кўпқаватли яйловга эга, микроиқлимли катта маконларда асраш яхши чорадир.

Бунда шу хонадаги ҳаво ҳарорати 15° С дан юқори бўлмаслигини ҳисобга олиш керак. Айниқса, урғочи нутриялар-нинг бўғозлиги ва кичик нутрияларни озиқлантириш чоғида шундай шароит керак бўлади. Албатта қалин мўй билан қопланганлик нутрияларни совуқдан асрайди, бироқ яланғоч думи ва панжасининг остини совуқ ҳаво ҳарорати музлатиб қўйиши мумкин. Бундан ташқари, паст ҳароратда

нутриянинг организмида моддалар алмашинуви жараёни сусаяди; жониворлар сустлашиб, иштаҳаси йўқолади ва касалланади.

Кўпгина нутриябоқарлар яйловга оддий рух тоғоралар, тослар, ванналар жойлаштирадилар. Идишлардаги сув (оқар сув бўлмаганда) кунига камида икки марта алмаштирилади. Сувни алмаштиришда резина ичакдан фойдаланилади.

Нутриялар учун ердаги стационар катак уйчадан, сайр майдончаси ва ҳовуздан иборат бўлади. Катакни қуриш учун бетон, ғишт, тахта, металл лист ва чивиқлар, рухланган симтўрлар керак бўлади. Уйча ва сайр майдончасининг девори, шунингдек, катакнинг ости бетондан ёки ғиштдан қилиниб, сувоқ қуйилади.




***Нутриялар учун ердаги стационар катак уйча***
1-бассейн; 2-тушиш жойи; 3-сайргоҳ



Уйча қуруқ ва етарлича иссиқ бўлиши, [illegible] лари бўлмаслиги керак. Уйчанинг бичими [illegible] нутрия боқилишига боғлиқ. Агар урғочи нутрия учун [illegible] та боласи ёки 2–3 ойлик 5–8 та жониворлар учун узунлиги 1 м, эни – 0,6–0,8 м, олд деворининг баландлиги – 0,7 м, орқа деворининг баландлиги – 0,5 м ли уйча керак бўлади. Кўпчилик нутриябоқарлар қурилиш материалларини тежаш учун уйчаларни жуфтлаштириб, яъни ён деворларини умумий қилиб қурадилар.

Уйчалар бир ёки икки камерали бўлиши мумкин. Икки камералик уйчанинг биттасидан жониворлар озиқлантириш бўлмачаси сифатида, иккинчисидан эса уя сифатида фойдаланади. Озиқлантириш бўлмачаси учун, одатда кириб чиқиш тешиги – сайр майдончасига чиқадиган жой қолдирилади. Елвизакни камайтириш учун 20x20 см лик кириб чиқиш дарчаси қўшма девор атрофидан мўлжалланади.

Ер усти катакларидаги уйча учун ер чуқур ковланмайди, чунки бу нафақат уни музлатибгина қолмай, балки ортиқча ҳаво намланишига имкон яратади, бу ҳолат ҳайвонларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, стационар катаклар сайр майдончалари билан барпо этилади, бу нутрияларнинг янги ҳаво олиши учунгина бўлмай, шунингдек, иссиқ пайтда ҳайвонларнинг озиқлантириш учун ҳам хизмат қилади. Одатда сайр майдончаларининг узунлиги 1 м дан 2,5 м гача, эни эса 0,8 м дан 1,5 м гача бўлади. Сайр майдончасини барпо этишда унинг девори баландлигига алоҳида эътибор берилади. У камида 0,8 м бўлиши лозим. Сайр майдончаси периметри бўйича 0,3 м кенгликда соябон ўрнатиб чиқилади.

Сайр майдончасида бассейн томонга нишаблик қилинади. Ҳавза (бассейн)ни эса сайр майдончасининг эни-бўйи қилиниб, узунлиги 0,6–0,8 метр бўлиши керак, чуқурлиги эса камида 0,3– 0,4 м ни ташкил этади. Ҳавза унинг ташқи девори бўйлаб ўтган новдан ёки ўзига томон тортиб келинган қувурдан тўлдирилади.

Ифлосланган сув бассейн остида қолдирилган тешик ор-
қали (пўкак билан беркитиб қўйиладиган) катак остида
жойлашган сув ҳавзасидан пастда жойлашган ариқчага чи-
қариб юборилади.

Сув ҳавзачасини тўлдириш ва тозалашнинг бошқа усули
умумий ариқчадан сув тушириш ва чиқариб юборишдир.
Бундай сув ҳавзасини тўлдириш ёки сувни чиқариб юбо-
риш ариқча охирига қўйилган задвижкани очиш ёки ёпиш
тарикасида амалга оширилади. Бироқ биринчи усулга тақ-
қосланганда ушбу усул камроқ тозалик шароитига эга бўла-
ди, чунки ифлосланган сув турли юқумли касалликлар ман-
баи бўлиб хизмат қилади.

Ер усти стационар катакнинг асосий камчиликларидан
бири уларга хизмат кўрсатишдаги қийинчиликлардир. Уй-
чани, сайр майдончасини, чўмилиш ҳавзаларини, ариқча-
ни тозалаш, озуқа тарқатиш, гўнгини ва чиқиндиларни
чиқариб ташлашни қўлда бажаришга тўғри келади. Бошқа
камчилик – эшикча йўқлиги туфайли ҳайвонларни тутиш
жула қийинчилик туғдиради. Бундан ташқари, донли озу-
қаларнинг бир қисмини қушлар еб кетади.

Юқорида санаб ўтилган камчиликни ҳисобга олганда уйча
ва сайр майдончасидан ёки уйча, сайр майдончаси ва сувли
ҳавзасидан ташкил топган симтўрли катаклар энг яхши ас-
раш воситаларидир. Бундай катаклар баландлиги 0,7– 0,8 м
бўлган оёқларга ўрнатилади. Уйчалар бичими қуйидагича
бўлади: эни – 0,8– 0,9 м, олд девор баландлиги – 0,6 м,
орқа девор баландлиги – 0,4 м, тешик 20х20 см .

Уйча совуқ ўтмайдиган қилиб икки қават тахтадан, ички
юзасига симтўр ёки тунука қоплаб тайёрланади. Ости қалин-
лиги 3– 5 см бетон қилинади. Уйчанинг томи ошиқ-мо-
шиқли бўлади.

Сайр майдончасининг узунлиги – 1,2– 2 м, эни – 0,8–
0,9 м бўлиши мақсадга мувофиқ.

Сайр майдончасининг атрофи диаметри – 8– 10 мм ли
металл чивиқлардан каркас қилиниб, симтўр тортилади. Ён
деворлар ва тепаси учун тешиклари 2,5х2,5см дан ошмай-
диган симтўр қўлланади.



Сайр майдончаси учун 0,6х0,5 м ли эшикча ...
ўртасига ўрнатилади. Сайр майдончанинг остига, эшикча
нинг тўғрисига жониворларнинг озиқланиши учун қалин
лиги 5 см, эни 0,5– 0,6 м ва узунлиги – 0,8– 0,9 м ли
бетон стол қилинади. Стол чеккаларига 7– 8 см баландлик
да девор қилинади. Чўмилиш ҳавзаси бўлмаса нутрияларга
турли сувдонлардан (камида 2 л сиғимли) сув берилади




***2 қаватли инлар***

1– Юқоридаги сайргоҳ; 2– Пастки сайргоҳ;
3 – Охур; 4 – Сувдон.

Юқорида тасвирланган катак иссиқ ҳароратли минтақа-
ларда очиқ жойларга, совуқ ҳароратли жойларда эса ёпиқ
биноларга жойлаштирилади. Агар совуқ давр узоққа чўзил-
маса бино ичига фақат уйча ўрнатилиб, сайр майдончаси
билан чўмилиш ҳовузчаси ташқарида бўлади. Илиқ об-ҳаво

пайтларда кириб-чиқиш тешиклари очиқ қолдирилади ва
нутриялар бутун катакла айланиб юраверадилар, совуқ
кунларда эса тешиклар ёпилиб, уйча сомон, ёғоч қиринди-
си, қуруқ барглар билан беркитилиб иситилади.
Ўртача ва совуқ иқлимли минтақаларда иситилмайдиган
ёпиқ биноларда нутрияларни яхши асраш ва кўпайтириш-
нинг иложи йўқ. Шу билан бирга йилнинг совуқ даврида
бинода ҳароратни 15° Сдан юқори ушлаш лозим. Агар жо-
ниворлар йил бўйи ёпиқ хоналарда асраладиган бўлса, у
ҳолда улар учун маълум ёшдаги гуруҳларга мўлжалланган
сайрларни татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сайрлар
тузилиши эса, энг аввало ҳайвонларни озиқлантириш усу-
лига боғлиқ.
Нутрияларни қуруқ озуқалар билан озиқлантирилганда
ҳайвонлар учун эни 50, чуқурлиги 70 ва баландлиги 40– 45
см бўлган сайр майдончаси кифоядир. Бундай 6 та сайр май-
дончаси (3 таси юқорида ва 3 си пастда)дан битта икки қаватли
блок тайёрланади. Блокнинг олд томони ағдариладиган бун-
кер охурли симтўр эшикчалан иборат. Шу деворга яна сув-
дон ҳам ўрнатилади. Юқори ва пастки, шунингдек ёнма-ён
сайр майдончалари ўртасига симтўрдан тўсиқ ўрнатилади.
Эркак нутриялар фақат юқори қават чеккаларига жой-
лаштирилади.
Ёш нутрияларни парваришлаш учун сайр майдончалари
уч қаватли қилинади. Улар қуйидаги ўлчамда бўлади: узун-
лиги – 1,5 м, чуқурлиги – 0,7 м, баландлиги – 0,3 м. Қават-
лар оралиғидаги тўсиқ симтўрдан қилиниб, 55x25 см ли
эшикча сайр майдончаси ўртасига жойлаштирилади. Одат-
да, юқори қаватларда сўйишга мўлжалланган ёш нутрия-
лар, пастда эса зотли нутриялар ўстирилади.
Нутрияларни намланган озуқа аралашмаси билан озиқ-
лантиришда икки ва уч қаватли сайр майдончали конст-
рукциялар қаватлар ўртасига яхлит қоплама ёки суриладиган идиш (поддон) ўрнатиш зарурати туфайли қийинчи-
лик туғдиради. Бундан ташқари, бундай сайр майдончала-



рининг олд деворига бункерли охур ўрнига охур пон (ло-
ток) ўрнатилади. Бунда сайр майдончасининг эни 0,5 дан
0,7 м гача узайтирилади.
Нутриялар асралаётган хона ҳар куни ахлатлардан ва озуқа
қолдиқларидан тозаланиб, шунингдек, вақти-вақти билан
зарарсизлантирилиб (дезинфекцияланиб) турилиши керак.

**Озиқлантириш**

Рационал озиқлантириш – нутрияларни муваффақиятли
кўпайтиришнинг муҳим шартлариданлир. Нотўғри озиқ-
лантирилганда нутриялар ёмон ўсади, курак тишлари
оқариб кетади, териси эса ўзининг мавжуд товланувчанли-
гини йўқотади.
Нутриялар таркиби бўйича ҳар хил бўлган озуқалардан
70–80 фоиз қуруқ моддани, протеинни 65–75 фоиз, ёғни
70–80 фоиз, крахмал ва қандни 80–90 фоиз, хўл клетчат-
кани 20–50 фоиз ўзлаштиради.
Нутриянинг рационидаги ҳазмлайдиган протеиннинг миқ-
бул даражаси қуруқ модданинг тахминан 11–12 фоизини
ташкил этади. Жониворларнинг ёғни ҳазмлаши нисбатан жуда
кам – қуруқ модданинг 4–5 фоизини талаб этади.
Бошқа ўсимликхўр ҳайвонлар каби нутриялар учун нор-
мал овқат ҳазмлашига нам клетчатка зарур: 5 ойликкача
болаларни эмизувчи она-нутрия учун озуқа қуруқ модда-
сининг 5–8 фоизи, 5 ойликдан катта жониворлар ва жуфт-
лашиш ёшидаги ҳамда бўғоз урғочи нутрияларга эса 10 фо-
изгача керак бўлади.
Нутрия организми учун минерал моддалардан 0,9 фоиз
кальций, 0,7 фоиз фосфор, 0,5 фоиз ош тузи талаб этилади.
Микроэлементларга нисбатан бу ҳайвонларнинг талаби асо-
сий озуқа ҳисобидан қопланади.
Нутриялар ҳаётидаги физиологик даврдан келиб чиқиб улар-

нинг рационига ҳайвонлар талабига тўғри келадиган у ёки бу озуқа киритилади. Масалан, она-нутрияларнинг бўғозлик ва эмизиш даврида уларнинг рационига протеин ҳамда микроэлиментларга бой озуқалар киритилади. Айнан шунинг учун ҳар бир нутрия парваришловчи ҳайвонларга бериладиган асосий озуқаларнинг кимёвий таркибини билиши зарур.

Кўпгина сувда эрувчи витаминлар (В гуруҳи ва С) нутрияларнинг йўғон ичакларида синтезланади, шунинг учун ҳайвонлар озуқасида А, Е и Д каби ёғда эрийдиган витаминлар асосий аҳамият касб этади.

Нутриялар кўп ҳам озуқа талаб этавермайди. Куёнлар каби улар ҳам янги ёки қуруқ ўтни, шунингдек ширалор илдизмеваларни хуш кўрадилар. Бундан ташқари, ёз мавсумида нутрияларга кўпинча илдизпоя, пиёз боши, қовға (лух) шохлари, қамиш, кўға бериб туриш зарур. Бу жониворлар тол, терак, самбиттол, тоғтерак, қайин илдизларини, мевали дарахтлар новдаларини, ток новдаларини хуш кўриб кемирадилар.

Куз-қиш мавсумида бу ҳайвонлар турли озуқа аралашмалари, шунингдек, илдизмевалар, пичан ва ёзда тайёрлаб қўйилган дарахт новдалари билан озиқлантирилади. Баҳорда жониворлар аста-секин кўк озуқага ўтказилади.

Йил бўйи нутрия рационига ош тузи ва бўр киритилиши зарур. Бироқ бу жониворлар комбикорма билан озиқлантирилганда унинг таркибида гўшт-суяк ва балиқ уни бўлгани ҳолда рационга туз ва бўр қўшилмайди.

Озуқа ва асраш шароитига қараб нутрияларни 3 хил усулда озиқлантириш мумкин:

– намланган (тўла рационли ярим намланган озуқа аралашмаси билан);

– қуруқ (тўла рационли гранулали комбикорма билан);

– аралаш.

Нутриялар озиқлантиришнинг маълум бир тартибига ва усулига жуда тез ўрганадилар, шунинг учун уларни озиқлантиришнинг бир турини иккинчисига кескин ўтказиш тавсия этилмайди. Озиқлантиришнинг бир усулини танлаб олгач, айнан шуни давом эттириш керак, чунки рационни



кескин алмаштириш одатда иштаҳани йўқотиш, ошқозон ичак бузилиши, тери қоплами сифатини йўқотиш каби оқибатларини келтириб чиқаради.

***Озиқлантиришнинг намланган усули.*** Ушбу усулда ҳайвонлар намланган комбикорма ёки майдаланган концентратлар аралашмасидан тайёрланган омихта билан озиқлантирилади. Намланган аралашмаган майдаланган ширали озуқа, пичан ва ўт уни, кўк ўт қўшилади. Озиқлантириш бир кунда 2 маҳал, бир хил миқдордаги улушда олиб борилади. Комбикормадан омихта тайёрлаш учун бир миқдордаги қуруқ комбикормага ярим миқдорида сув солинади. Озуқа аралашмасидаги қуруқ концентрат ва кўк ҳамда ширали озуқа массасининг тахминий нисбати 1:1 ёки 1:2 бўлиши мумкин. Намланган аралашмага фақат яхшилаб майдаланган барра ўт билан аралаштирилган майдаланган концентрат қўшиш мумкин.

Қиш мавсумида омихта емга қўшиладиган сув миқдори ёки ширали озуқа камайтирилиб, қуюқроқ қилинади.

***Озиқлантиришнинг қуруқ усули.*** Озиқлантиришнинг мазкур усули нафақат жониворларнинг одатдагидек маҳсулдорлигини таъминлабгина қолмай, балки озуқаларни тарқатиш, катак ва охурларни тозалашда озиқлантиришнинг намланган ва аралаш усуллари билан таққослаганда бир неча марта меҳнат камроқ сарфланишини таъминлайди.

Нутриялар учун тайёр донадор озуқа таркиби бўйича бир хилда бўлиб, норма белгилаш ва тақсимлаш учун қулай. Одатда қуруқ озуқа ҳайвонларга бир суткада бир марта тарқатилиб, махсус металл бункерли охурларга солиб берилади. Нутрияларни озиқлантириш учун диаметри 4,7;6;7,7 мм, узунлиги 10– 15 мм бўлган гранулалардан фойдаланилади.

Данлор комбикорма таркибига дон, кунжара, кепак, озуқа дрожжаси, ўт уни (пичан), суяк уни, бўр ва ош тузи киради.

Озиқлантиришнинг қуруқ усулидан фойдаланилганда нутриялар узлуксиз ичимлик суви билан таъминланиб турилиши керак. Ушбу усулда жониворларнинг сувга талаби суткасига ҳар бошга ярим литрни ташкил этади.

*Озиқлантиришнинг аралаш усули.* Озиқлантиришнинг ушбу усулида жониворлар намланган ёки бугланган донга майдаланган концентратлар ёки намланган комбикорма аралашмасини қўшиб озиқлантирилади. Кечқурун нутрияларга янги ўт берилади (қишда – пичан ва илдизмевалар).

Жониворларга янги ўт беришдан аввал уни боғ қилиб боғланади. 30–40 дақиқалардан кейин ортиқча еийлмаган боғлам йиғиштириб олинади. Пичан ёки ўт брикетлари ҳафтасига 2 маҳал бериб турилади. Илдизмевалар яхшилаб ювилиб, 50–150 г бўлакчаларга бўлинади, кепак сепиб, шундан кейин ҳайвонларга берилади. Концентратлар махсус металл охурларга солинади ёки озуқа столларига қўйилади.

## Озиқалар тавсифи

***Кўк озуқа.*** Озуқа моддаларга, витамин ва минералларга бой кўп озуқа нутрия рационининг асосий ва анча муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жониворлар кўк озуқани йилнинг ҳамма даврида ҳам иштаҳа билан еийдилар. Бундан ташқари бу озуқа ҳайвонларнинг организмида яхши ҳазмланиб, уларнинг насл қолдириш лаёқатига ижобий таъсир кўрсатади.

Нутрияларни озиқлантириш учун заҳарли бўлмаган ўсимликларнинг деярли ҳаммасидан фойдаланиш мумкин. Жониворлар нўхатни, озуқа дуккаклиларини, беда, йўнғичқа, арпа, жавдар, маккажўхори, қанд лавлаги, судан ўти, мойчечак, оққалдирмоқ (кўка), зубтурум, қамиш, қўға, лух (қовға) каби ўсимликларни, тол, терак, тоғтерак, малина ва бошқа дарахтларнинг илдизларини, баргларини иштаҳа билан еийдилар.

Жониворларни кўк озуқа билан озиқлантириш чоғида тупроқ, қум, шунингдек, заҳарли ўсимликлар қўшилиб кетмаганлигига эътибор қаратиш лозим.

Донли ва бошқа озуқалар билан кўк ўтни қўшиб еган нутрияларнинг маҳсулдорлиги ортади. Маълумки, ўсимликларнинг кўк қисмида кўп миқдорда протеинлар, углевод, фосфор, кальций, каротин, Д провитамини, шунингдек, С, В, Е ва бошқа витаминлар сақланади.



Кўк озуқаларни экологик тоза жойлардан йиғиш мақсад-га мувофиқдир. Саноат объектлари, [illegible] тиғиз йўлларга яқин жойлардан ўт ўриш ўринли эмас. Нутрияларни кўк ўт билан озиқлантираётганда бегона ўт ва зараркунандаларга қарши қўлланган кимёвий воситалар дахл қилмаганлигини аниқ билишингиз лозим.

Кўк ўт ўриб келганингиздан кейин уни тоза сув билан ювиб, сўнг нутрияларга беринг.

***Бойитилган озуқа.*** Бундай озуқаларга комбикорма, бошоқли донлар ва уни қайта ишланган махсулотлари киради. Бойитилган озуқа таркибида енгил ҳазмланадиган озуқа моддалар (60–70 фоиз крахмал, 8–12 фоиз протеин)га бой бўлиб, нутрияларнинг қишки ва ёзги рационида анча салмоқли ўрин эгаллайди. Бироқ юқори энергияли қимматга эга бўлишига қарамай донли озуқа кальций ва бошқа микроэлементларни, шунингдек, муҳим аминокислоталарни, минерал моддаларни ҳамда А, Д, С, В2 витаминларини кам сақлайди. Шунинг учун донли озуқанинг тўла қимматлилигини ошириш учун уни ўт, оқсилли озуқалар, минерал қўшимчалар, пичан, илдизмевалар ва кепак билан аралаштирадилар.

Донни озиқлантиришга беришдан олдин 8–12 соат ивитиб қўйилади ёки тегирмонда торттирилади.

Дон ўрнига нутрияларга комбикорма бериш мумкин. Бу комбикорма таркиби ушбу ҳайвонларнинг талабига мос келадиган қилиб ишлаб чиқилган ёки чўчқа ва бузоқларга мўлжалланган, таркибида клетчатка кам сақланган комбикорма берилади. Таркибида карбамид (мочевина) ёки чиганоқлар мавжуд комбикормани нутрияларга бериш мумкин эмас.

Агар хўжалигингизда озуқалар тўплами ва керакли майдалаш дастгоҳлари бўлса нутриялар учун махсус комбикормани тайёрлаб бериш қийинчилик туғдирмайди.

Агар баъзи компонентлар бўлмаса уларнинг ўрнига бошқасини қўшиш мумкин. Масалан арпа ва маккажўхорини

буғдойга ёки сулига, кунжарани – зиғир, соя, нўхат, кунгабоқар шротига, балиқ унини гўшт-суяк унига ёки озуқа дрожжасига алмаштириш мумкин.

Аралашма билан озиқлантиришдан олдин 1 миқдор қуруқ комбикормага 1 миқдорда сув қўшиш ҳисобида намланади. Ёзда концентрат озуқага янги ўт аралаштирилади, қишда эса ўт уни, пичан ва илдизмевалар қўшилади.

*Ўсимликлардан оқсилли озуқа.* Таркибида 20 дан 40 фоизгача протеин сақловчи бундай озуқаларга нўхат, ясмиқ, хашаки нўхат, озуқабоп дуккаклилар, соя, шунингдек шрот ва озуқа дрожжаси оқсилли емиш ҳисобланади.

Дуккаклиларнинг дони истеъмолга берилишидан аввал турлича ишлов берилади; майдаланади, қайнатилади ёки бошқа озуқалар билан аралаштирилади. Битта нутрияга суткада бундай озуқадан 10–25 г дан кўп бериб бўлмайди, чунки кўп миқдорда истеъмол қилинган дон ич қотишига ва ичакнинг шишиб кетишига олиб келиши мумкин.

Кунжара ва шрот эса ҳар бош ҳайвонга суткасига 15–30 г дан берилади. Нутрияларга бир вақтда озуқа бериладиган кунжара ва шрот миқдори 5–10 г гача қисқартирилади. Озиқлантиришга беришдан олдин кунжара майдаланиб, дон билан аралаштирилади.

Нутрияларни озиқлантиришда дрожжалар (гидролизли, сульфит-спиртли ва ҳ.к) катта аҳамиятга эга. Чунки аралаштириб бўлмайдиган аминокислоталар сақлаши жиҳатидан дуккаклилар дони ва кунжарадан устунлик қилади ва ҳайвон маҳсулотларидан тайёрланадиган озуқага яқин туради.

***Ҳайвон маҳсулотларидан тайёрланадиган оқсилли озуқа.*** Табиий шароитда яшаркан, нутриялар ўсимлик озуқаларидан ташқари жонивор озуқаларни – чучук сувда яшовчи моллюскаларни, балиқларни, зулукларни, қурбақа ва қисқичбақаларни ҳам ейди.

Агар нутрияларнинг рационига вақти-вақти билан тўлақимматли оқсил қўшиб турилмас экан, уларнинг маҳсулдорлиги пасайиб кетади, болалари вазнига етмай туғилади,



эмизувчи урғочиларининг сути камайиб кетади. Бунга йўл қўймаслик учун балиқ, гўшт ва гўшт суяги уни, ичак-чавоқлар, сут, творог, ёғи олинмаган сут ва бошқа маҳсулотларни бериб туриш зарур. Одатда, бундай озуқа дон билан аралаштирилади ёки концентратлар таркибига қўшилади. Нутрияларга балиқ фақат пишириб берилади.

Озиқ-овқат қолдиқлари. Кўпгина нутрия бокувчилар ўз қарамоғидагиларга озиқ-овқат қолдиқларини – қуруқ нон, бўтқа ва шўрва қолдиқларини сабзавотдан чиққан пўчоқларни, балиқ ҳамда гўшт чиқиндиларини рацион таркибига қўшиб берадилар.

Озиқ-овқат қолдиқлари махсус идишга йиғилади (сабзавот пўчоқлари олдин ювилади) ва бир хил қуюқ масса ҳосил бўлгунча пиширилади. Аралашма совигач, унга комбикорма қўшилади.

Юқорида санаб ўтилган чиқитдан ташқари нутрияга лавлаги ва узум саноат ишлаб чиқаришидан чиққан чиқитларни бериш мумкин. Масалан, илдизмевалар ўрнига янги қуритилган тўпон (выжимка)ни ишлатса бўлади.

***Ширадор озуқа.*** Нутрияларга ширадор озуқалардан ҳар хил илдизмевалар, шунингдек, сабзавотлар, мевалар ва полиз маҳсулотлари берилади.

Илдизмевалар жониворларнинг иштаҳасини яхшилаб, маҳсулдорлигини оширади. Озуқага ишлатишдан олдин илдизмеваларнинг моғор ва чириклари тозалаб ташланади, яхшилаб ювилгач, бўлаклаб кесилади. Ширадор озуқалар етишмаганда рационга пиширилган картошка қўшилади. Унинг миқдори ҳар бош жониворга суткасига 200 г дан ошмаслиги лозим. Кўп миқдордаги картошка нутриянинг овқат ҳазмлашининг бузилишини келтириб чиқаради.

Картошкани озиқлантириш учун беришдан аввал эзилиб кепак, комбикорма ёки овқат қолдиқларига аралаштирилади.

Нутриялар ширадор озуқалардан сабзи, лавлаги, шолғом, бодринг, кабачки, шунингдек, олмани хуш кўради. Жониворларга карам оз миқдорда берилади. Одатда асосий озуқа-

лар билан бир қаторда ширадор озуқаларни истеъмол қилиб, витамин ва микроэлементлар тақчиллигига эҳтиёж сезмайдилар, чунки юқорида санаб ўтилган сабзавотларда жониворларнинг организми доимий ҳаёт кечириши учун зарур фойдали моддалар сақланади.

***Дағал озуқа.*** Бундай озуқаларга дарахт новдалари, пичан, сенаж, ўт брикетлари, пичан ёки ўт уни киради. Дағал озуқаларда 20—30 фоизли клетчатка сақланиши туфайли улар жониворларнинг овқат ҳазмлашини меъёрлаштириб туришда асосий рол ўйнайди. Бундан ташқари, рационда дағал озуқанинг бўлиши зотли нутрияларнинг семириб кетилишининг олдини олади.

Жониворларни пичан билан озиқлантиришга киришишдан аввал уларни албатта сифати ва ёшини аниқлаб олиш учун кўздан кечириш лозим.

Нутрияларга бериладиган пичан намиқиб қолмаган бўлиши керак. Бундай пичан хос хушбўйлигини йўқотади ва рангини ўзгартиради. Масалан чўл ўсимликларидан тайёрланган дағал озуқа намиқиб қолса оч-яшил кулранг яшил ранг, яйлов пичани эса — кулранг-яшил ёки қора ранг касб этади.

Пичан тайёрлашда ўрилаётган ўтлар орасида нутрия учун заҳарли ёки зарарли ўсимликлар бўлмаслигига эътибор қаратиш лозим.

Чириган, моғорлаб кетган пичанлар бу ҳайвонларни озиқлантириш учун яроқсиз. Агар кўздан кечираётганда кулранг ёки қорайиб кетган пичанда моғор кўзга ташланмаса, демак, озуқа фақат намиқиб қолган, уни қуритиб, жониворларга бериш мумкин. Чириган пичанда ёқимсиз ҳид бўлади, айниқса, ўт дастасини қўл билан ёйганда бу ҳид янада кучаяди.

Нутрияларга пичанни беришдан олдин сақлаш вақтида унинг чириган-чиримаганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Агар кўздан кечираётганда чириган новда ва япроқлар, тўпланган чанг, моғор ёки кўнғиз ҳамда унинг личинкалари уяси кўзга ташланса, бундай озуқани нутрияга бериб бўлмайди.



Агар ҳайвонларга дағал озуқа чекланмаган [illegible] ланадиган бўлса, улар иштаҳа [illegible] кин. Масалан, катта нутриялар бир кунда [illegible] пичан ёки бошқа дағал озуқа ейди, ёш нутриялар эса 10–12 г дан кўп емайди.

Одатда дағал озуқа намланадиган озуқага аралашмаларига ёки донадор комбикормага умумий емишнинг 10–12 фоизи миқдорида қўшилади.

***Витаминли ва минерал қўшимчалар.*** Витамин деб аталувчи органик бирикма нутрия организми учун ҳаётий мучимдир. Витаминлар етишмовчилиги ҳайвон организмининг ҳаётийлик ва чидамлилик лаёқатларининг пасайишига олиб келади, шунингдек, унинг кўпайиш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади.

Жониворлар олиши керак бўлган витаминлар таркиби ва миқдори кўп жиҳатдан улар организмининг ҳолатига, шунингдек, асраш шароитига ва озуқа рационига боғлиқ.

Ёзда нутрияларни кўкатлар билан озиқлантирилганда витаминли қўшимчалар талаб этилмайди, чунки жониворлар керакли миқдордаги витаминни кўк озуқадан олади. Қиш охирида ва эрта баҳорда организмдаги ҳаётий муҳим витаминлар захираси камайиб кетади ва бу даврда витамин етишмаслиги вужудга келмаслиги ва бунинг оқибатида нутрия маҳсулдорлиги ҳамда терисининг сифати пасайиб кетмаслиги учун нутриялар рационига, айниқса, бўғоз ва эмизадиган урғочиларига пичан ва ўт (яхшиси беданики) унидан ташқари турли препаратлар ёки премикслар (витаминлар ҳамда микроэлементлар аралашмаси) қўшиб бериш керак.

А ва Д витаминлари нутрияларга витаминлашган балиқ мойи кўринишида ёки поливитаминлар (дрожжа) кўринишида суткасига ҳар бошга 0,5–1 г дан берилади. А, Д, Е нинг ёғли препаратларини озиқлантиришга беришдан аввал яхшиси сувда эритиш, сўнгра комбикорма билан баббаравар аралаштириш керак.

Витаминлашган озуқадан ташқари нутрияларга минерални

қўшимчалар берилиши зарур. Гўшт – суяк уни энг яхши минералли қўшимча ҳисобланиб, унинг таркибида оқсил ва турли минералли моддалар сероб бўлади.

## НУТРИЯЛАРНИ ТУРЛИ ФИЗИОЛОГИК ДАВРДА ОЗУҚЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нутрияларни турли физиологик даврда озиқлантирганда жониворларнинг озиқ моддаларга бўлган талаби тўлиқ қондирилиши лозим. Нутрияларни озиқлантиришда энг масъулиятли даврлар жуфтлашишга тайёргарлик, қочириш, бўғозлик, болаларини эмизиш, шунингдек, кичик нутрияларни ўстириш ҳисобланади.

***Жуфтлашишга тайёргарлик давридаги нутрияларни озиқлантириш.*** Эркак – зотли нутрияларнинг юксак жинсий фаоллигини ва урғочи нутрияларнинг яхши уруғланиши ва серпуштлигини таъминлаш учун жуфтлашишга тайёргарлик даврида бу жониворларнинг озиқлантирилишини ташкил этиш зарур.

Жуфтлашиш олдидан эркак нутрия ҳам, урғочи нутрия ҳам яхши семирган, лекин ёғ босиб кетмаган бўлиши лозим. Режалаштирилган қочиришни ўтказишга бир неча ҳафта қолганда яхши семирмаган жониворлар яхши озиқлантиришга ўтказилади, семириб ёғ босганларини эса, аксинча, суткалик озуқа меъёри камайтирилади.

***Жуфтлашиш даврида нутрияларни озиқлантириш.*** Жуфтлашиш вақтида зотдор эркак нутриялар бир неча ой мобайнида урғочи нутрияларга бериладиган рацион бўйича озиқлантирилади. Бунда эркак нутриялар қочириш даврида одатдагидек 25–35 фоиз кўпроқ озуқа ейиши ҳисобга олинади. Чунки эркак нутриялар урғочиларига нисбатан йирикроқ ва фаолроқ бўладилар.



***Бўғоз нутрияларни озиқлантириш.*** Бўғозлик даврида нутрия организмида сезиларли ўзгаришлар кечади. Бу айниқса эмбрионларнинг ўсиши, бачадони ва сут безларининг катталашуви билан боғлиқ бўлиб, қўшимча моддалар ва энергия талаб этади.

Бўғоз нутрияларнинг рациони оқсил, ёғ ва углеводлар бўйича балансланган, бироқ озиқанинг ҳажми катта бўлмас-лиги, озиқанинг ўзи енгил ўзлаштириладиган бўлиши керак.

Бўғозликнинг биринчи ярмида нутрияларнинг озиқ моддаларга талаби бошқа даврдагига нисбатан 7–10 фоиз ошади. Бўғозликнинг иккинчи ярмига келганда бу талаб энди 20–30 фоизга кўпаяди. Бу вақтда нутриянинг иштаҳаси очилган бўлади, лекин жониворнинг ҳаракатланиш фаоллиги пасайганлиги сабабли уларни ортиқча озиқлантириб бўлмайди. Семириб кетган нутриялар бўғозлик ва туғишни оғир кечирадилар. Бундан ташқари, бўғоз нутрияларни ортиқча озиқлантирилганда болалари йирик (350–500 г), бироқ заиф туғилади. Шунинг учун урғочи нутриялар семира бошлаши билан унинг рационидаги енгил ўзлаштириладиган озуқа миқдорини 25–30 фоизга қисқартириш билан бир вақтда қийин ҳазм бўладиган ёки кўк озуқа миқдори оширилади. Шуни ёдда тутиш лозимки, нутриянинг бутун бўғозлиги давридаги вазни 3 кг дан ошмаслиги керак.

Бўғоз нутрияларни озиқлантиришда нутрияларни кўпайтириш бўйича мутахассислар томонидан ишлаб чиқарилган тахминий рациондан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бўғозлик чоғида нутрияларнинг рационига ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган оқсиллар, А, Д, Е ҳамда В гуруҳига кирувчи витаминлар, шунингдек, минерал қўшимчалар (озуқа бўри, гўшт-суяк ёки балиқ уни, ош тузи ва ҳ.к) киритиш лозим. Шуни ёдда тутиш лозимки, бўғоз нутриялар организмида витамин ва минерал моддаларнинг етишмаслиги заиф ёки ўлик насл туғилишига сабаб бўлиши

мум.***Эмизадиган нутрияларни ва эмадиган болаларини озиқлантириш.*** Эмизадиган нутрияларда сут ҳосил бўлиши ва ажралиши учун қўшимча озуқа моддалар ва энергия зарур бўлади. Бундай нутрияларнинг озуқа миқдорига умумий талаби ёшига, танасининг вазнига, эмизиш босқичига, болаларининг сонига ва бошқа сабабларга боғлиқ бўлади.

Жуфтлашиш даври билан таққослаганда, эмизувчи нутриянинг озуқага талаби биринчи ойда тахминан 1,5–2 марта, 2– ойда эса 2–3 марта ошади.

Эмизиш бошланганига 14–20 кун бўлгунча бериладиган озуқанинг 80–85 фоизини она-нутрия истеъмол қилса, эмизиш даврининг охирига келиб умумий миқдордаги озуқанинг 40–50 фоизини болалари ейди.

Нутрия болаларининг ривожланиши тўғридан-тўғри она-нутриянинг серсутлигига боғлиқ. Агар нутриянинг сути кам бўлса ёки истеъмолбоп бўлмаса, у ҳолда болалари ривожланишдан орқада қола бошлайди ва вазнига етиши қийин бўлади. Шунинг учун эмизувчи нутриялар тўла қимматли озиқлантирилиши ва тўйгунча ейиши керак. Эмизиш даврида урғочи нутриялар семирмайди, шунинг учун уларни ортиқча озиқлантиришдан қўрқмаслик керак. Хатто она нутриянинг сути етарли бўлган тақдирда ҳам унинг болалари 2–4 кунлигидан бошлаб катта жониворларнинг комбикормаси, илдизмевалар, янги ўтлар каби озиқларини ея бошлайдилар. Бу даврда уларга пиширилган картошка билан аралаштирилган яхши пиширилган дон, сут, озуқа бўри ёки гўшт-суяк уни, ош тузидан иборат қўшимча емиш бериб турилади.

***Сутдан ажратилган нутрия болаларини озиқлантириш.*** Онадан ажратилгандан 2 ҳафта ўтгач нутрия болаларига оналари билан бирга бўлган охирги ҳафталарда берилган озуқани беришда давом этган ҳолда уларнинг рационига бошқа емиш аста-секин киритиб борилади. Ёш нутрияларни бир турдаги емишдан иккинчи турдаги емишга кескин ўтказиш иштаҳа йўқолишига, овқат ҳазмланишининг бу-



зилишига ва бунинг оқибатида турли касалликлар келиб чиқишига ҳамда жун қоплами сифатининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

Нутрияларда жадал ўсиш дастлабки 5–6 ойда кузатилади. Жинсий етилиш фурсати етгач бу ўсиш секинлашади.

Нутрияларнинг 9 ойликкача бўлган давридаги ўсиши ва вазни тўғридан-тўғри уларни озиқлантириш усулига боғлиқ. Масалан, комбикорма билан озиқлантирилган нутрия ўзининг вазни ва танасининг узунлиги жиҳатидан намланган озуқа аралашмасини еган нутрияга нисбатан бирмунча устунлик қилади.

Ёш нутрияларни озиқлантиришда шуни ёдда тутиш лозимки, бу даврда нутрияларни боқиш, энг аввало, уларнинг вазнини оширишга эмас, жониворларнинг бўйини ўсишига рағбат бериши лозим. Ажратилган нутрия болаларининг емиши озуқа ва минерал моддалар ҳамда витаминларга бой бўлиши керак. Тўрт ойликкача бўлган нутрияларга иложи борича қийин ҳазм бўладиган клетчаткага мўл бўлган озуқалар иложи борича камроқ берилиши даркор.

## Нутрияларни урчитиш

Нутрияларни урчитишда яхши натижага эришиш учун, энг аввало, эркак нутриялар соғлом ва семиз бўлиши керак. Режалаштирилган жуфтлаштиришга бир ой қолганда нутрияларни кўздан кечириш, уларнинг семирган-семирмаганлик даражасини ва соғломлик ҳолатини аниқлаб, вазнида етишмовчилик бўлса, уларни алоҳида рационга ўтказиб, емишларида тўйимли озуқа меъёрини кўпайтириш ва аксинча, семириб ёғ босган ҳайвонлар емишида енгил ҳазмланадиган озуқа ҳажмини камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Нутрияларни урчитиш бирор мавсумга боғлиқ эмаслиги

туфайли уларни йилнинг ҳар қандай вақтида қочириш мумкин. Нутрия боқувчиларда бу жониворларни урчитишнинг турли тизимларини қўллашлари ва қочиришнинг у ёки бу усулини танлаш имкони бор.

## Урчитиш тизими

***Йил бўйи урчитиш.*** Ушбу тизим етук урғочи нутрияларни қайта-қайта қочириш ва шу йилда туғилган ёш жониворларни жуфтлаштириш ҳисобига нутрия сонини кўпайтириш имконини беради.

Бироқ бу ҳайвонларни кўпайтириш тизими хўжалик иссиқ бинода бўлишини тақозо этади, чунки она-нутриялар совуқ мавсумда ҳам болалайдилар.

***Мавсумий урчитиш.*** Бу тизимда йилнинг маълум мавсумида қочириш амалга оширилиши кўзда тутилади. Айни пайтда кўпгина нутриябоқарлар ҳайвонларни 2 турда – августдан ноябргача ва февралдан майгача қочиришни ўтказиш тизимини маъқуллашмоқда.

Қочиш муддати урғочи нутрияларнинг жинсий фаоллиги (уларнинг эркак нутрияларни ўзларига яқинлаштириши)га ва ташқи жинсий аъзосининг кўринишига қараб белгиланади. Нутрияларнинг урчиши мавсумий тизимидан фойдаланиб урғочи нутрияларнинг қочиши ва болалаши муддатини шундай аниқ режалаштириш фавқулодда муҳимки, токи туғилажак нутрияларнинг асосий қисмини йилнинг энг мақбул вақтида ўстириш мумкин бўлсин.

Жуфтлаштиришлар ўтказилгандан бир ой кейин барча урғочи нутриялар кўздан кечирилади: бўғоз бўлганлари насл олишга қолдирилади, қочмаганлари эса сўйилади. Шундай қилиб, биринчи насл берган урғочи нутрия ҳалемай кейинги жуфтлашишга тайёр бўлади.





Қочириш усуллари нафақат урғочи нутриянинг ёшига ва ҳайвончаларни асраш шароитига, балки уларни кўпайтириш мақсадига ҳам боғлиқ.

***Қочиришни қўлда амалга ошириш усули.*** Ушбу қочириш усули кичик нутриячилик фермалари, шунингдек, насл олиш ишларини режали олиб бориш учун энг мувофиқ келадиган усулдир. Қўлда амалга ошириладиган усулда битта вояга етган эркак нутрия 6– 8 та, ёш эркак нутрия эса 4– 6 та урғочини қочириш лаёқатига эга бўлади.

Мазкур усулда танланган урғочи нутрия туққандан кейин дастлабки уч кун, кейин эса туққан кундан бошлаб ҳар 24 кунда ҳафта давомида наслдор эркак нутриядан қочиришга қўйилади. Агар шу қўйиш чоғида иккиси бир марта жуфтлашган бўлса, эртаси куни урғочи нутрия эркак нутриянинг катагига фақат яна бир марта қўйилади. Одатда қўлда амалга ошириладиган қочириш усулида урғочи нутрия туққандан кейинги биринчи ёки иккинчи қўшилишда уруғланади. Шунинг учун учинчи куйикишга келган, шу вақтгача қочмаган, шунингдек, туққандан кейин 50 кунгача қочмаган нутрияларни жуфтлаштириш керак.

Агар урғочи нутриялардан бирортаси озиб ҳолдан тойган бўлса ва бўғозлик билан эмизиш унинг соғлигига тўғри келмаса, уни туққандан кейин иккинчи ёки учинчи куйикишда эркак нутрия билан жуфтлаштирилади.

***Қочиришнинг тўда усули.*** Одатда бу усул ёш урғочи нутрияларга қўлланади. Бунинг учун 2– 3 ойлик онадан ажратилган 8–12 та урғочи нутриялардан гуруҳ ташкил қилиб, 25–30 кв.м ли қўрада биргаликда ўстирилади. Нутриялар 6–8 ойлик бўлганда уларга фаол эркак нутрия қўйилади.

Эркак нутрия қўйилганига тахминан 50 кун вақт ўтгач урғочи нутриялар биринчи кўрикдан ўтказилади: бўғоз нутриялар алоҳида катакларга ўтказилади, қолганлари яна 2 ҳафта кузатилади. Урғочи нутрияларнинг асосий қисми қочириб бўлингач, қолганлари умумий катакларга ўтказилади. Кўрада эса янги тўда шакллантирилади.

Гарчи қочиришнинг тўда усулида нутрия йил давомида анчагина миқдордаги урғочи нутрияларни қочиришга эришсада, бу усулда эмизувчи нутрияларнинг жуфтлашиш имконияти бўлмайди.

***Қочиришнинг эркин усули.*** Мазкур усул бир оз меҳнатталаб ҳисоблансала, аммо энг ишончлисидир. Бир гуруҳ урғочи нутриялар бир неча эркак нутрия билан бир кўрага қамалади (бутун гуруҳ бир вақтда кўрага қамалса, улар ўртасида уруш бўлмайди). Гуруҳдаги кўпгина урғочи нутриялар уруғланиб бўлгач, қолганлари ажратилиб, улардан ва бошқа нутриялардан янги гуруҳ ташкил қилиниб, бошқа кўрага жойлаштирилади.

Эркин қочириш усулининг асосий камчилиги – насднинг келиб чиқиши ҳақида маълумотлар бўлмаслиги ва уришишлар ҳамда эркак нутрияларнинг уруғлантирилган урғочиларни қочиришга уринишлари натижасида бўғозликка бардош беролмаслик фоизининг юқорилигидир.

***Оилавий урчитиш.*** Урчитишнинг ушбу усулида битта катакда бир неча уйчалар ўрнатилиб, битта эркак ва 2– 4 та урғочи нутриялар жойлаштирилади. Модомики оилавий урчитиш усулида бўғоз нутриялар алоҳида катакларга ажратилмас экан, оилавий гуруҳни шакллантириш учун бирга туғилган ёки бир катакда ўстирилган урғочи нутриялар олинади.

Мазкур урчитишнинг камчилиги бир вақтда туғилган болаларни оналари ажратиб ололмаслиги ва янги туғилганларни катта нутриялар тепкилаб ташлаши даражасининг юқорилигидир.



Қочиришнинг мураккаб (қуроқ) усули. Ушбу усулда эмизувчи нутрия қочиришни қўлда амалга ошириш усулида жуфтлаштирилади, болалари ажратилгач тўда усулида ўстирилади.

## Урғочи нутрияларнинг бўғозлик, болалаш ва эмизиш даври

Нутриялар бўғозлигини эрта аниқлашнинг усуллари ҳозирча мавжуд эмас. Бироқ тажрибали нутриябоқарлар урғочи нутрияларнинг юриш-туриши ва сут бериш сўргичларининг ҳолатига қараб эркак нутрия қочирганига 2–3 ҳафта бўлгандаёқ уларнинг бўғоз ёки бўғоз эмаслигини айта оладилар. Гарчанд нутрияларнинг қорни бўғозлигининг 12– 13 ҳафтасидагина юмалоқлашиб, катталаша бошласада, мутахассис нутрия уруғлантирилгандан кейин бир ой ўтибоқ пайпаслаб кўриб бўғозлигини айтиб беради. Бунинг учун жониворни стол усти каби қаттиқ текис жойга қўйиб, қўлни орқа панжалари орасидан қорни остига то кўкрак қафасига қадар юргазиб борилади. Сўнгра бармоқ билан оҳиста нутриянинг қорин бўшлиғи пайпаслаб кўрилади ва қўлни жониворнинг орқа қисмига силжитиб борилади.

Агар энди иш бошлаётган нутрия боқувчи жонивор қочганига 30–35 кун бўлганда бўғозлигини аниқлай олмаса, у ҳолда 50-кунга бориб бўғоз нутрияда 1,5–2 см катталикда йўғонлашган бачадонни осонгина пайпаслаб билиши мумкин.

Нутрияларнинг бўғозлик даврида алоҳида парвариш, шунингдек, ҳомиланинг яхши ривожланиши, она-нутрия ўзини нормал ҳис этиши учун махсус балансланштирилган озуқа керак бўлади. Асраш номақбул шароитда бўлганда ва тўла қимматли бўлмаган озуқа билан озиқлантирилганда нутрияларда ҳомиланинг эмбрионал давридаёқ нобуд бўлиш эҳтимоли юқори. Бу ҳолат ҳомиладорликнинг биринчи ярмида кўпроқ содир бўлади.

Нутриянинг туғишига яқин қолганда иссиқ таглик бўлган уйча тайёрланади. йилнинг иссиқ даврида таглик полга тўшалади, совуқ пайтларда эса уйча пичан ёки сомон билан тўлдириб қўйилади. Нутриялар одатда тунда болалайди. Болалаган нутрия ва унинг энлигина туғилган болалари турган уйча тозаланиб, ифлосланган таглик ва йўлдош (агар она-нутрия еб қўймаган бўлса) олиб ташланади. Янги туғилган нутриялар кўздан кечирилиб, жинси аниқланади, шундан кейин махсус журналга керакли қайдлар ёзиб қўйилади.

Кўпчилик нутрия боқувчилар бир неча она-нутрия бир вақтда болалаганда, туғилган нутриячаларни тенглаштириш амалиётини қўллайдилар, яъни бир қориндан туғилган кўп сонли нутриячалардан бир нечтаси бошқа учтадан кам туққан нутриянинг болаларига қўшиб қўйилади. Албатта, бунда она-нутриянинг серсутлиги ва уларнинг кўп сонли болаларини боқа олиш-боқа олмаслик қобилияти ҳисобга олинади.

Нутрияларда эмизиш даври 1–2 ой давом этади. Она-нутрия сути етарли бўлса унинг болалари ўз ёшига мутаносиб вояга етади.

Икки кунлик нутриялар катакка осонгина мослашиб олади, сузади, катта жониворларнинг озуқасини тотиб кўради. Бундан ташқари шу ёшда улар 10° С даражагача бўлган қисқа муддатли совуққа бардош бера оладилар.

Ҳар куни озиқлантириш, уйчаларини тозалаш, сайрга чиқаришдан ташқари она-нутрия ва унинг болаларини кўздан кечириб туриш лозим. Агар нутриячалар суст, ёмон ўсаётган, вазнига кам вазн қўшилаётган, мўйналари ҳурпайган бўлса, дарҳол онасининг сутдорлигини аниқлаш зарур. Бунинг учун унинг сут безлари ва сўрғичлари кўздан кечирилади. Агар нутрия сут безлари бўшашган ва эзиб кўрганда сўрғичлардан сут чиқмаса ёки сут кичик томчи бўлиб чиқса, бу она-нутрияда сут етарли эмаслигидан ёки



бутунлай йўқлигидан далолат беради. Бундай ҳолатларда унинг болалари бошқа она-нутрияни эмишга ёки сунъий озиқлантиришга ўтказилади.

Агар нутриячалар бошқа онага ўтказиладиган бўлса, у ҳолда ушбу она-нутрия аввал алоҳидаланиб қўйилади, фақат 40–50 дақиқалардан кейин асранди болалари ёнига қўйилади.

## Нутриячаларни ўстириш

Нутриячалар 40–50 кунлик бўлганда онасидан ажратилади. Уларни онасидан ажратишдан аввал тарозида тортилади, тамғаланади ва махсус журналга уларнинг ранг тури, туғилган санаси, уларнинг онаси ва отасининг рақамлари ёзиб қўйилади. Одатда битта катакка бир ёки бир неча оиланинг ажратилган қариндош нутрияча-лари жойлаштирилади. Бир-бир ярим ой ўтгач улар умумий қўрага жинсига қараб ўтказилади, наслчилик ишлари олиб борилаётган бўлса ранги турига ва келиб чиқишига қараб бошқа гуруҳга бўлинади.

Гуруҳларга бир жинсдаги ва ривожланиши бир хил бўлган жониворлар танлаб олинади. Бу танлов улар орасида келиб чиқарадиган уришишларнинг олдини олиш учун керак. Эркак нутрияларнинг битта гуруҳи келиб чиқиши ва рангининг турига кўра ҳар хил жониворлардан, ҳатто уларнинг бир қисми зотли насллар учун фойдаланишга мўлжаллангандардан тузилиши мумкин.

Ажратилган нутриячалардан гуруҳ шакллантирилгандан сўнг дастлабки 2 ҳафта ўтгач ҳар куни нутрияларнинг ўзларини тутишлари кузатилади, улар орасидан тажовузкорлари, шунингдек, ривожланишдан орқа қолаётганлари ажратиб олинади. Тажовузкор нутриялар одатда сўйишга бериладиёки алоҳида катакда сақланади, заиф ҳайвонлардан эса алоҳида гуруҳлар шакллантирилиб, уларга махсус озиқлантириш рациони ташкил қилинади.

Агар хўжаликда катаклар етишмаса, ривожланишдан қолган нутриячаларни кичик ёшдагиларга қўшиб асраш мумкин.

## Нутрия касалланганда

Одатда, мақбул шароитда парваришланганда, тўла қимматли озиқлантирилганда, турли профилактик чоралар кўриб турилса, нутриялар камдан – кам касалланади. Лекин ҳар қандай фермер хўжаликларида юқумли касалликлар тарқалиши, шунингдек ҳайвонларнинг сифатсиз озуқаларидан заҳарланиш ҳодисалари рўй бериб туради. Шунинг учун ҳар бир нутрия боқувчи ушбу ҳайвоннинг тарқалган касалликлари асосий аломатларини билиши керакки, токи ветеринария мутахассиси келгунча дастлабки ташхисни қўйиб, касалланган жониворларни вақтида алоҳидалаб, уларга биринчи ёрдамни кўрсата олишлари керак.

Соғлом нутриялар одатда ҳаракатчан, барча ташқи таъсирлантирувчи ҳолатларни тийрак ҳис этади. Касалланган ҳайвончаларда эса, таъсирланиш ҳоллари кўпинча паст бўлади. Улар кўп вақт катакнинг ёки уйчанинг бурчагига тиқилиб ётади, истамайгина ҳаракатланади. Касал нутрияларнинг иштаҳаси йўқолади ёки озиқланмай қўяди, одатига зид ҳолатдаги кўринишда бўлади, кўпинча орқа панжасини судраб юради. Хурпайган, ранги хиралашиб қолган мўй қопламы ҳам касалликдан далолат беради.

Нутриялар юқумли касалликлардан сальмонеллез (паратиф), пастереллез, колибактериоз, темиратки ва бошқа хавфли касалликларга дучор бўладилар. Бундан ташқари, ёмон шароитда асралганда ва озиқлантирилганда кўпинча ошқозон-ичак касалликлари ва нафас олиш аъзоларида кечадиган яллиғланиш жараёнлари билан боғлиқ хасталиклардан азоб чекадилар.

Бошқа касалликларга келсак, гарчи улар нутрияларда кам учрасада, лекин ветеринарлар онда-сонда дуч келиб турадилар. Шунинг учун ҳар бир нутрия боқувчи ушбу касалликлар ҳақида лоақал умумий тасаввурга эга бўлсалар, фойдалан холи бўлмасди.



## ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР

Нутриялар гоят жони қаттиқ жониворлардан ҳисобланадилар ва масалан, қуёнларга нисбатан юқумли касалликларга камроқ дучор бўладилар. Бироқ тўла қимматли бўлмаган озиқалар билан боқилганда ва ветеринария санитария қоидаларига риоя қилинмасдан парваришланганда улар турли юқумли касалликларга дучор бўладилар.

### Сальмонеллез

Сальмонелллез – сальмонелл гуруҳига кирувчи бактериялар келтириб чиқарадиган ўткир юқумли касаллик ҳисобланади. Сальмонеллезга кўпинча 3– 4 ойликкача бўлган ёш нутриячалар дучор бўладилар. Катта нутриялар кам касалланадилар. Бўғоз нутриялар касалланганда қорин ичининг зарарланиши оқибатида бола ташлаши ва ўлик бола туғиши мумкин.

Зарарланишнинг асосий манбаи инфекцияланган сув ёки озуқа бўлиши мумкин. Онда-сонда соғлом нутриялар касалланган ҳайвонлар билан яқин муносабатда бўлганда сальмонеллез билан зарарланади. Бундан ташқари, фермага инфекцияни қушлар, кемирувчилар ва пашша, сўна каби ҳашоратлар олиб келиши мумкин. Жониворлар гуруҳлаб боқиладиган тўдаларда сальмонеллез ялпи эпидемия бўлиб тарқалиши имкони мавжуд. Касалликнинг яширин даври ўртача 14 кун давом этади (баъзан 5 суткадан 24 суткача бўлиши мумкин).

Сальмонеллез нутрияларда уч хил формада кечади: ўткир, ўткирга яқин ва сурункали. Касалликнинг ўткир формаси 3 кундан 14 кунгача чўзилади. Бу вақтда нутрияларда титраш, кўз шиллиқ пардасининг яллиғланиши (коньюнктивит), кўздан ёш оқиши, ринит ёки бурун тешикларидан қонли ажратма келиши, шунингдек, тана ҳароратининг 41–42° С даражага кўтарилиши, ишиллиқ, қон аралаш ич кетиши кузатилади.

Касаллик ўткир кечаётган жониворларнинг иштаҳаси йўқолади, ташқи таъсирлантирувчи воситаларга суст таъсир жавоби кўрсатади, суст ҳаракатланади. Одатда, биринчи ҳафта давомида кўпгина касалланган нутриялар ўладилар.

Ўткирга яқин сальмонеллезда овқат ҳазмланишининг бузилиши, ҳароратнинг 40– 41° С даражагача кўтарилиши кузатилади. Нутриялар овқат емай қўяди, озиб кетади ва кўп ҳолларда касаллик бошланганда 1–2 ҳафта ўтгач ўладилар.

Касалликнинг сурункали формаси ҳам ўткир ва ўткирга яқин формаларнинг белгилари билан намоён бўлади, бироқ улар камроқ даражада акс этади. Сурункали сальмонеллезда жониворлар ўлими 20– 30 кундан кейин содир бўлади. Одатда, бу вақтда ҳайвонлар озиб кетганлиги яққол кўзга ташланади.

Фақат ташқи аломатларга қараб сальмонеллезга аниқ ташхис қўйиш жуда қийин, чунки кўпгина белгилар бошқа юқумли ҳамда ўзга касалликларга тегишли бўлиши ҳам мумкин. Узил-кесил ташхисни фақат ветеринария врачи бактериологик текширишлар ўтказгандан кейингина қўя олади.

Афсуски, сальмонеллезнинг давоси йўқ, шунинг учун бу хавфли касалликдан ҳимояланиш унинг олдини олиш ҳисобланади. Бунинг учун ичимлик сув ва озуқанинг сифатини назорат қилиб бориш, катак ва қўраларни кемирувчилар ҳамда қушлар киришидан ҳимоялаш, катаклар, шунингдек, фойдаланиладиган жиҳозларни мунтазам зарарсизлантириб туриш, фермага янги келтирилган нутрияларни карантинда ушлаб туриш асосий профилактик чоралар ҳисобланади.

Агар фермада лоақал битта нутрия сальмонеллез билан касалланган бўлса, дарҳол ветеринария врачи чақирилиши лозим. У барча жониворларга колибактериоз ва сальмонеллезга қарши тўла валентли вакцинани амалга оширади. Бу дори 5 кунлик танаффус билан нутриячаларга 5 мл дан ва катталарига 2–3 мл дан тери остига юборилади. 7–8 ойдан сўнг вакцинация такрорланади.

Сальмонеллез билан касалланганлигига шубҳа туғилган нутриялар дарҳол алоҳидаланиб, уларнинг катаклари яхшилаб тозаланади ва зарарсизлантирилади.

Касалланган ҳайвонларни даволаш учун фуразолидон ёки антибиотиклар (левомицетин, биомицин) қўлланади. Фу-



разолидон 7– 10 кун давомида 2 маҳалдан [illegible] 1 килограммига 30 мг миқдорида нутрияларнинг [illegible] ёки сувига қўшиб берилади. Левомицетин [illegible] ҳам 4– 6 кун давомида ветеринария врачи белгилаган [illegible] дорда нутрияларнинг озуқасига қўшиб берилади.

## Пастереллез

Пастереллез – ўткир кечадиган юқумли касаллик бўлиб, микроб (пастерелла) лар чақириб, қисқа вақт (3–5 кун) давомида жониворларнинг катта қисмини эгаллаб олади. Пастереллез билан нутриядан ташқари норка, кумушранг-қора тулкилар, қундузлар ва мўйнали бошқа ҳайвонлар ҳам касалланадилар. Шунингдек, бу касалликка қорамоллар, қўйлар, чўчқалар, қуёнлар ва қушлар ҳам таъсирчан бўладилар.

Нутриялар пастереллез билан асосан инфекцияланган озуқа ва сувни истеъмол қилганда зарарланадилар. Мутахассислар бемор жониворлар билан алоқада бўлинганида ҳаво-томчи йўли билан зарарланиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Касалликнинг кенг тарқалишига нутрияларни гуруҳлаб асраш имкон яратади. Шунингдек, тўлақимматли бўлмаган емиш билан озиқлантирилиши, парваришлашдаги антисанитар шароит ва кескин об-ҳаво ўзгаришлари ҳам сабаб бўлади.

Нутриялар кўпинча баҳор, ёз ва кузда пастереллезга дучор бўладилар. Касаллик ҳам ўткир, ҳам сурункали тарзда кечиши мумкин. Ўткир кечганда касаллик 12 соатдан 5– 6 суткага чўзилади.

Одатда пастереллез билан 2 ойлик нутриячалар касалланади, катта ёшдагилар гуруҳи эса камдан-кам дучор бўладилар. Касалликнинг биринчи аломатида ҳарорат 39,5– 40°С даражагача кўтарилади, шалвайганлик кузатилади, ташқи таъсирлантирувчи воситаларга реакция бўлмайди, иштаҳа бутунлай йўқолади. Баъзан ҳайвонларнинг қайт қилиши ва сўлаги оқиши кузатилади. Касал жониворларнинг мўйи табиий жилосини йўқотади, қуруқ ва синувчан бўлиб қолади.

Касаллик бошлангандан бир неча соат ўтгач нутрияларда нафас олиш қийинлашади, хириллаб, тез-тез нафас олади. Бурун тешикларидан қон аралаш шиллиқ тушади. Кейинчалик орқа оёқлари чангакланиб, фалажланади, шундан кейин жонивор ўлади.

Касаллик сурункали кечганда нутрияларнинг бўғимлари шишиб кетади, конъюнктивит кучаяди, иштаҳасизлик натижасида ориқлаб, кўпгина ҳолларда бу касаллик ҳайвонни ўлимга олиб келади.

Юқорида баён этилган симптомлар асосида фақат дастлабки ташхисни қўйиш мумкин, чунки пастереллезнинг белгилари кўп жиҳатдан салмонеллез ва баъзи бошқа касалликларнинг симптомларига ўхшайди. Айнан шунинг учун узил-кесил ташхисни фақат ветеринария врачининг бактериологик текширишларидан сўнг қўйиш мумкин. Шунингдек, ўлган нутрия аъзоларидан тайёрланган суспензиядан лаборатория жониворлари тажриба тариқасида зарарлантириб кўрилганда олинган маълумот ҳам аниқ ташхис қўйишга хизмат қилиши мумкин.

Агар фермада пастереллез аниқланса, у ҳолда барча касалланган нутриялар, шунингдек, улар билан яқин алоқада бўлган жониворлар алоҳидаланади, катак ва жиҳозлар яхшилаб ювилиб, зарарсизлантирилади.

Касалланган нутрияларни даволаш учун суткасига 1–3 мартадан то тузалгунга қадар антибиотиклар (бициллин – 3 ёки бициллин – 5, окситетрациклин, стрептомицин ёки пенициллин) дан фойдаланилади. Касалликнинг олдини олиш учун жониворларга нутрия пастереллезига қарши махсус вакцина юборилади.

## Кокцидиоз

Кокцидиоз – юқумли касаллиги билан одатда 30– 60 кунлик нутриялар касалланади. Коксиди бир ҳужайрали паразитлардан бўлиб, содда ҳайвонлар синфига киради. Уларнинг ривожланиши ташқи муҳитда ҳам, шунингдек, зарарланган жонивор организмида ҳам кечади.



Ташқи муҳитда ривожланувчи паразитлар бир қисми ооциста деб аталади. Ҳайвонлар организмига озуқа ёки ичимлик билан бирга кириб борган етук ооцисталардан спорозоитлар чиқади ва нутрия ичагининг деворларига ўрнашиб олади.

Жониворларнинг тўп бўлиб яшаши кокцидиознинг тарқалишига имкон яратади. Шунингдек, бундай имконият нутриялар сақланадиган хонадаги ифлослик, намлик каби номаъқул шароитларда ҳам вужудга келади.

Касалликнинг яширин даври 6–7 кунгача чўзилиши мумкин. Кучли ташналик, қон аралаш ич кетиши, ташқи таъсирлантирувчи воситаларга заиф таъсирланиш, иштаҳа йўқолиши, ориқлаб кетиш каби аломатлар касаллик белгисидир. Касаллик бошлангандан кейин бир неча кун ўтиб жонивор ориқлаб кетиш ва организмнинг сувсизланишидан ўлади.

Таъкидлаш лозимки, кокцидилар касаллик чақирмай нутриянинг ичакларида яшайвериши мумкин, бироқ жониворларни асраш ва озиқлантиришда номақбул шароит вужудга келса, шунингдек, бошқа бирор инфекция туфайли ҳайвоннинг организми заифлашгудек бўлса, паразитлар шиддат билан кўпайишни бошлайди. Касаллик шундай тезликда ривожланадики, биринчи аломатлар пайдо бўлган пайтдан то жонивор нобуд бўлишига қадар 2 кун ҳам ўтмайди.

Баъзи нутрияларда кокцидиоз умуман намоён бўлмайди, улар узоқ вақт мунтазам ооцистлар чиқариб, бошқа ҳайвонларга, айниқса, ёш нутрияларга хавф солувчи касаллик ташувчиси бўлиб қолиши мумкин.

Кокцидиозни даволаш ичимлик сувга сульфаметацин ёки 2 фоизли сульфамидиннинг ветеринар врачи тайинлаган миқдорини қўшиш воситасида олиб борилади.

## Той темираткиси

Той темираткаси – замбуруғ касаллиги бўлиб, трихофитон ва микроспорум замбуруғлари келтириб чиқаради.

Той темираткисини қўзғатувчилар ташқи муҳит шароитлари-

га жуда чидамли бўлиб, ташқи муҳитда ҳам, шунингдек, турли жониворларнинг терисида анча узоқ вақт яшаши мумкин.

Одатда той темираткисининг эпидемияси қиш-баҳор мавсумларида кечиб, 3–4 ойликкача бўлган ёш нутрияларда кузатилади. Зарарлаш манбаи касал кемирувчилар, мушуклар, итлар ҳисобланади. Касалликнинг яширин даври 8 кундан 30 кунгача давом этади. Ташхис нутрияларнинг ташқи кўздан кечириш, шунингдек, ҳайвон терисининг зарарланган жойидан қириб олинган намунани микроскопик текширув натижасига асосланиб қўйилади.

Нутриянинг той темираткиси билан зарарланганлигининг асосий аломати сифатида касалланган жониворнинг боши ва бўйнида (баъзан орқасида ва ёнбошида) юмалоқ мўйи тўкилган, диаметри 1 смдан 3–4 см гача яланғоч, кулранг, қора кўтир қопланган жойлар пайдо бўлишидир. Шу билан бирга, яққол кўриниб турадиган клиник симптомлар 2–3 ойлик нутрияларда кузатилади. Касаллик бошланишида зарарланган жойдаги мўйлар ўзининг товланиши ва эластиклигини йўқотади, кейин эса 7–14 кун давомида улар тери юзасидан синиб туша бошлайди ва қирқиб текислангандек бўлиб қолади.



*Той темираткаси билан касалланган нутрия*



Танаси бўйича замбуруғ тарқалган касал жониворлар жуда озиб кетади, ўсишдан сезиларли орқада қолади. Той темираткиси нафақат нутриялар учун, балки одам учун ҳам хавфли, шунинг учун касалланган бу ҳайвонлар билан жуда эҳтиётлик билан муомала қилинади.

Касалланган жониворлар зудлик билан алоҳидаланиши ва ветеринария врачи кўрсатмаси бўйича даволанади. Катак ва инвентарлар кавшарлаш лампаси билан зарарсизлантирилади, таглик ва озуқа қолдиқлари йўқ қилинади.

Темираткини даволаш учун 10 фоизли йод эритмаси ёки 0,25 фоизли трихотециннинг вазелинли эмульцияси қўлланилади ёки ўсимлик ёғини 30– 40° С даражагача қиздириб, нутриянинг зарарланган терисига босилади.

5–7 кундан сўнг процедура такрорланади. Терининг катта жойи зарарланганда ҳамма жойига воситаларни бирваракай суркаш мумкин эмас, акс ҳолда жонивор куйишдан ёки захарланишдан ўлиши мумкин. Тери қопламининг катта жойлари замбуруғ билан зарарланганда, аввало, нутрияларнинг боши, 5– 7 кундан кейин эса бўйни, яна бир ҳафтадан сўнг – орқасига ишлов бериш тавсия этилади.

Касаллангаган жониворларнинг ташқи даволаш билан бир қаторда 30–45 кун давомида нутриянинг 1 кг вазнига 15–20 мг дан гризеофульвин ичирилади. Шу препаратнинг ўзи камроқ меъёрда той темираткисининг олдини олиш учун қўлланилади.

## Колибактериоз

Колибактериоз ичак таёқчаларининг патоген типи келтириб чиқарадиган юқумли касалликларга мансуб бўлиб, нафақат нутриялар, балки бошқа уй ҳайвонларининг болалари учун ҳам хавфлидир. Бундан ташқари, колибактериоз билан болалар ҳам касалланиши мумкин.

Бу хавфли касалликнинг манбаи касалланган жониворлар, шунингдек, инфекцияланган озуқа ва сувдир. Касал-

ликнинг тарқалишига ҳайвонлар организмининг заифлашуви ва ичак таёқчаларининг касаллик пайдо қилишини кучайтирадиган қимматли бўлмаган озуқа ва парваришлашдаги ёмон шароит сабаб бўлади.

Колибактериоз билан асосан бўғоз нутриялар ва уларнинг янги туғилган болалари касалланадилар. Касалликнинг яширин даври 1−5 кун давом этади. Касалликнинг асосий белгиси ич кетиши ҳисобланади. Касалланган ҳайвонлар шалвайган, мўйлари ҳурпайган кўринади, орқа чиқарув тешиги атрофи эса ахлатлар билан ифлосланган бўлади. Қорин ичида зарарланган 90 фоиз нутрия болалари туғилгандан сўнг дастлабки 2 ҳафтада нобуд бўладилар. Тирик қолганлари эса ўсишдан жуда орқада қоладилар.

Ҳозирги вақтда колибактериознинг ўзига хос давоси ишлаб чиқарилган, шунинг учун бу касалликлан ҳимояланишнинг асосий воситаси унинг олдини олишдир. Бунинг учун жониворларни тўлақимматли озиқалар билан боқиш, озиқлантириш гигиенасига риоя қилиш, рационга ацилофил бактериялар сақловчи сут маҳсулотларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

## Стрептококкоз

Стрептококкоз − стрептококлар чақирадиган касаллик бўлиб, унга нутриядан ташқари мўйнали ҳайвонлардан норка, кумушсимон-қора тулки, қундуз ва бошқалар таъсирчан бўлади. Гарчанд касалликка барча ёшдаги нутриялар дучор бўлсаларда, лекин 2−3 ойликкача бўлган, шунингдек, бўғоз нутриялар кўпроқ зарарланадилар.

Касалланган ҳайвонлар стрептококкоз манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу касаллик эпидемияси одатда нутрияларнинг катта гуруҳи қўраларда асралганда вужудга келади.

Ёш нутрияларда касаллик, одатда ўткир формада, катталарида эса ўткирга яқин ва сурункали кечади. Стрептококкнинг ўткир шаклида жониворларнинг ҳарорати 39− 40° С гача кўтарилади, бурун тешикларидан йиринг (баъзан қон ара-



лаш) тушади. Касалланган нутриялар иштаҳаси йўқолади, териси эса ҳурпайган бўлади. Одатда, 1− 2 кундан кейин зарарланган 70− 90 фоиз нутрия боласи ўлади.

Сурункали шаклдаги стрептококкоз 2 ҳафтадан 4 ҳафтага чўзилади ва жониворнинг ўлими ёки соғайиши билан тугайди. Бошқа кўпгина касалликлардаги каби сурункали стрептококкоз ҳам ташқи кўринишдаги белгиларга қараб тахминий ташхисни қўйиш мумкин, узил-кесил ташхисни эса фақат ветеринар врачи ўлган ҳайвонни лабораторияда текширгандан кейин қўйиши мумкин.

Стрептококклар антибиотикларга нисбатан жуда таъсирчан, шунинг учун уларни йўқ қилишда узоқ вақт таъсир кўрсатувчи бициллин-5 самарали препаратидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Препарат касалланган нутрияларнинг биттасига 60 минг ЕД дан мускул орасига бир мартадан қилинади. Беш кундан кейин қайта эмланади.

## Гижжа касалликлари

Нутриялар гижжаларнинг лентасимон, юмалоқ ва ясси каби беш тури билан зарарланиши мумкин. Ясси чувалчанглар жигарда, ичакда ва кўричакда тўпланади, лентасимонлари тери ости клетчаткасида, жигарда, ўпкада ва ичакда; юмалоқ гижжалар эса ичакнинг йўғон бўлимида паразитлик қиладилар.

Нутрияларнинг гижжалар билан зарарланиш манбаи касалланган жониворлар, шунингдек, сифатсиз озуқа ва ифлосланган ичимлик сув ҳисобланади.

Нутрияларнинг нажасларида гижжалар мавжудлиги аниқланганда зудлик билан ветеринария врачига мурожаат қилиш керак. У таҳлиллар ўтказгандан сўнг касалланган ҳайвонларга гижжа ҳайдовчи препаратлар тайинлайди.

Шу боис янги олиб келинган жониворлар камида 2 ҳафта алоҳида сақланиши керак.

## Нафас органлари касалликлари

Модомики нутриялар иссиқсевар жониворлар экан, совуқ пайтларда улар турли касалликларга дучор бўладилар, бунинг оқибатида улар ринит, бронхит, ҳатто ўпка яллиғланиши билан касалланишлари мумкин.

Юқорида қайд этилган касалликларга шубҳа бўлса, дарҳол катакдаги ҳароратни кўтариб, ҳаво намлигини камайтириш, жониворларни тўйимли озуқалар ва мўл ичимлик сув билан таъминлаш, иложи борича тез ветеринария врачига хабар бериш лозим. У ҳайвонларни кўздан кечириб, даволаш йўл-йўриқларини айтади.

### Ринит (тумов)

Ринит – бурун шиллиқ пардаларининг яллиғланиши. Касалликнинг асосий белгилари бурун тешикларидан шиллиқ ажралиши ва бурун парраклари атрофида нафас олишни қийинлаштирувчи қуруқ қатлам мавжудлиги.

Ринитни даволаш учун пенициллиннинг 1:100 нисбатдаги эритмаси билан касал жониворнинг бурни шиллиқ пардаси кунига 1–2 марта ювилади. Қуруқ қатламга глицерин ва вазелин суртилиб илиқ сув билан намланади ва пинцетда олиб ташланади.

### Бронхит

Бронхит – бронхлар яллиғланиши бўлиб, кўпинча нутрияларда ринитга қўшилиб келади. Касаллик белгилари: тез-тез аксириш, озуқани емай қўйиш, бурнидан шиллиқ ажралиб чиқиши, хириллаб нафас олиш, суст ҳолат.

Бронхитни даволаш бўйича ветеринария врачининг кўрсатмаларини амалга оширишдан аввал нутрия касалланишининг асосий сабабини бартараф этиш – хона ҳароратини мақбул даражага ошириш, елвизакларни йўқ қилиш зарур.

Одатда ветеринария мутахассиси бронхит билан касалланган нутрияларга антибиотиклар ёки сульфаниламидли препаратлар тайинлайди.



### Ўпка яллиғланиши (Пневмония)

Пневмония – ўткир ёки сурункали ўпка яллиғланиши бўлиб, кўпинча ринит ёки бронхитдан кейинги асорат сифатида вужудга келади. Ташхисни ветеринария врачи касалланган жониворнинг нафас олишини эшитиб кўргандан кейин қўяди.

Касалланган нутрияларда хириллаб нафас олишдан ташқари тана ҳароратининг ошиши ва иштаҳанинг пасайиши кузатилади. Пневмонияни даволаш касалланган ҳайвонларга антибиотиклар тайинлаган ветеринар кузатувида олиб борилади.

### Ошқозон – ичак касалликлари

Нутрияларда ошқозон-ичак касалликлари кўпгина ҳолларда нотўғри озиқлантириш оқибатида вужудга келади. Бундай касалликлар сабаби нитрит ва нитратлар миқдори кўпайиб кетган емиш, озуққа аралашмасига заҳарли ўсимликлар, касаллик келтирувчи микроблар, замбуруғлар ёки уларнинг заҳарлари қўшилиб қолиши, шунингдек, ҳайвонлар рационида ош тузининг ошиб кетиши бўлиши мумкин.

### Заҳарланиш

Нутрияларнинг заҳарланишига яшил пичан ёки ўт унига аралашиб қолган заҳарли ўсимлик, дон аралашмаси, емга тушган заҳарли уруғ, чиритувчи бактериялар, омбор зараркунандалари ва замбуруғлар, шунингдек, заҳарли химикатлар ва минерал ўғитлар қўшилган емишлар сабаб бўлиши мумкин.

Нутрияда заҳарланиш ўткир ёки сурункалик кечади. Озуқада кучли заҳар бўлиши жониворни бир неча соатда нобуд қилишга қодир, кучсиз заҳар эса нутрияда уни бир неча кун қийнайдиган турли бетобликларни келтириб чиқаради.

Ўткир заҳарланишнинг асосий белгилари қайт қилиш, сўлак оқиши, овқат емай қўйиш, ташналик, ич кетиши, тиришиш ва паралич. Ушбу аломатлар кўринганда жони-

ворнинг тезда ошқозон ва ичагидан заҳарни чиқариб ташлаш чоралари кўрилади. Бунинг учун қайт қилдирувчи ва сурги воситалари, ошқозонни ювиш ҳамда ҳуқна қилиш қўлланади. Ошқозонни ювиш ҳамда ҳуқна қилиш учун организмдан заҳарнинг чиқишини тезлаштирувчи қайнатилади ган сувдан фойдаланилади.

Ошқозонни ювиш учун кўпгина заҳарли моддаларни шимиб олувчи фаоллаштирилган кўмир қўшилган қайнатилган илиқ сув ишлатилади. Тўғри, баъзи ҳолларда заҳар жуда тезликда таъсир кўрсатади, ошқозонни ювиш эса фақат жонивор сифатсиз овқат егандан кейин дастлабки 30–40 дақиқала самарали бўлиши мумкин.

Агар нутрияда ич кетиш бошланган бўлса ёки жонивор кучли оғриқдан азобланаётганлигини кўрсангиз, у ҳолда ичакни ювиш зарур. Улардан кейин жониворнинг оғзига тухумнинг оқи, сули крупасидан шилликли қайнатма, сут ёки марганцовка эритмаси қуйилади. Нутрияларда қайт қилиш, ич кетиши ва кучли оғриқ билан бир қаторда асаб тизимининг зарарланганлиги кузатилса, яъни ҳайвоннинг кўз қорачиқлари кенгайиб, қаттиқ безовталанаётган ёки, аксинча, эзилган ҳолатда кўринса, эман пўстининг ёки мармарак (шалфей) ўсимлигини қайнатмаси каби буриштирувчи восита қўлланади.

## Метеоризм ва тимпания

Метеоризм – ичакда газ, ҳаво йиғилиши натижасида ичакнинг дам бўлиши нутрияларни баъзи озуқалар билан нотўғри озиқлантирилганда рўй беради. Масалан, ичак дам бўлишини кўпинча сақлаш чоғида моғорлаган яшил озуқа, айниқса, беда, йўнғичқа ва бошқа дуккакли ўсимликлар келтириб чиқаради. Баъзи ҳолатларда метеоризмдан жонивор нобуд бўлиши мумкин.

Касалликнинг белгиси: нутриянинг овқатни емай қўйиши, эзилган ҳолати, юзаки ва тез-тез нафас олиши.



Метеоризмдан азобланаётган нутрияларнинг қорни таранг, агар уриб кўрилса ундан барабан овозига ўхшаш овоз эшитилади.

Тимпания – газ таъсирида ошқозон кенгайиши бўлиб, у ўзининг аломатларига кўра метеоризмга ўхшаш. Касаллик келиб чиқишига крахмалга бой озуқа (пиширилган картошка, шунингдек, қизиган, янги ўрилган ўт)нинг ошқозонда бижғиши сабаб бўлади.

Одатда бу касалликни даволашда нутрияларни 24 соат давомида емишдан тийиб, фақат пичан, яшил озуқа ва сабзавотлардан иборат кўк парҳезга ўтказиш лозим.

Жониворлар кечираётган оғриқни камайтириш учун ветеринар билан келишилган миқдордаги баскопанни қўллаш доркор. Оғзидан 1 фоизли ихтиола эритмаси ёки 3–5 фоизли сут кислотаси қуйилгач тимпания ёки метеоризмдан азоб чекаётган нутрияларга илиқ ҳуқна қилиниб, совунли сув билан қорни оҳиста артилади ва катакда ҳаракатланиш учун қўйиб юборилади.

Метеоризм ва тимпания пайдо бўлганлиги аниқланса, озуқа сифати текширилиб, рацион қайта кўриб чиқилади ва аниқланган камчилик бартараф этилади. Касал нутрияга 24 соат давомида озуқа берилмайди.

## Катарал гастроэнтерит

Бу касалликда ошқозон ва ичаклар яллиғланади. Унинг асосий сабаби – сифатсиз озуқа ва ичимлик сув ёки бир турдаги озиқлантиришдан кескин бошқа хилига ўтиш. Касалликнинг белгилари ичаклаги бузилишлар натижасида жониворлар шалпайиб, овқат емай қўяди. Касалланган нутриянинг ахлати суюқ, пордонроқ ва ҳидли бўлади.

Касалланган ҳайвонларга ташхис қўйилгач, биринчи сутка озиқлантирилмай, оғзидан кунига икки маҳал сурги (3–5 мл дан 5–10 фоизли глаубер тузи) кейин эса 1 чойқошиқдан (200 мл сувга 0,2 г) марганцовка қуйилади.

## Сийдик-таносил тизими касалликлари

Нутриялар қовуғининг яллиғланиши, тухумдон кисталари, бўғозликнинг бузилиши ва бошқа сийдик-таносил аъзолари касалликларига дучор бўладилар. Бундан ташқари жуфтлашиш чоғида эркак нутриянинг жинсий аъзолари кўпинча тушиб кетади ёки унинг атрофида юнгли ҳалқа ҳосил бўлиб, бунинг оқибатида қочиришга лаёқатсиз бўлиб қолади.

Нутрияларни урчитишга тайёргарлик даврида тажрибали нутриябоқарлар эркакларини кўздан кечирадилар, агар юнгли ҳалқа кўрсалар уни олиб ташлайдилар. Жинсий аъзо тушиб кетиш ҳолларида кучсиз марганцовка эритмаси билан зарарсизлантирилиб, эҳтиёткорона тўғрилаб қўйилади.

### Қовуқ яллиғланиши

Қовуқ яллиғланиши нутрияларда асосан куннинг совуқ пайтларида кузатилади. У мустақил касаллик ҳам бўлиши мумкин ёки шамоллаш касалликлари шароитида кечади.

Касалликнинг асосий белгиси сийдик чиқариш чоғидаги оғриқдa. Касал нутрия сийиш чоғида баъзан гир айланади, орқасини букиб қичқиради. Бунда унинг сийдиги қизғиш рангда бўлади. Касал жониворнинг иштаҳаси йўқолади, агар даво-ланилмаса бир неча ҳафтадан кейин ўлади.

Касалланган нутриянинг ташхиси аниқлангач, у аввалдан иситиб қўйилган алоҳида катакка ўтказилади. Даволаш чоғида чекланган миқдорда сув ва ширадор озуқалар, асосан қуритилган емишлар ҳамда пиширилган картошка берилади. Ҳайвоннинг орқа суяги атрофи қаттиқ оғриётган бўлса илиқ қуруқ компресс қўйилади. Дори-дармон воситаларидан капсулада чиқариладиган гексамин (0,3 г) ва белладонна экстракти (0,01 г)нинг аралашмасидан фойдаланилади. Дори ҳайвоннинг тўғри ичагига иложи борича ичкарироққа юборилади. Бунда чап қўл билан нутрия думи



кўтарилиб, ўнг қўлнинг бармоғида капсула ичкарига оҳиста итарилади, кейин бирмунча вақт бошбармоқ билан орқа тешик беркитиб турилади.

Юқорида таъкидланган даволаш ҳафта давомида бир кунда бир марта ўтказилади.

### Бўғозлик пайтидаги бузилишлар. Бола ташлаш

Бола ташлаш турли омиллар таъсирида рўй беради. Агар бу бўғозликнинг эрта муддатида содир бўлса, у ҳолда эмбрион йўқолиб, нутрияларда куйикиш бошланади. Анча вақт ўтган бўғоз нутрияларда бола ташлаш рўй беради. Бола ўлик туғилиб, одатда уни нутрия еб қўяди.

Нутрияларда бола ташлаш сабаблари:

– нотўғри озиқлантириш (А, Е, Д витаминлари етишмаслиги, оқсил камлиги ва ҳоказо);

– ҳайвонларни тор катакда зич сақлаш туфайли сайр қилмаслик;

– қўрқиш;

– жониворлар билан дағал муносабатда бўлиш (бўғоз нутрияларнинг думидан ушлаб тортиш, кўчириш чоғида катак деворларига уриб олиш, лат едириш, даволаш – профилактика тадбирларни нўноқлик билан бажариш ва ҳоказо);

– касаллик.

Бола ташлаган урғочи нутриянинг жинсий аъзоларига инфекция кириши натижасида уларнинг қини ва бачадонида яллиғланиш бошланади. Жинсий аъзолардаги яллиғланишларга аниқ ташхисни ветеринария врачи қўйиши мумкин. Бунга у тегишли чоралар кўради.

### Мастит

Мастит – сут безларининг яллиғланиши бўлиб, нутрияларда сўрғичлари жароҳатланганда вужудга келади. Бундай жароҳатлар оқибатида урғочи нутрия организмига инфекция кириб, сут безларида яллиғланишларни келтириб чи-

қаради. Маститда нутрия сўрғичларига ихтиола суртма дориси суртилади. Касал ҳайвонга уротропин (0,5 г) ёки стрептоцид (0,5 г) суткада бир марта ичирилади.

### Совуқ урдириш, ортиқча иситиб юбориш, жароҳатлар

Йилнинг совуқ пайтларида етарли иситилмаган хоналарда сақланаётган нутрияларнинг мўй қоплами билан ҳимояланмаган тери участкаларини совуққа олдириш ҳолатлари учраб туради. Кўпинча жониворларнинг думи, гоҳида панжалари ва қулоқларини совуқ олиб қўяди. Кучли совуққа олдирилган ҳайвонлар сўйилади, енгилроқлари даволанади.

Совуқ урган дум учи баъзан қуриб, тушиб кетади, лекин кўпгина ҳолларда думнинг зарарланиши оқибатида яллиғланишнинг чуқур ўчоқлари вужудга келади. Бундай ҳолларда дум ёки унинг учи ветеринар клиникасида кесиб ташланади, буни мустақил қилса ҳам бўлади, шундан кейин жароҳат йод билан куйдириб қаттиқ боғлаб қўйилади. Боғлов 24 соатдан сўнг олиб ташланади. Боғлов олиб ташлангандан кейин жароҳатга стрептоцид сепилади.

Хонада ҳаво ҳарорати юқори (30° Сдан кўп) ва ҳайвонлар зич жойлаштирилган бўлса, нутрияларнинг ортиқча исиб кетишдан нобуд бўлиш ҳоллари рўй бериб туради. Ортиқча иссиқлаб кетиш симптомлари сустлик ва тез-тез нафас олишдир. Ҳайвонлар овқат емай қўяди, қорни ёки енбоши билан бўйнини чўзиб ётади. Кўпинча жониворларнинг оёқлари титраётгани кузатилади. Оғир ҳолларда нутрияларнинг орқа оёқлари фалаж бўлиб, сўнг ўлади. Иссиқ уришининг биринчи белгилари пайдо бўлганда, энг аввало, нутрияларнинг катакда ортиқча исиб кетиши сабабларини бартараф этиш ва бу ерда мақбул шароит яратилиши керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, ҳайвонлар салқин хонага ўтказилади, уларнинг боши совуқ сув билан намланади.

Ортиқча исиб кетишнинг оғир шаклида нутрияларнинг мус-



кулари орасига 1–2 мл миқдорда кофеин эритмаси юборилади.

Юқорида изоҳланган совуққа олдириш ва ортиқча исишдан ташқари, нутриялар турли жароҳатланишларга ҳам дучор бўладилар. Гап шундаки, бу ҳайвонлар жуда уришқоқ бўладилар: зич сақланганда, айниқса, бир жинсли бўлганда гуруҳларда, шунингдек, кўчириш пайтида улар ўртасида уришлар содир бўлиб, бир-бирларига жароҳат етказишлар.

Агар жароҳат катта бўлмаса у тезда битиб, ортиқча даволашни талаб этмайди (жароҳатга йод ёки 2 фоизли водород перекисидан суртилади), лекин жароҳат катта бўлиб, ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаса, бунда ҳайвонлар ўлиши мумкин.

Чуқур жароҳатларда яра атрофидаги мўйлар қирқиб ташланади, яра атрофи марганцовкага намланган тампон билан тозаланиб, унга стрептоцид сепилади, зарурат бўлса боғлов боғланади. Нутриялар жиддий жароҳатланганда тери остига 1–2 мл миқдорда кофеин, мускул орасига суткада 2 марта 30–50 минг ЕД пенициллин юборилади.

Нутрияларда суяк синиши ҳар доим кучли оғриқ билан кечиб, юмалоқ тўқималар шишади ёки зарарланади.

Жониворнинг ҳарорати ва қон босими кўтарилади. Агар нутрияларда очиқ суяк синиши бўлса, унга биринчи навбатда ишлов берилади ва шундан кейин очиқ гипсли боғлов қўйилади. Боғлов 3–4 ҳафтадан кейин олинади, агар суяк ўемаган бўлса, бошқатдан қўйилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Тузувчи Нестреров Д.В «Приусадебное животноводство» – М.: «Издательский дом «Вече»» 2004 г
2. Тузувчи С.П.Бондоренко «Выделка и изготовление из шкурок кроликов» – М.: «Издательство АСТ» 2002 г
3. Интернет материалларидан кенг фойдаланилди.

## МУНДАРИЖА


Куёнчилик ............................................................
Куён зотлари ............................................................ 3
Зот танлаш ............................................................ 4
Курок (гўшт-тери) йўналишидаги зотлар ........................ 6
Гўштбоп зотлар ............................................................ 7
Тивитбоп зотлар ............................................................ 35
Куённи асраш ............................................................ 39
Куёнхоналар ............................................................ 42
Куёнхоналар учун жой танлаш ........................................ 42
Куёнлар учун катаклар ................................................ 44
Асбоб-ускуналар ва анжомлар ........................................ 46
Куёнларни озиқлантириш ................................................ 52
Энг мувофиқ рацион ............................................................ 59
Куёнлар учун фойдали ва зарарли ўсимликлар ................ 60
Куёнларни кўпайтириш ................................................ 62
Куёнларни сотиб олиш ................................................ 62
Куёнлар билан муомалада бўлиш .................................... 63
Она куён ............................................................ 64
Эркак зотли куёнлар ............................................................ 66
Бичиш ............................................................ 76
Куён болалари ............................................................ 78
Куённи сўйиш ва терисини шилиш .................................... 81
Терига дастлабки ишлов бериш ........................................ 87
Терининг товар сифати ................................................ 91
Куён касалликлари ............................................................ 93
Куёнларда сут безини яллиғланиши ................................ 96
Куёнларда ошқозон ичак касалликлари ............................ 99
Офтоб ва иссиқ уриши ................................................ 105
Юқумли стоматит ............................................................ 109
Куённинг кулоқ касалликлари ........................................ 110
Куёнларда тиш касаллиги ................................................ 111
................................................................................ 113

Нутриячилик ............................................................ 116
Нутрия зотлари ............................................................ 117
Нутрияни асраш ............................................................ 124
Нутрияни сотиб олиш, уларни ташиш ва карантин ............ 125
Хона ва асбоб-ускуна ҳамда анжомлар ............................ 127
Озиқлантириш ............................................................ 133
Озиқа тавсифи ............................................................ 136
Турли физиологик даврдаги нутрияларни озиқлантиришнинг хосиятлари ............................................................ 142
Нутрияларни урчитиш ................................................ 145
Урчитиш тизими ............................................................ 146
Кочириш усуллари ............................................................ 147
Нутрияларнинг боғозлик, болалаш ва эмизиш даври ........ 149
Нутрияларни ўстириш ................................................ 151
Нутрия касалланганда ................................................ 152
Юқумли касалликлар ................................................ 153
Гижжа касалликлари ................................................ 161
Нафас органлари ............................................................ 162
Ринит ............................................................ 162
Бронхит ............................................................ 162
Ўпка яллиғланиши ............................................................ 163
Ошқозон ичак касалликлари ............................................ 163
Захарланиш ............................................................ 163
Сийдик таносил тизими касалликлари ............................ 166
Бўғозлик даврида бузилишлар, бола ташлаш .................... 167
Мастит ............................................................ 167
Совуқ уриши, [illegible] юбориш, жароҳатлар .................... 168

# Қуён ва нутрия: гўшт ва мўйна

*тадбиркорлар учун*
*илмий-оммабоп қўлланма*

Муҳаррир: Н.Ҳошимов
Тех. муҳар: Н.Қодирова
Дизайнер: Р.Ташматов
Оператор: Н. Мухитдинова
Мусаҳҳиҳ: И. Кўзиев

Теришга берилди 24.09.2013. Босишга рухсат этилди 24.11.2013. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ гарнитураси. Шартли босма табоғи 10,75.
Нашр босма табоғи 10,75. Адади 4000 нусха.
Буюртма №161

Нашриёт лицензияси: AI №183. 08.12.10.

*«Dizayn-Press» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.*
*100100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22 уй.*
*Маълумот учун телефонлар: 8(371)255-34-28*